

М.Б. МУМИНОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ТОШКЕНТ


336.9
M-86.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Б. МҮМИНОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(МОНОГРАФИЯ)



ТОШКЕНТ – 2021

**УЎК: 334.722(575.1).
КБК: 65.9(5У)09**

М.Б.Мўминова Тижорат банклари актив операциярини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш Монография –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021, 130 бет.

ISBN 978–9943–7136–6–6

Монографияда тижорат банкларида актив операцияларни бошқариш йўллари ўрганилиб, корреляцион-регрессион таҳлиллари амалга оширилган ҳамда банк актив операцияларини нейрон тизими модели ишлаб чиқилган.

Активларни секьюритизациялаш, автоматлаштириш, «New Privat» ҳамда масофавий бошқарув инновацион усулларини актив операцияларга йўналтириш орқали бошқаришнинг инновацион услуби шакллантирилган.

Монографиядан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари **ходимлари** – актив операцияларни бошқаришда, муаммоли кредитларни олиш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда тадқиқотчилар ўзларининг мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришларида, илмий лойиҳаларида, олий ўкув юртлари талабалари «Пул ва банклар», «Банк иши», «Банк рисклари», «Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш» сингари фанларининг амалий базасини мустаҳкамлашда фойдаланишлари мумкин.

**УЎК: 334.722(575.1).
КБК: 65.9(5У)09**

Тақризчилар:

Т.И.Бобоқулов – Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби профессори;

Ж.Я.Исақов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Банк иши ва инвестициялар" кафедраси профессори;

М.Рустамов – Тошкент молия институти Молия факультети декан мувонини, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий Кенгаши томонидан 2021 йил 13 февралдаги 6-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978–9943–7136–6–6

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021.

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида нотекис ривожланиш тенденцияси давом этаётган шароитда банк тизимидағи мавжуд муаммоларни бартараф этиш, иқтисодий мустакилликни кучайтириш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, молия-кредит соҳасида юзага келаётган молиявий-иктисодий тўлқинларнинг салбий таъсирини юмшатиши масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқаро банк активларини самарали бошқариш масаласи ўзининг долзарблиги билан тавсифланади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тижорат банклари томонидан инновацион ёндашувлар асосида актив операцияларни бошқариш самарадорлигини ошириш, актив операцияларни бошқариш доирасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни хежирлаш амалиётини янада ривожлантириш, актив операциялар жараёнига нисбатан ички ва ташки омиллар таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиши долзарб масалалардан бири хисобланади. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқищда замонавий банк тизимининг шаклланиш ва ривожланишидаги асосий тенденциялар, жумладан, инновацион банк технологиялари, ракамли иқтисодиёт элементларини кенг жорий этиш илмий тадқиқотларнинг марказий бўгинини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, актив операцияларни бошқаришда маркетинг ва менежмент уйгунилигини таъминлаш, актив операцияларни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда банк тизими активлари ҳажми ўсиб, ЯЙМдаги улуши ортиб бормоқда. Шу ўринда, тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегияларининг такомиллашмаганлиги республика банк тизими активлари ҳажми юкори бўлган шароитда ҳам айrim йирик тижорат банкларида активлар даромадлилиги даражасининг пасайиши, банк депозитлари асосий қисми юридик шахсларнинг талаб килиб олингунча маблағларидан ташкил топганлиги тижорат банкларининг ўз актив операцияларини юкори таваккалчилик асосида юритишига сабаб бўлмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида¹ тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестицияйий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада оширишга имкон яратувчи чора-тадбирларнинг белгилаб берилиши муҳим аҳамият касб этади. Юкоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришнинг зарурлиги монография мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Шунингдек, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қиласди.

Актив операцияларни бошқарища маркетинг ва менежмент уйғуналигини таъминлаш, актив операцияларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, актив операциялар таркибини инновацион хизмат турлари орқали кўпайтириш ва банкнинг кредит портфели мониторингини мукаммаллаштириш, банк ички аудитини ривожлантириш, муаммоли кредитларни тизимлаштирган холда бошқариш, кимматли коғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони., 2017 йил 7 февраль // www.lex.uz

І БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банк тизимида актив операцияларни бошқариш борасидаги илмий-назарий қараашлар

Сүнгти йилларда республикамизда олиб борилаётган исло-хотлар натижасида, банк тизимида бир қатор ютукларга эришилди. Жумладан, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган банкларнинг ривожланиши халқаро таалаблар даражасида эканлиги ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланаётганилиги бунга мисол бўлади.

Бироқ иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари учун асосий муаммолардан бири банкнинг ликвидилиги ва даромадлигининг энг мақбул даражасини аниқлашадир. Бунинг учун банк актив операцияларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим, бунга эришишда банк тизими мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли, аввало, банк тизими, банк менежменти, бошқарув, банк активлари, актив операциялар ва уни бошқариш усулларига иқтисодчи олимларнинг назарий ва илмий қараашларини чуқур ўрганиш мухим деб ҳисоблаймиз.

Аввало, «Банк тизими ўзи нима?» деган саволга иқтисодчи олимларнинг қараашлари орқали жавоб берамиз.

Иқтисодчи олимлардан О.Ю.Рашидовнинг фикрича, «Банк тизими-ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб – мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шуни билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланиши моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурдир»² деб таъриф беради.

Россиялик олимлар Ю.Г.Вешкин, Г.Л.Авагян «Банк – бу кредит ташкилоти бўлиб, у куйидаги банк операцияларини амалга оширишининг алоҳида хуқукига эга: жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларига қўйилмаларни жалб этиш, ўз номидан ва ўз хисобидан ушбу маблағларни қайтариб бериш,

² О.Ю.Рашидов “Пул,кредит ва бакнлар”, 2011. 320 бет.

тўлаш, тезкор бажариш, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк хисоб ракамларини очиш ва юритиш шарти билан жойлаштириш», деб таъкидлашган.³

Иқтисодчи олим О.И.Лаврушин «Банк фаолияти муайян ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу ўзига хос хусусиятлар кўйидагилар билан боғлиқ:

- 1) банк ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки айирбошлиш соҳасида ишлади;
- 2) банк – бу муайян маънода савдо институти хисобланади;
- 3) банк – бу тижорат корхонаси;
- 4) банкнинг фаолияти тадбиркорлик тавсифга эга;
- 5) банк – бу нафақат тижорат корхонаси, балки жамоат институти ҳам»,⁴ деб изоҳлади.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганар эканмиз, барча таърифлар ўзига хос тарзда банк тизимини очиб берган ва бу тизим кенг қарорларни, ушбу таърифларнинг барчаси ўринли эканлигини кўришимиз мумкин.

«Банк тизими ривожланишининг асосий негизини актив операциялар ташкил килади. Шу сабабли, қўпчилик банклар банк менежментида активларни бошқариш стратегиясига алоҳида эътибор каратади. Бундан ташқари, активларни бошқариш стратегияси молиявий стратегиянинг муҳим таркибий қисми хисобланаб, уни ишлаб чиқиша банк молиявий баркарорлигига фаол таъсир этувчи омиллар таҳлили зарур бўлади»,⁵ шундай экан, биз «Банк менежменти ўзи нима?» саволига жавоб топишимиз лозим.

Иқтисодчи олим Г.И.Просветовнинг фикрича, «Банк менежменти бу – банк молиявий ресурсларини банк баркарорлигини таъминлаш мақсадида бошқаришдир»⁶, деб изоҳласа, А.В.Тавасиев эса, «Банк менежментини банк фаолиятининг барча

³Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб.пособие/ Веипкин Ю.Г.,Авағян Г.Л.-Магистр,2007.-350 с.

⁴ Основы банковского дела: учебное пособие,под ред. О.И.Лаврушина.-М.: Кнорус. 2008. -384 с.

⁵ Раҳматов Ҳ.Ў. Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш муаммолар ва ечимлар/ Тошкент: Янги нашр, 2012. -178 б.

⁶ Собиржонова Д., Сулаймонова Б. Менежмент. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод ва молия,-2008.212- б.

жараёнлари, муносабатларининг оддий бошқаруви», деб таърифлайди.⁷ Яна бир рус олимаси Е.П.Сускаянинг таърифича, банк менежменти «Банкни бошқариш жараёнида мақсадга эришиш ва уни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиши»⁸ дир.

Е.Ф.Жуков эса «Банк менежменти-ютуқларга йўналтирилган катор кичик жараёнлардан ташкил топган етарлича мураккаб жараёндир»⁹ деб таърифлайди. Юқоридаги таърифлардан Г.И.Просветов ва Е.П.Сускаянинг фикрига қўшиламиз, чунки улар ўз таърифида банк менежменти банк барқарорлигини таъминлаш мақсадида бошқариш ва бу жараёнда мақсадга эришиш ҳамда уни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқишидир, деб таърифлайдилар.

Хорижлик иктисодчи олим Р.Дафтнинг фикрича, банк менежменти – бу бозор шароитларида банк фаолиятига хос бўлган алоҳида тамойил, функция ва усулларни татбиқ этиш оркали банк ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш оркали стратегик мақсадларга эришишга қаратилган касбий фаолиятнинг мустакил тури хисобланади, деб изохлади¹⁰.

Мамлакатимиз иктисодчи олимларидан А.Ваҳобов ва О.Ортиковнинг таъкидлашича, «Менежмент бошқарув жараёни банк фаолиятининг турли соҳаларини, шу жумладан, унинг ташки киёфаси (жихозлаш), персонал (мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти), техник таъминлаш (алоқа воситалари, компьютерлар) кабиларни қамраб олади»¹¹.

Ю.Т.Додабаев, А.С.Кучаров, Н.С.Мирзаҳмедова эса қўйида-гича таъриф берадилар «Банк менежменти – бу бозор иктисодиёти шароитида банкни бошқаришдир»¹².

Шу билан бирга, иктисодчи олимлардан Т.Файзиев, Б.Рухитдинов, О.Мирзаганиевлар «Банк фаолиятини комплекс

⁷ Тавасиев А.М. Банковский менеджмент.// Деньги и кредит, 2009 г.№3- 61с.

⁸ Суская Е.П. Управление ссудными операциями как составная часть банковского менеджмента.//Деньги и кредит, 2008 г. №4-с.36

⁹ Банковский менеджмент: учебник под ред. Е.Ф. Жукова. Юнити-Дана 2012 г. 319с.

¹⁰ ДафтР. Менеджмент. Учебник. – 6-е изд. / Пер. С англ. – СПб.: Питер, 2006. –864 с.

¹¹ Ваҳобов А, Ортиков О. Банк хизматлари мажмумининг сифат кўрсаткичи. // Бозор, пул ва кредит. 2006й. №12,9-10-б.

¹² Додабаев Ю.Т., Кучаров А.С., Мирзаҳмедова Н.С. Менеджмент и маркетинг в банках. Учебное пособие. Ташкент 2002 г.

тарзда бошқариш тизими-банк менежменти. Комплекс бошқарув деганда, банк фаолиятининг барча йўналишлар бўйича ишларни ташкил этиш тушунилади»¹³, деб таърифлайдилар.

Биз барча иқтисодчи олимларнинг фикрини кўриб чиқиб, фақат А.В.Тавасиевнинг фикрига қўшилмаймиз, чунки у банк менежментини банк фаолиятининг барча жараёнлари, муносабатларининг оддий бошқаруви деб изоҳлайди. Бошқарув жараёни оддий бўла олмайди, бизнинг фикримизча, банк менежменти мураккаб жараён бўлиб, банкнинг юкори даромад олиши ва ижтиомий, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини ўзида мужассамлаштирган, бир-бирига узвий боғлаган ҳолда бошқаришдир, деган хуносага келамиз. Чунки ҳар бир соҳада бўлгани каби банк соҳасида ҳам биргина мақсад, у ҳам бўлса, даромад олиш ва шу орқали банк баркарорлигига эришишдир, бунда эса банк менежментига эътибор қаратиш лозим. Ушбу жараённи амалга оширишда ҳар бир тармок узвий боғланган ҳолда ишлаши, бошқарув жараёнлари тўғри йўлга қўйилиши лозим, шундагина кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Барча адабиётларда «менежмент» ва «бошқарув» атамалари бир-бири билан уйғун ҳолда ишлатилади, шундай экан, бошқарув атамасига ҳам изоҳ берамиз. Бу борада иқтисодчи олим П.В.Журавлев «Менежмент бир томондан «бошқарув» атамасининг маънодошидир»¹⁴, деб таъриф берган. Бироқ менежмент тушунчаси бошқариш тушунчасига нисбатан кенг ва мазмунан бой бўлиб, унинг мазмуни ўрганадиган муаммоларининг хилмакиллиги, кўллайдиган усулларининг хусусиятлари, тамойиллари, ёндашувлари, функцияларида акс этади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Э.Ф.Набиев «Бошқарув-объекти иш фаолиятини яхшилаш ёки қўллаб-куvvatлашни мақсад килиб қўйган муайян ахборот асосида

¹³Файзиев Т. ва бошқ. Банк менежменти. Касб-хунар колледжлари учун ўқув қўлланма (З-нашр). Т.:”Илм-зиё”, 2014.-224 б.

¹⁴П.В.Журавлев, С.А.Карташов, Н.К.Маусов, Ю.Г.Одегов. Персонал. Словар понятий и определений-М.:”Экзамен”, 1999.- 512 с.

амалга ошириладиган хатти-харакатлар йифиндиси»¹⁵, деб таърифласа, В.А.Спивак «Бошқарув–бу ташкил этилмаган оммани самарали мақсадга йўналтирилган ва унумдор гурухга айлантиришнинг алоҳида фаолият туридир»¹⁶, деб изоҳ беради ушбу бир-бирига зид фикрларни ўрганиб, биз куйидаги таърифни шакллантиридик.

Бошқарув бирор-бир мақсадга эришиш йўлида иқтисодий, ижтимоий ва психологик омилларнинг узвий бажарилиши, усул, тамойил, қонун ва воситалар орқали самарарага эришишдир.

Самарали бошқарув конуни орқали бошқарув самарадорлигига эришиш мумкин. Натижа эса бошқарув сифатига боғлик бўлиб, банк менежменти бошқарув жараёни сифатида куйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш;
- банк менежментининг ахборот таъминоти;
- банк менежментининг иқтисодий механизми;
- банк фаолиятини бошқариш;
- персонални бошқариш;
- банкнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқариш.

Биз банк менежментининг бошқарув жараёни таркибига кирувчи банк фаолиятини бошқаришга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Банк фаолиятини бошқаришни кўриб чиқиш жараёнида

- барча операция турларини бошқариш (актив ва пассивларни бошқариш, ликвидлилик ва б.);
- маҳсулот ва хизматларнинг ракобатбардошлигини ошириш;
- маҳсулот ва хизматларни бозорга чиқариш;
- инновацион фаолият;
- барча йўналиш, бўлим ва филиаллар бўйича банк сиёсатини асослаб беришга¹⁷ тўхталиб ўтишимиз лозим.

¹⁵ Э.Г.Набиев. Замонавий менежмент назарияси ва амалиёти. Т.,Академия ,2006.252 б.

¹⁶ Спивак В.А. Управление персоналом. Учебное пособие. - М.: Эксмо, 2010. - 226 с.

¹⁷ Банковский менеджмент: учебник. под ред. Е.Ф. Жукова. Юнити-Дана 2012 г. 319 с.

Кўйидагиларнинг барчаси банк фаолиятини бошқаришда асосий ўринни эгаллайди. Масалан, актив ва пассив операцияларни бошқариш орқали банкнинг даромадлилик, ликвидлилик, таваккалчилик даражаларини назорат қилиш имконига эга бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг рақобатбардошлигини оширади ва молия бозорида ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беради. Яна бугунги кунда барча соҳаларни қамраб олаётган инновацион фаолиятсиз ҳам банк хизматларини тасаввур кила олмаймиз.

Банк актив операцияларини бошқариш ҳакида сўз юритишдан олдин банк активлари ҳамда актив операциялар ўртасидаги фарқ бўйича олимларнинг назарий қарашлари ҳакида қисқача маълумот бериб ўтиш лозим.

«Активлар тушунчаси хавф-хатар тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Банк фаолияти хавф-хатари тижорат банк томонидан ликвидлилик йўқолиши ёки банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички ва ташки омиллар билан боғлиқ молиявий йўкотишларнинг юзага келиши имкониятларини ўзида намоён этади. Активларнинг хавф-хатар даражаси ҳар бир актив операциялар тури учун ўзига хос бўлган омиллар тўпламининг таъсир кўрсатиш натижаси ҳисобланади. Хавф-хатар гурухлари бўйича активларнинг таснифланиши банк капиталининг етарлилигини баҳолаш учун муҳим аҳамият касб этади»¹⁸, деб таъкидлайди иқтисодчи олимлар Ю.Г. Вешкин ва Г.Л. Авагян.

«Тижорат банкларнинг активлари – бу тижорат банкларнинг ресурслари жойланиши ва улардан фойдаланишни акс эттирувчи бухгалтерлик балансининг моддаларидир.

Банк активлари, одатда, актив операциялар, яъни даромадни олиш, банкнинг ликвидлилигини ушлаб туриш ва унинг фаолиятини таъминлаш максадида ўзи ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш натижасида шаклланади. Айнан актив операциялар натижасида банк ўз даромадларининг асосий қисмини олади»¹⁹.

¹⁸ Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб.пособие/ Вешкин Ю.Г.,Авагян Г.Л.-Магистр,2007.-350 с.

¹⁹ Грищенков Г. З. Осипов И. А. Основы банковского дела. Учебно-методический комплекс для студентов экономических специальностей. 2004

Барчамизга маълумки, тиҷорат банклар активларини бошқариш орқали ўзларининг даромадлилик даражасини оширади, ликвидилигини мустахкамлайди ва ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча тармокларига таъсир кўрсатади. «Активларни бошқариш деганда, ўзи ва жалб килинган маблагларни жойлаштириш тартиби ва йўллари тушунилади»²⁰.

Банк активлари – бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: накд маблаглар, қарзга берилган маблаглар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади. Бундан ташқари, банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар моддий шаклга эга бўлмайди, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этади.

Шунингдек, активларни бошқаришнинг назарий манбаси факат банк активлари хусусиятларидан эмас, балки банк менежменти моҳиятидан келиб чиқади.

Активларни бошқариш – шахсий ва жалб этилган маблагларни жойлаштириш бўйича фирманинг фаолияти; жорий активларни бошқариш, айланма капитални бошқариш, ликвидли активларни ишлаб чиқариш омилларига айлантириш ва белгиланган активларни бошқаришни фарклайди.

Ички банк бошқарувининг обьектлари турли-тумандир. Банк активлари улардан биридир. Уларни бошқариш тизими бошқарув тизими ва бошқарув обьектларини ўз ичига оладиган активлар. Бошқарув тизими олдида шундай мақсадлар туради, уларга эришиш фойдали бошқарувни англашади. Бу мақсадларни олдига қўйиш менежментнинг вазифасидир, мақсадларни ўзи эса узвий равишда активларни бошқариш тизимига киради.

Иқтисодчи олим Т.Файзиев «Банк активларини бошқариш-банкнинг ҳаракатдаги маблагларини самарали жойлаштириш. Банк активлари банкнинг актив операциялари ёрдамида жойлаштирилади», деб таъкидлайди²¹.

Бундан келиб чиқиб актив операцияларга тўхталар эканмиз, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.А.Омонов, Т.М.Коралиевлар «Тиҷорат банкларининг актив операциялари - бу

²⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк иши.-ТМИ. 2003 йил, 196 бет.

²¹ Файзиев Т.ва бошқалар Банк менежменти. Т.:“Илм-зиё”, 2014.-2246.

банкларнинг пассив операциялари натижасида шакллантирилган маблағларини иқтисодий жиҳатдан даромад (фойда) олиш мақсадида турли мақсадларга жойлаштириш ва ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ операциялардир. Тижорат банкларининг актив операциялари уларнинг фаолиятида жуда муҳим хисобланади. Чунки ушбу операциялар орқали даромадлар шакллантирилади ва актив операциялар доимо маълум даражада риск, яъни қарздорнинг дефолти (тўловга қобилятсизлик) билан боғлиқ бўлади²², деган фикрни билдирадилар.

Россиялик иқтисодчи олим О.И.Лаврушин бу борада «Кредит ташкилотларининг актив операциялари – бу даромадларни олиш, ликвидлилик ва молиявий барқарорликни ушлаб туриш мақсадида ўзи ва жалб қилинадиган маблағларни таҳсиллаш (улардан фойдаланиш) бўйича мақсадга йўналтирилган ҳаракатлардир»²³, деб изоҳ беради.

«Тижорат банкларининг актив операциялари бу-банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали йўналтиришдир»²⁴. Шу билан бирга «Тижорат банкларининг ўзлик ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг вактинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш натижасида маълум даромад топиш учун ўз номидан фойдаланишдаги фаолияти актив операциялардир»²⁵, деб таърифлар берилган.

Иқтисодчи олима А.В.Печникова ва бошқалар «Актив операциялар – бу банк ресурсларни жойлаштириш бўйича операциялардир. Унинг роли ҳар қандай тижорат банки учун жуда катта.

Актив операциялар банкнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини таъминлайди, яъни тижорат банклари фаолиятининг икки асосий вазифларини ечишга имкон беради. Актив операциялар халқ хўжалигига муҳим аҳамиятта эга. Айнан улар

²² Пул, кредит ва банклар. Дарслик / А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. Солик академияси, Тошкент молия институти. – Т.: "Иқтисод – Молия" 2012. -324 б.

²³ Основы банковского дела: учебное пособие, под ред. О.И.Лаврушина. -М.:Кнорус. 2008.-384 с.

²⁴ Банк ишлар. Дарслик.-Т.:"Фан ва технология", 2016. 640 бет.

²⁵ О.Ю.Рашидов "Пул, кредит ва бакилар", 2011. 320 бет.

ёрдамида банклар хўжалик фаолияти натижасида бўшаётган пул маблағларини иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларига сармоялар оқимини тъминлаб, ишлаб чиқариш, инвестицияларнинг ўсишига, инновацияларни жорий этишга, уй-жой қурилишини кенгайтиришга кўмаклашган ҳолда сармояга муҳтоҷ бўлганларга йўналтириши мумкин. Банк томонидан ахолига ссудалар бериш катта ахамият касб этади»²⁶, деган фикрдалар.

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан О.А.Ортиқов, И.Я.Куллиевлар эса «Банкнинг актив операциялари деганда, банкнинг ўз ва жалб қилинган молиявий ресурсларини даромад олиш мақсадида жойлаштириш тушунилади.

Актив операциялар - юкорида қайд этилганидек, бу банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали йўналтиришдир. Бунга бозорда юзага келган ҳолатни, банкнинг жорий ҳолатини тизимли тарзда таҳлил қилиш, банк активлари ҳаракати ва таркибига доимо зарурий ўзгартиришлар киритиш орқали эришилади»²⁷. Юкоридаги олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда актив операциялар бўйича куйидаги таъриф шакллантирилди.

Тижкорат банклари иқтисодиётнинг қон томири бўлиб, иқтисодиётнинг ҳаракатишинг узвийлигини тъминласа, актив операциялар эса тижкорат банкларининг асосий молиявий барқарорлигини тъминловчи муҳим бўгин бўлиб хизмат қиласи.

Ушбу таърифни изохлар эканмиз, банкларнинг иқтисодиётда тутган ўрни қанчалик муҳим бўлса, актив операциялар хам банк тизимининг асоси ҳисобланнишини, актив операцияларсиз банк активлари шаклланмаслигини, актив операцияларни бошқаришнинг муҳим ахамиятга эга эканлигини англатади.

Юкоридаги иқтисодчи олимларнинг таърифлари асосида куйидаги чизмани шакллантиридик (1.1-расмга қаранг). Тижкорат банкларининг бошқариш жараёнларининг узвийлиги чизмасидан

²⁶ Печникова А.В., Маркова О.М., Стородубцева Е.Б., Банковские операции: Учебник. - М.: ФОРУМ: ИНФРА - М, 2005. - 368 с.

²⁷ Банк менежменти ва маркетинги. Ўқув қўлланма. О.А.Ортиқов, И.Я.Куллиев, Тошкент молия институти, 2015. 208 бет.

бошқариш жараёнларининг узвийлигини кўришимиз мумкин. Бу узвийликни бошқариш орқали банк юқори даромадга, ликвидиликка, барқарорликка ва капиталининг ўсишига эришади бу эса мижозларнинг банкка ишончини оширади.



1.1-расм Тижорат банкларининг бошқариш жараёнларининг узвийлиги.²⁸

Бу бўйича бизнинг таърифимиз қуидагича: **актив операцияларни бошқариш** банкнинг даромадини, ракобат-бардошлигини ошириш, унинг барқарорлигини таъминлаш, ва рисқдан ҳимоялашнинг ягона омили ҳисобланади.

Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришни амалга ошириш чоғида белгиланган ликвидилик меъёрларига амал қилиши ва айрим турдаги актив операциялар бўйича рискларнинг мақсадга мувофиқ тақсимланишини таъминлаши зарур бўлади. Актив операцияларни бошқаришда уларни гурухларга бўламиз.

1. Кредит операциялари. Бунинг натижасида банкнинг кредит портфели шаклланади;
2. Инвестиция операциялари. Бунинг натижасида банкнинг инвестиция портфели шаклланади;
3. Касса ва хисоб-китоб операциялари. Бу орқали банк ўз мижозларига асосий хизмат турларини кўрсатади;

²⁸ Муаллиф томонидан ишланган.

4. Ва бошқа актив операциялар. Мазкур операциялар банк фаолиятида самарали инфратузилмани яратишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш тармокларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш шароитида банклар учун активларни бошқариш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай банк молиявий бозорнинг юкори даражада ривожланиши билан иқтисодий барқарорлик шароитида ҳам маълум жиддий кийинчиликларни енгиги ўтишига тўғри келади. Лекин иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бир қанча ташқи омиллар тижорат банкларнинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатиб, банк актив операцияларини бошқариш масаласи биринчи даражага чиқмоқда.

Юкоридагилардан келиб чикиб, актив операцияларини бошқаришининг асосий максадларини қуидагиларга ажратамиз:

1. Банк ликвидлилигини ошириш;
2. Банк даромадини ошириш;
3. Рискларни камайтириш.

Шундай экан, банкнинг актив операциялари уларнинг даромадлилиги, ризк даражаси ва ликвидлилигини эътиборга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Банк фаолиятининг ривожланишидан маълумки, даромадлилик ва ликвидлилик бир-бирига қарама-карши кўрсаткичлардир. Ликвидлилик даражаси банкнинг жалб қилинган ресурсларини актив операцияларга жойлаштирилиш муддатларининг мувофиқлиги даражасига кўра белгиланади. Активларнинг қайтиши ва мажбурият ўртасидаги муддат номувофиқлиги ликвидлилик рискининг асосий манбасидир. Ликвидлилик - банкнинг ташки баҳолаш мезони бўлса, унинг даромадлилиги унинг ички баҳолаш мезонидир.

Шу билан бир қаторда банк ликвидлилигига актив операциялари ҳам таъсир килади. Яъни жами активлар ичida биринчи даражали ликвид активларнинг хиссаси юкори бўлиши банкнинг юкори ликвидлилигидан далолат беради (1.1-жадвалга каранг).

1.1-жадвал

Активларнинг классификацияси²⁹

Активлар	Ликвидли лик			Даромад			Риск			Муддат		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Касса ва хисоб-китоб операциялари	+						+			+		
Марказий банкдаги вакиллик хисоб- варагидаги маблағлар	+			+			+			+		
Бошқа банклардан олинадиган маблағлар		+			+				+		+	
Олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар	+				+			+		+		
Соф инвестициялар			+	+			+					+
Кредит ва лизинг маблағлари			+	+			+			+	+	+
Бошқа молиявий активлар		+				+		+		+		
Асосий воситалар			+			+			+			+

Юкоридаги жадвалда активларнинг классификацияси келтирилган бўлиб, унда I-юкори, II-ўрта ва III-паст даражаларга бўлинган. Шу билан бирга банкнинг ликвидлилиги актив операцияларнинг риск даражаси билан узвий боғланган. Яъни банк балансида юкори рискли активлар ҳиссаси қанча юкори бўлса, ликвидлилик даражаси шунча кам бўлади. Банк томонидан юридик шахслардан, аҳолидан олинган омонатлар ва жамғармаларнинг вактида қайтарилиши ҳам банкнинг ликвидлилик даражасига боғлиқ. Банкнинг мижозлар олдидаги ишончини қозониши учун вактида олинган банк мажбуриятларини қайтариши лозим, бу эса ўз-ўзидан актив операцияларни самарали бошқаришга боғлиқдир.

Ўз навбатида, актив операцияларининг барчаси хатарга мойил бўлиб, ушбу хатарларни ўз вактида аниқлаш ва уларнинг

²⁹ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

олдини олиш бўйича чоралар кўриш талаб қилинади. Бунинг учун актив операцияларининг таркибини ўрганиш ва шунга қараб, рискларни бошқариш, ликвиддилликни саклаши лозим.

Банкнинг ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжини бозордаги талаб ва таклиф нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Банкда ликвид маблағларга бўлган талаб иккита сабаб бўйича вужудга келади:

1. Мижозларнинг ўз хисобваракларидан маблағларини олишлари натижасида;

2. Мижозлар томонидан кредит олиш учун буюртмалар келиб тушиши сабабли вужудга келади.

Ликвид маблағларга бўлган талабнинг вужудга келишига яна бир сабаб, банкнинг бошқа кредиторлардан (банклар, хукумат ёки Марказий банкдан) олган қарзларини қайтариш билан боғланган. Соликларни тўлаш ва акциядорларга диведент тўлаш ҳам юқори ликвидли активларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Банкнинг ликвид маблағларга бўлган талабини қондириш учун барча имкониятларини ишга солиб, яъни асосий эътиборни ахоли ва юридик шахсларнинг маблағларини депозитларга жалб килишга каратади.

Агар ликвид маблағларга бўлган умумий талаб таклифидан ошиб кетса, банк ликвид маблағлар тақчиллигига тайёр туриши лозим. Шу билан бирга қанча микдорда ва муддатга қўшимча ликвид маблағлар олиш масаласини ҳал қилиши лозим. Ўз навбатида, жами таклиф жами талабдан ошиб кетса, банк раҳбарияти ликвид маблағларининг ортиқчалигига тайёр бўлиши ва ушбу маблағларга бўлган талабни қоплаш учун зарур бўлгунга кадар қаерга, қанча муддатга маблағ йўналтириш масаласини ҳал қилиши керак бўлади.

Банкнинг ликвид маблағларга бўлган талабини режалаштиришдаги биринчи вазифаси накд пул маблағларини бошқаришdir. Яъни мижозлар талабини қондириш учун етарли даражада накд пул захираларини таъминлашдан иборатдир. Лекин накд пуллар банкка даромад келтирмайди, ўз навбатида, банк раҳбарияти накд пулни минимал даражада ушлаб туриши керак бўлади. Бу вазифани амалга ошириш банкнинг пул муомласи

билин шуғулланувчи бўлинмаси зиммасига тушади. Яъни ушбу бўлинма накд пулнинг зарурий даражасини аниклаб, ликвидлиликни бошқариш бўйича амалий ишларни амалга ошириш учун тавсияларни банк раҳбариятига тақдим килиши керак.

Банк активлари муддатлари бўйича пассивлари таркибига тўғри келиши лозим. Шу билан бирга банк бозор муносабатларининг нобаркарорлиги хатаридан тўла халос бўлмаслиги, банк раҳбарияти олдида банк операциялари даромадлилигини ликвидлилик чегаралари доирасидан чикмаган ҳолда таъминлаш муаммосини юзага келтиради. Лекин ликвидлилик чегараси, активлар ва пассивлар муддатига қатъий риоя килган ҳолда жойлаштирилиши ҳам банк даромадини максимал даражага кўтаришга айрим ҳолларда тўскинилик қиласди. Бугунги кунда, банк амалиётининг кўрсатишича, талаб қилиб олингунча депозитга қўйилган маблағларнинг бир қисми тарихий характер касб этмокда. Яъни узоқ муддатга талаб қилинмасдан сақланмоқда. Бу ушбу узоқ муддатли ресурслар, юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштиришга имкон беради.

Юкоридагилардан келиб чишиб банк активларининг даромадлилигини эътиборга оладиган бўлсак, активлар ўзининг мохиятига кўра, даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган турларга бўлинади:

1. Даромад келтирадиган (ишлаб турадиган) активлар. Бу банк ссудалари, қимматли қоғозларга қўйилмалари.

2. Даромад келтирмайдиган (ишламайдиган) активлар. Уларга кассадаги накд пуллар, марказий банкдаги вакиллик ва захира ҳисоб ракамларидаги маблағлар қолдиклари, банкнинг асосий фонdlарига қўйилмалар.

«Амалдаги қонунчиликка асосан, тижорат банклар ўзларининг активларининг маълум қисмини даромад келтирмайдиган ҳамда кам микдорда даромад келтирувчи активларга йўналтиради. Масалан, даромад келтирмайдиган активга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб ракамида сақланадиган мажбурий захираларни, асосий воситаларни, жиҳозлар ва буюмларни ҳамда кам микдордаги даромад келтирувчи активга

эса кассадаги нақд пулни кўрсатиб ўтиш мумкин»³⁰. Республикамиз банкларининг активлари таркибидаги даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлар таркиби билан танишамиз (1.2-расмга қаранг).



1.2-расм. Тижорат банкларнинг даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлари хажмининг ўзгариш динамикаси (фоизда)³¹

Юкоридаги расмда 2020-2005 йиллар оралиғида даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активларнинг хажмининг ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин. Даромад келтирадиган активлар ҳажми 3,8 % га камайганини, даромад келтирмайдиган активлар ҳажми 3,8 % га ўстанини кўришимиз мумкин. Улар ўртасидаги фарқ бутунги кунда 58,4 % ни ташкил килмоқда. Бу кўрсаткичлардан банкларимиз ипотека кредити орқали бутун дунёда юз берган жаҳон молиявий иктиносидий инкирози таъсирида банк даромадларида ҳам ўз аксини кўрсатган эди. Мана, йиллар давомида тижорат банклари даромад келтирадиган активларининг салмоғини ошириш йўлларида изланиб, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткичлар ижобий тус олганини кўришимиз мумкин. Бироқ ҳозирда глобал муаммолардан бири

³⁰ О.Ю.Рашитов “Пул, кредит ва бакилар”, 2011. 320 бет.

³¹ Марказий банк маътумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Covid-19 пандемияси барча давлатларга ўз таъсирини кўрсатиб, иқтисодиётни издан чиқармоқда. Бизнинг республикамиизда ҳам тижорат банклари мижозларга кредит таътиллари берди, бу эса даромад келтирувчи активларнинг фоизининг қисқаришини келтириб чиқаради. Шундай экан, тижорат банклари мана шундай иқтисодий инқирозларга қарши “химоя ёстиқчалари” билан таъминланган бўлишлари лозимдир. Бу эса актив операцияларини бошқаришда даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активларга аҳамият бериш кераклигидан дарак беради.

Фикримизча, актив операцияларини даромадлигига караб бошқариш банк даромадлигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул килиш; банкнинг жами актив операциялари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмогини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб-чиши; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бунда асосий эътиборни кимматли қоғозлар билан операцияларга қаратиш лозим, чунки ушбу активлар банк балансида ўз улушкига эга эмас; республикада ҳудудий хусусиятларни хисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри таксимлаш каби бир катор масалаларни ечиш имконини беради.

Ушбу масалаларни ечиш банкнинг ички бошқарув тизимида боғлиқдир. Бошқарув тизимининг олдида банк тизимидағи муаммоларини ҳал этиш максади туради, бу эса узвий равишда банкнинг актив операцияларини бошқариш таркибига киради (1.3-расмга каранг).



1.3-расм. Банк бошқарув тизимининг тартиби.³²

³² Муаллиф томонидан тузилган.

Агар банк актив операцияларини бошқариш жараёнига изоҳ берсак, аввало, бериладиган расмдаги субъектларни бошқаришда мавжуд назария асосида мақсад, стратегия, режа ишлаб чиқилади, ташки муҳит ва актив операциялар ҳолати ўрганилади. Натижалар аниқ режали вазифаларга, лимитларга айлантирилади ва бошқарув тизими орқали актив операцияларга бевосита таъсир кўрсатилади. Бошқарув тизимининг сўнгига актив операцияларини бошқаришда олдимизга кўйилган мақсадларга эришиш натижасига эга бўламиз. Назорат ёрдамида мақсаднинг бажарилиши аникланилади ва баҳоланади. Агар мақсадга эришилмаган бўлса, бу ҳақидаги маълумот бошликлар тизимига юборилади, у ерда ҳолатга келтириш мақсадида, активларга кўшимча бошқарув усууллари ишлаб чиқилади. Сўнг янги бошқарув цикллари келади: яна юклатилган тизимда активлар, ташки муҳит ҳолати ўрганилади ва мақсад кўйилади, стратегия ва бошқалар ишлаб чиқилади.

Актив операцияларни бошқариш элементларини бошқарув тизими етказиб беради. Бошқарув тизими эммитентларини назарий тушунчаларнинг занжири кўринишида тасаввур этиш мумкин, улардан ҳар бири аввалгиси кейингисини аниклади.

Амалиётда банк актив операцияларини бошқаришда назарий тушунчалар занжирининг охирги иккита элементига, яъни бошқарувнинг услублари ва воситаларига ургу берилади. Назарий режада изланишнинг обьекти одатда, актив операцияларнинг бошқариш мақсадлари ва тамойиллари бўлади. Сўнгги вактларда мамлакатимиз олимлари бошқарув вазифаси орқали актив операцияларнинг таркибий қисми бўлган ссудаларни бошқаришни кўриб чиқмоқдалар. Аммо банк тизимида, жумладан, банк актив операцияларини бошқаришда ишлатиладиган қонуниятлар тўғрисидаги масалалар етарлича ўрганиб чиқилмаган.

Факат комплекс ёндашув банк актив операцияларининг бир текис бошқарув тизимини барпо этишга, бошқарув тизимининг ҳар бир элементини алоҳида ва умумий йигиндисини кўриб чиқишга ёрдам беради. Актив операцияларини бошқаришнинг аниқ воситаларини тўғри ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун илмий-асосланган назарий база керак бўлади.

Назарий тушунчалар занжирида биринчи элемент мақсаддир (1.3-расмга қаранг). Бошқарувнинг ҳар қандай жараёни мақсадни ўрганишдан бошланади. Бошқарув мақсади - бу исталган натижа. Мақсадга, мақсад мезони деб аталаувчи аниқ бир чегараланган, бир-бирига боғланган шарт-шароитда эришиш афзалдир. Агар юкори даромадга эга бўлиш мақсади қўйилса, унинг мезони маъқул келадиган хатар даражаси бўлиши мумкин. Агар мақсад хатарни минималлаштириш бўлса, унинг мезони - юклатилган банкни даромадлилик даражасидир. Мезон - бу кўшимича мақсад ёки асосий мақсадни чегараловчиси.

Банк актив операцияларини бошқарув мақсади умумий хам эмас, барқарор хам эмас, балки ўзгарувчандир. Ҳар бир банк уларни ўзича ўрнатиши мумкин. Ҳатто факат иккита мақсади бор бўлган ҳар бир банкда уларни турлича сарфлаши мумкин. Битта банк асосий мақсад сифатида биринчи, мезон сифатида бошқасини танлайди. Кейинги банк эса барчасини, аксинча, килади. Бундан ташкири, актив операцияларини бошқаришда бир нечта мақсадни ўрнатиши мумкин, натижада кўп мезонли масалани ечишга тўғри келади. Шунинг учун иқтисодий адабиётларда учраётган олимларнинг актив операцияларини бошқариш мақсадини узил-кесил таърифлашга уринишлари бизнингча ўринсиз бўлиб кўринмоқда.

Бизнинг фикримизча, қўйидагича ёндашувни танлаши керак: актив операцияларини бошқариш мақсади банкнинг бошқариш мақсади билан аникланади. Сабаб, активлар – бу банк маҳсулоти, чунки уни тайёрлашда хом ашё сифатида банк ресурси (маблаги) ишлатилган. Банкнинг барча фаолияти банк маҳсулоти йигиндисини тайёрлашга йўналтирилган. Шунинг учун банк фаолиятини бошқариш мақсади банкнинг актив операцияларини бошқаришга ўхшашибди. Одатда, бундай мақсад сифатида банкни рентабеллиги, ликвидилиги, ишончлилиги аникланади. Ҳозирда чет элда актив ва пассив операцияларининг бошқарувини мувофиклаштириш фикри устунлик қилмоқда. Бундай бошқарувнинг мақсади кўп

холларда хатарни маъқул келадиган даражасида, шунингдек, хатарнинг ликвидлилигида банк маржасини максималлаштиришда кўришади. Бирок, банкни ликвидлилигини тушунишда, ликвидлиликнинг ошиши асосий мақсад бўлиши мумкин, мезони эса банкнинг даромадлилик даражаси бўлади.

Ушбу параграф доирасида қуйидаги назарий кетма-кетликни шакллантиридик: «**Банк менежменти мураккаб жараён бўлиб, банкнинг юқори даромад олиши, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бир-бирига узвий боғлаган ҳолда бошқаришдир**».

«**Бошқарув бирор-бир мақсадга эришиши йўлида иқтисодий, ижтимоий ва психологияк омилларнинг узвий бажарилиши бўлиб, усул, тамоил, конун ва воситалар орқали самарага эришишдир**».

«**Тижорат банклари иқтисодиётнинг қон томири бўлиб, иқтисодиётнинг характеристининг узвийлигини таъминласа, актив операциялар эса тижорат банкларининг асосий молиявий баркарорлигини таъминловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қиласди**».

«**Актив операцияларни бошқариш банкнинг даромадини, рақобатбардошлигини ошириш, унинг баркарорлигини таъминлаш ва рисқдан химоялашнинг ягона омили хисобланади**».

Юкоридаги назарий қарашларимизни иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувларини ўрганиб ва бугунги кунда фаолият юритаётган тижорат банкларининг актив операцияларини амалиётда бошқариш жараёнини таҳлил қилган ҳолда шакллантирилди. Шу билан бирга ушбу назарий қарашлар асосида тижорат банкларининг бошқарув стратегиялари ва усуслари шакллантирилади. Кейинги бўлимларимизда бирга актив операцияларнинг бошқарув тизимига таъсир этувчи омиллар шу билан бирга, актив операцияларни бошқариш стратегиясининг ташкилий асосларини такомиллаштириш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифларни ўрганамиз.

1.2. Тижорат банкларида актив операцияларининг бошқариш стратегияларининг назарий жиҳатлари

Тижорат банкларининг актив операцияларини бошқаришда стратегия мухим аҳамият касб этади. Ҳар бир банк ўз бошқарув стратегиясига эга бўлиши лозим, чунки ушбу стратегия орқали мақсад, режа ва натижаларга эришилади. Шундай экан, стратегияларининг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш лозим.

«Стратегия» сўзи – грек тилидан келиб чиккан. Дастрраб у харбий аҳамиятга эга бўлиб, ғалабага эришишнинг тўғри йўлини танлашга оид «генералнинг санъати»ни англатган.

Хозирги кунда адабиётларда «стратегия» тушунчасининг қуидаги таърифларини кузатиш мумкин:

- баркарор рақобат устунлигига эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар йигиндиси;
- компания томонидан амалга оширилган кўплаб ҳаракатларни шакллантирувчи кучи ёки илгари сурувчи қатор қарорлар;
- ажралиб турувчи тавсифлари ёрдамида рақобат устунликларини яратиш йўли;
- тезкор тубдан ўзгартириш санъати, компаниянинг ўсишига қаратилган ташабbusлар портфели.

Келтириб ўтилган аксарият таърифларда рақобат устунлиги, рақобатбардошлиқ тушунчаларига асосий урғу берилган. Баъзи ишларда ушбу тушунчанинг мутлақо нобозор таърифлари берилган³³. Мазкур ишда³⁴ банк стратегияси остида «банк концепциясини амалга оширишнинг асосий йўлларини белгилаб берувчи банкни ривожлантиришнинг комплекс стратегияси» тушунилади. Мохиятига кўра, интеграл, микдорий жиҳатдан ифодаланган банкни ривожлантиришнинг стратегик кўрсаткичларига боғлиқ бўлган банкнинг жорий режалаштириши ва бошқарувининг алоҳида таркибий қисмлари стратегиялар деб номланган.

Стратегия – вакт функцияси эмас, балки йўналиш функциясидир. У тезкор ҳаракатларни талаб этмайди.

³³ Стратегическое планирование. Учебное пособие Под ред.А.Н.Петрова.Санкт-Петербург, знание, 2003.

³⁴ Егорова Н.Е., Смулов А.М.Предприятия и банки. М.:Дело, 2002.

Бирок стратегия – бу нафакат истиқболга мұлжалланған харакат концепцияси, балки бошқарувнинг фикрлаш усулидір³⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиб савол түгилади: Банк ўз стратегиясига зга эканлиги нимани англатади? Бу саволга ижобий жавоб бериш мүмкін, агар:

- банк ўз бозор сегментида етакчи ёки инновацияларни жорий этувчи ташаббускор ҳисобланади;
- жорий фаолият стратегик режа ва мақсадлар асосида режалаштирилади;
- бутун банк жамоаси ташкилотни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини билади ва тақсимлайди;
- стратегия–инвестицион ва бошқа узок муддатлы қарорларни қабул қилишнинг асосий мезони;
- ҳар бир ходим банк томонидан стратегик мақсадли күрсаткічларға эришишга ўз ҳиссаси меъерини билади (молиявий ва номолиявий);
- мувозанатлаштирилған күрсаткічлар тизими жорий этилган;
- мувозанатлаштирилған күрсаткічлар тизими ресурслы асосланған ва ходимларни мотивациялаш тизими билан асосланған.
- банкни ривожлантириш концепцияси бир-икки топ-менежерлар бошида жамланған;
- у ходимларга таниш эмас, бинобарин, улар иши ва мотивацияси самарадорлигининг сифат күрсаткічлари тизими билан түлдирилмаган;
- банкни ривожлантиришнинг ресурс таъминоти башорати мавжуд эмас;
- операцион режалар бозорда факат жорий вазиятни ҳисобға олган холда шаклланади – бундай банкда бизнес ўсиши ва унинг кийматига йўналтирилған стратегик менежмент тамойилидан фойдаланилмайди.

Шу билан бир каторда менежмент асосчиларидан бири М.Портернинг фикрига кўра, стратегияларни шакллантириш жараёни компанияни жойлаштиришдан, яъни учта ракобатли

³⁵ Веснин В.Р. Основы менеджмента : учебник / В. Р. Веснин. -М. : Проспект, 2014. 320 с.

стратегиялардан бирини танлашдан иборат. М.Портер стратегик менежментда мавқелашибириш мактабининг асосчиси ҳисобланади, унга кўра, стратегия келгусидаги харакатлар модели, режа ва истиқбол эмас, балки бозордаги мавқе сифатида кўриб чиқилади³⁶.

Иқтисодчи олим Дрокернинг стратегиялари таснифи компания ихтиёридаги имкониятларнинг у тўқнаш келиши мумкин бўлган ёки ўз зиммасига олиш эҳтимолига эга рисклар билан уйғунлигига асосланган. Уч турдаги имкониятлар (тўлдирувчи, қўшимча ва бўшлиқни таъминловчи) тўрт турдаги риск билан қиёсланади (мажбурий сифатида тан олинувчи риск, зиммасига олиш мумкин бўлган риск, тан олинмайдиган риск, олиш мумкин бўлмаган риск). Имконият ва рискларни мослаштириш стратегиянинг иқтисодий мезонлари ва иқтисодий оқибатларини белгилаб беради³⁷.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, йирик банкларга нисбатан кичик ва ўрта банклар учун стратегия муҳим ахамият касб этмайди (айникса, минтақаларда).

Иқтисодчи олимлар Нортон ва Капланнинг таснифига кўра, маҳсулотнинг етакчилик стратегиясида инновацион: кашифётлар, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, уларни бозорга тезкорликда чиқариш жараёнларига ургу бериш зарур. Мижозлар билан ишончли муносабатлар стратегиясида мижозларга хизмат кўрсатиш, улар сифатини ошириш билан боғлиқ бизнес-жараёнларга асосий эътибор қаратилиши лозим³⁸. Куйидаги фикрларни таҳлил килган ҳолда биз иқтисодчи олимлар Нортон ва Капланнинг фикрлари асосида банкнинг стратегияларини жорий этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин, деган фикрга келамиз. Чунки бугунги кунда инновацион янгиликлардан хабардор бўлиш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш

³⁶ Управление деятельностью коммерческого банка. Под ред. Лаврушина О.И. М.:Юрист, 2002.

³⁷ Друкер П.Ф. Эффективное управление. М., Гранд, 2001.

³⁸ Каипов Р., Нортон Д. Организация, ориентированная на стратегию. М.,2004. ЗАО “Олимп-бизнес”.

асосида кўпгина банклар ўз мижозларининг сонини кўпайтиримоқда. Бунинг учун банк стратегиясини олдиндан бозорни ўрганган холда режалаштириш лозим.

Шундай экан, банк фаолиятини стратегик режалаштириш – бу кўриб чикилаётган соҳада кўриб чикилаётган объектни исталган иқтисодий холатда шакллантиришга йўналтирилган узок муддатда эришиладиган, лекин келгусида «кўзда тутилган» ва уни ривожлантиришда сифатли тавсифларни айтарли ўзгартиришини назарда тутган ҳамда қайтарилмайдиган ва узок муддатли натижага эга режали фаолиятининг аниқ туридир.

Россиялик иқтисодчи олим О.С.Виханский «Стратегик бошқарув бу шундай ташкилот бошқарувники, у инсон салоҳиятига таянади, истеъмолчиларнинг сўровларига караб ишлаб чикариш фаолиятини ташкил этади, ташкилотда ташки томон чакириқларига жавоб берувчи ва ракобат устунликларига эришиш имконини берувчи вакъти ўзгаришларни ва қайишкок тартибга солишини ташкил этади, бу умумий кўринишда ташкилотга узок истиқболда ўз максадига эришиш ва сакланиб қолиш имконини беради»³⁹, деган фикрни билдирган.

Бизнинг фикрмизча, банкни стратегик бошқарув - бу банкни бошқариш тизими бўлиб, у асосида келишилган жорий ва стратегик қарорнинг ҳаракат механизмига эга бўлган, бу қарорларни амалга оширилишининг назорати ва уларни ўз вактида тўғрилаш имконини таъминловчи ижобий ва салбий қайтиш алоқасини ўз ичига олган стратегик режалаштириш ётади. Стратегик бошқарув натижаси шунингдек, узок вакъти ва қайтмайдиган характерга эга ҳамда банк ривожланишида принципиал роль ўйнайди.

Бирок стратегик режалаштириши ва стратегик бошқарув ўртасида принципиал фарқ мавжуддир. Агар стратегик режалаштириш – бу кредит ташкилотининг келгуси режаларини тузиш бўлса, стратегик бошқарув эса – ушбу стратегик режалар асосида банк фаолиятининг узок муддатли натижаларини тузиш,

³⁹ Виханский О.С.Стратегическое управление: Учебник.-2-е изд., перераб. и доп.М.: Гардарика,2009. 296с

уларни амалга оширишнинг назоратидир, у вактда банк фирмасини нормал такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш жараёни амалга оширилади. Агар стратегик режалаштириш «Нима килайлик?» деган саволга жавоб берса, стратегик бошқарув эса «Нима, ким ва қандай қилиш керак?» деган саволларга жавоб беради. Шундай килиб, стратегик бошқарув стратегик режалаштиришни ўз ичига олган, анча кенг ва катта ҳажмли тушунчадир.

Бундай тушунчалар ўртасида қуидаги фарклар келиб чиқади:

- стратегик режалаштириш ва стратегик бошқарув турлича мақсадларни кўзлайди;

- стратегик режалаштириш аналитик жараён бўлиб, стратегик бошқарув эса бу вактда таҳлил қилиш ва ташкил этиш жараёнини симбиозини (бир-биридан фойда олиш) ўзида намоён этади;

- стратегик режалаштиришда «иктисодий», қоидага кўра ички, камроқ ташқи характерга эга маълумот кўлланилади. Стратегик бошқарувда, бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий характерга эга маълумот ишлаб чиқилади;

- стратегик бошқарув ўз ичига стратегияни амалга оширувчи иктисодий инструментларни олади.

Шундай килиб, стратегик режалаштириш ва бошқаришнинг энг муҳим натижаларидан бири кредит ташкилотининг имкониятларини кенгайтириш ва ундан фойдаланишда фойданинг кўпайиши бўлиши керак.

Ҳозирги шароитда барча кенг кўламда банкнинг узоқ муддатли баркарор ривожланишига мўлжалланган стратегик бошқарув иш тартиблари билан амалий тадбирларининг тараккиёт стратегияси ва мослашувини ишлаб чиқишдан бошламоқда. Актив операцияларнинг бошқариш стратегиясининг шаклланишига банк юксак вазифасининг бажарилиши ва олдинга қўйилган вазифаларга эришишида ёрдам берувчи тараккиёт тартиби ва тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда фаолиятнинг асосий устуворликларини белгилаш жараёни сифатида қараш зарур бўлиб колди.

Тижорат банкининг актив операцияларни режалаштириш банк фаолиятининг турли босқичларида банкинг актив операцияларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилган муддатлар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнидир.

Бу босқичлардан хар бирига уни натижаларини амалга оширишни аниқ бир даври ва шакли хосдир (1.2-жадвал).

1.2-жадвал.

Банкнинг актив операцияларини прогнозлаштириш даври⁴⁰

№	Режалаштириш даври	Режалаштириш вақти	Натижаларни амалга ошириш шакли
1	Макро режалаштириш	3-5 йил	Актив операцияларни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш
2	Мезо режалаштириш	1 йил	Актив операциялар структураси ва ҳажмининг жорий режасини ишлаб чиқиш
3	Микро режалаштириш	Ой, квартал	Актив операцияларнинг структураси ва ҳажми бўйича тезкор режалаштирилган вазифаларни ишлаб чиқиш

Юкоридаги жадвалда биз банкнинг актив операцияларини режалаштиришда барча даврлари ўзаро алокада бўлишини ва аниқ бир кетма-кетликда амалга оширилишини кўришимиз мумкин. Бу жараённинг дастлабки бошланғич босқичи, уларнинг банкда шаклланишни умумий стратегиясини ишлаб чиқиш йўли билан актив операцияларнинг ривожланишини асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичларини макро режалаштириш бўлади, у мезо режалаштиришнинг вазифа ва параметрларини аниқлайди.

Ўз навбатида, мезо режалаштириш актив операцияларнинг муқобил таркибини ва ҳажмини шакллантиришни барча йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш ҳамда микро вазифаларни бевосита ижро этувчига етказиш асосини барпо этади. Макро режалаштириш анча мураккаб ва маъсулиятли босқич бўлиб, унинг амалга оширилиши учун малакали ижро этувчиларни талаб этади

⁴⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

хамда бу бўйича маъсул банк раҳбарлари жамланган бўлиши керак. У баркарор иктисадий ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган ва давлат молия бозорини ривожлантириш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда уни рақобат позициясини ошириш, банкни ривожлантириш стратегиясининг умумий қисми бўлади. Мезо режалаштириш жараёни максадга мувофиқ ҳолда боскичма-боскич амалга оширилади.



1.5-расм. Банкнинг актив операцияларининг шаклланишининг асосий боскичлари⁴¹

⁴¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу режалаштириш жараёнларини бир-бирига боғлиқ равишда амалга ошириш лозим. Бугунги кунда банк тизимида шиддатли ўзгаришлар натижасида режалаштириш жараёнларини ҳам ҳар ҳафталик режалаштириш асосида олиб борилмоқда. Бу микро режалаштиришдан ҳам тезкор бўлиб, ҳафталик натижалар таҳлил килиниб, қайси тармоқда қандай ўзгаришлар бўлаётганини қузатиш мумкин. Бу эса банк стратегиясининг қанчалик тўғри тузилганлигидан далолат беради ва ўз навбатида, келажакдаги йўналишларни ўзгаришиш имконини беради. Бизнингча, режалаштириш жараёнлари босқичма-босқич олиб борилиши банк кутган ижобий натижани берувчи омил хисобланади.

Банк ривожланишининг стратегик мақсадини аниклаш, банкни ривожлантиришининг стратегик мақсадли тизими активлар портфелининг самарали таркибини шакллантиришни ҳамда кредит ташкилотининг кейинги ривожи учун шарт-шароитларни яратишни назарда тутиши лозим. Бунинг учун мақсадли меъёрлар аникланади, яъни:

- банкнинг актив операцияларининг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- ички манбалар хисобига шаклланабўтган банкнинг шахсий маблағларининг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- банкнинг киска муддатли ва узок муддатли мажбуриятларининг ўзаро муносабати;
- актив операцияларни шакллантириш ва қўллаш билан боғлиқ молиявий хатарнинг охирги даражаси.

Банкнинг актив операцияларини шаклланиш стратегиясини ишлаб чиқишининг умумий даврини аниклаш. Бу истикболли режалаштириш босқичининг асосий шарт-шароитни режалаштиришда унда амалга ошириш зарур бўлган даврни аниклаш бўлади. Бунда молия бозорининг ривожланишини «башпорат» қилиш ва давлат иқтисодиётининг ривожланишини ҳамда банк ишлатилган пул бозори сегментларини хисобга олиши зарур.

Актив операцияларнинг шаклланиш стратегиясини ишлаб чикиш дарврини аниклаш учун асосий омиллар, унинг соҳага тенглигини, банкнинг ҳаётйлик даврининг ҳажми, босқичи

бўлади. Банк амалиёти кўрсатганидек, ҳозирги шарт-шароитларда 3-5 йилдан кам бўлмаган давр аникланиши керак.

Актив операцияларнинг шаклланишига таъсир этувчи ички ва ташки омилларнинг таҳлилида изланишлар банкнинг молиявий фаолиятини иқтисодий-хукукий шарт-шароитларини ўрганишни ва уларни келгуси даврда имконли ўзгаришини тахмин қиласди. Бундан ташқари, стратегияни бу босқичда ишлаб чиқиш молиявий бозор конъюктурасини таҳлил этади, банкнинг келгусидаги фаолияти билан боғлиқ бўлган бозор сегментлари нуқтаи назаридан унинг башорати ишлаб чиқиласди. Стратегиянинг банкнинг актив операцияларини бошқаришдаги ўринини кўриб чиқамиз (1.6-расмга қаранг).



1.6-расм. Актив операцияларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш механизми⁴²

⁴² Муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган омиллар асосида иш юритилиши банкнинг рентабеллик даражасига, баркарорлик даражасига ва ликвидлилик даражасига эришишда ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимиning янада ривожланишига туртки бўлади. Шу сабабли банк тизими баркарорлигини таъминлаш актив операцияларини бошқариш асосан корхоналарнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, замонавий илғор техника технологиялар билан кайта қуроллантириш, экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилиши билан мухимдир. Чунки, банк мижозларининг хаётийлик даври қанчалик узоқ бўлса, уларнинг ишлаб чиқаришдаги яшаш даври ортади ва бу ўз навбатида, микро ва макро даражадаги омилларга ижобий таъсир кўрсатади.

Банкнинг актив операцияларининг бошқарув стратегиясининг шаклланиши банкнинг олдига қўйилган вазифаларга эришишида асосий тараққиёт омили ва тадбирлар режаларини амалга ошириш асоси бўлиб хисобланади.

Шу билан бир қаторда даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатнинг изланиши мухим стратегик вазифалардан бири хисобланади. Юқори рискли операциялардаги концентрация зиённи ликвидлиликнинг пасайишини келтириб чиқаради, таваккалсиз операциялардаги зич жойлашув даромадни ололмасликка ва бизнес жалб қилинишининг йўқолишига олиб келади. Банкка рискни коплаш учун унинг олдини олувчи захиралар ролини бажарувчи капиталнинг даромадлилик ва етарлилик даражасининг ўзаро нисбатини аниқлаган ҳолда ракобатбардош жараёнларнинг энг мақбул варианти нуктасида фаолият юритиши мақсаддага мувофиқдир.

Янги қонуний хужжатларнинг доимий олиб борилиши ва улардаги ўзгаришлар, шунингдек, мухитдаги ортиб бораётган ўзгариш суръати ва унинг банкка таъсири мақсадларни, айниқса, узоқ муддатли мақсадларни, доимий тўғриланиб борилиши зарурияти хисобига стратегик режалаштириш моҳияти пасаяди. Бундай шароитларда стратегияга ва уларга эришиш воситаларига мос бир қанча мақсадларни белгилашни камраб олувчи стратегик бошқарув самарали ечим саналади. Ташки мухитнинг пухта

таҳлилий ва эҳтимолдаги ўзгаришларидан келиб чиқиб мақсадлар мунтазам тўғриланиб борилади ва мос стратегия ва воситалар танланади ҳамда банк ҳар қандай ҳодисалардан қуролланган мос стратегия билан кутиб олади.

Шундай қилиб, актив операцияларга оид молия муассасасининг бошқарув стратегиясининг шаклланиши банкнинг умумий стратегияси ривожланишининг ажралмас қисми ва стратегик мақсадларга эришиш воситаларидан бири саналади. Аник ифодаланган стратегия тизими, сифат, ликвидлилик ва активлар риски бошқаруви борасидаги тактик ва амалий қарорлар учун асос бўла олади.

Бизнинг фикримизча, банкларда активларни бошқариш стратегиясини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– банкларнинг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, банк акционерлари томонидан банкни бошқаришда рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

– банк тизимида янги меъёрий хужжатларни жорий этишда стратегик режалаштириш усулларидан фойдаланиш ва бу орқали банкнинг риск даражасидан химоялаш.

1.3. Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришнинг ташкилий жиҳатлари

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган «Ҳаракатлар стратегияси»нинг учинчи йўналиши банк тизимини ислоҳ қилишни чукурлаштириш ва баркарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий баркарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойихалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтиришни ўз ичига олади.⁴³

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони., 2017 йил 7 февраль // www.lex.uz.

Бу эса тижорат банкларнинг инвестицион жозибадорлигини, капиталлашув даражасини ва банк ликвидилигини оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, асосий кўрсаткичларнинг яхшиланишига ва халқаро талабларга жавоб бериши учун мустаҳкам замин яратади. Ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш тижорат банкларининг актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқдир.

Банкнинг актив операцияларини бошқаришда, уларнинг самарадорлигини оширишда ва муаммоли кредитлар сабаб кутилаётган даромадга эга бўлмаслик билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуддир. Шундай экан, тижорат банкларининг актив операцияларини бошқариш жараёнида назарий жиҳатларни чукур тахлил қылган ҳолда бошқариш стратегияларини ишлаб чикиш лозим. Бунинг учун бугунги кунда энг юқори даромад келтирувчи операцияларини тахлил килиб ушбу операцияларнинг риск даражаси, ликвидилик даражаларини хисобга олган ҳолда бошқариш лозим. Нафакат даромад келтирувчи, балки ликвидилик даражаси юқори, лекин даромад келтирмайдиган операциялар таркиби учун ҳам бошқариш йўлларини топиш лозим. Чунки актив операциялар бир-бирини тақрорламайди ва шу билан уларнинг ҳар бирига ўзгача ёндашув лозим.

Банклар ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ўз хиссасини кўшган ҳолда, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишга сезиларли таъсирини ўтказади. Шунингдек, айрим тадқиқотчилар банк секторини келажакдаги ўсишининг яхши башоратчиси сифатида хисоблаш мумкин, деб таъкидлайдилар⁴⁴.

Тижорат банкларининг жами активларининг ЯИМдаги улушини ўзи ҳам актив операцияларни бошқариш механизмини ташкил қилиш лозимлигини англатади.


Сўнгти 10 йиллик маълумотларга эътибор каратсак, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши билан банкларнинг жами активлари ўсиши тўғри пропорционалдир (1.3-жадвалга каранг).

⁴⁴Andrea Vaona(2005)Regional evidence on the finance-growth nexus, Working paper №30,University of Verona, Department of Economics Sciences, Polo Zanotto, Viale dell. Universita 4,37129.Verona, Italy.

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМда банк активларининг улуши сўнгги йилларда ортиб бормоқда. Банк активлари 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 19,2 баробарга ошгани, шу билан бирга ЯИМ эса 7 баробарга ўсганини кўришимиз мумкин.

1.3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами активларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденциялари (2019 йил 1 январь холатига).*



*Манба: www.sbu.uz ва www.stat.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шу билан бирга тижорат банкларининг активлари ЯИМдаги улуши 2008-2019 йиллар оралиғида кўтарилиб келаётганини кўришимиз мумкин, бирок хали ечилмаган муаммоларни бартараф этиш учун тижорат банкларининг активлар тузилмасини такомиллаштириш, банк тизимини баҳолашни халқаро стандартларга мослаштириш юзасидан замонавий банк операцияларини жорий этиш орқали миқозларни жалб қилишни тақозо этади.

Бу борада тижорат банкларининг актив операцияларини бошқаришда ташкилий-иктисодий механизмини юритишда банк

бошқарув органлари, яъни акциядорлар умумий йигилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу Низомда банк Кенгаши активларни бошқариш билан боғлик бўлган актив ва пассивларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни; кредит сиёсатида эса кредит ва кредитларни кўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади; дивидендларни тўлаш сиёсати; инвестиция сиёсати; эмиссия сиёсати кабиларни ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатилган⁴⁵.

Шу билан бир қаторда, банк Кенгаши томонидан банк фаолиятига тегишли бўлган фойдани режалаштириш ва бюджет; капитални режалаштириш; бухгалтерия хисобининг ички назорат тизими; амалдаги қоидаларга риоя этилиши бўйича назорат (банк дастурлари ва фаолиятини Марказий банк низомлари ва қоидаларига риоя этилиши); ички аудит дастури; ташки аудит дастури; чет эл валютаси билан операциялар каби қўшимча сиёсатлар ишлаб чиқилиши лозим.

Бу борада тижорат банкларида актив операцияларини бошқариш механизмини тўғри ташкил этишда асосий вазифа банк Бошқаруви, яъни ижроия органи зиммасига юклатилади. Уз навбатида, ижроия органига ҳар бир қўмита хисоботларини тақдим этиб, уларни таҳлил килиб, келиб чиқиши мумкин бўлган заарларда тезкор чоралар кўриши лозим.

Актив операцияларни бошқариш стратегиясининг ташкилий асосларини такомиллаштириш борасида:

- ички ва ташки хатарларнинг олдини олишни таъминловчи механизмни ташкил килиш;
- банкнинг юкори даромад олишга қаратилган ва шу билан бирга минимал хатарга эга бўлган активлар портфелини шакллантириш;
- тезкор мониторинг механизмини жорий этиш;
- муддати келган кредитларни сўндириш юзасидан чоратадбирларни белгилаш;

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 24 июндаги 472-сон “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми.

– даромад келтирувчи актив операциялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш;

– жаҳон молия бозорини таҳлил қилган ҳолда кредитлаш амалиётига халқаро стандартларга жавоб берадиган прогрессив усулларни жорий қилиш;

– банк тизимиға оид қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий хужжатлар ижро-сини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш;

– мижозлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан актив операцияларга белгилаган меъёрларга катъий амал қилинишини таъминлаш;

– юзага келган муаммоли активлар билан ишлашни ташкил қилиш ва уларни ҳал қилиш ҳамда оддини олиш юзасидан қарорлар қабул қилиш каби муаммоларни ҳал этишни назарда тутади⁴⁶.

Бунгунги кунда банк менежменти хорижий банкларда ривожланган бўлиб, актив операцияларни бошқариш соҳасида ҳам ижроия органлари ўзларининг стратегияларни ишлаб чиқиб, уни самарали ижро этиш мақсадида маҳсус қўмиталар ташкил қилмоқда. Ушбу қўмиталар ҳар куни ёки ҳар ҳафтада йигилиб актив операцияларнинг ҳолати бўйича тезкор режаларни ишлаб чикишади.

Бундан мақсад – акционерлар ва жамғарма эгаларини ҳимоя қилиш; банк ликвидлилигини меъёрида саклаш; фойдани кўпайтириш мақсадида жалб қилинган маблағларнинг фоизини бошқариш; таваккалчиликлар меъёрида бўлган чет эл валюталари айирбошлишидан даромад олиш; капиталнинг етарлилигини таъминлаш, кредитларнинг таъминланганлик ва таваккалчилик даражасига, даромадлилик даражасига кредит қўйилмаларининг ичида ҳар бир кредит турининг салмоғини банкнинг кредит

⁴⁶Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576 с.

сиёсатига боғлиқ равища ўзгаришини назорат қилиш; активларнинг ва пассивларнинг фоиз ставкаларининг сезувчанлигини меъёрида саклаш кабилар ҳисобланади.

Бугунги кунда тижорат банкларининг актив операциялари таркибига кирувчи юкори даромадли ва 100 % рискли операцияларидан бу кредит операцияси бўлиб, уларни бошқариш муҳим ахамият касб этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равища таснифланиб борилади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банкларнинг асосий вазифаси, кредит бериш ўрнига кредитларнинг ўз муддатида қайтарилишини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмоқда. Чунки муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқболли режа кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради. Банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашнинг асосий мақсади муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл кўймаслик, банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегияни ишлаб чикиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш учун турли йўлларни излашдан иборатдир.

Банкларнинг кредит портфели – бу кредит рискларига асосланган ҳолда бирор кўрсаткич ёки сифат бўйича туркумланган кредитлар йигиндишидир. Кредит портфелини оптималлаштириш банкнинг самараали фаолиятини амалга ошириши, унинг кредит инвестиция сиёсатини олиб боришининг асоси ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сифатли ва даромад келтирадиган килиб жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар молиявий инкиroz натижасидир. Лекин шунга қарамасдан, кўпгина мамлакатларда шундай қарз олувчилар синфи мавжудки, улар кредитни тўламайдиган ёмон

қарз олувчилар деб аталади, чунки бундай қарз олувчилар кредитни сўндира олиш имкониятига эга бўлса-да, уни сўндиришни хоҳламайдилар. Пул маблағлари билан бўладиган хатарлар кутилмаганда юзага келади, лекин мунтазам ривожланиб боради. Кредит бўлимнинг ходимлари эҳтимолий йўқотишларга қарши турадиган биринчи тизим ҳисобланадилар. Улар юзага келаётган хатарнинг биринчи белгиларини сезишлари ва таҳлил қила олишлари ҳамда унга қарши тураларни керак. Муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун кредит бўлими ходими куйидаги омилларга эътибор қаратиши лозим:

1. Мижоз аризасини диккат билан ўрганиб чиқиши керак.
2. Мижоз тақдим этган хужжатларни ўрганиб чиқиши ва таҳлил этиш, кредит аризасига илова қилинган зарурий хужжатлар ва мажбурий хужжатлар (карз олувчининг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров шартномаси, кафиллик ва кафолат шартномалари) рўйхати.
3. Мижоз тақдим килган хужжатлар асосида мижознинг молиявий ҳолатини ўрганиши ва баҳолай олиш.
4. Мижоз томонидан тақдим этилган гаров объектини тўғри баҳолаш.
5. Кредит хужжатларини тўғри юритиши.
6. Кредит иши учун ким масъул эканлигини белгилаш ва хар бир инспекторнинг ўз иши учун жавобгар бўлиши.
7. Кредит устидан доимий назоратни олиб бориб, эҳтимолий йўқотишлар хавфининг оддини олиш⁴⁷.

Тижорат банкларда муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими жуда ҳам мураккаб тизим бўлиб, унинг амал қилишига энг жиддий таъсир қиласидан омиллардан бири инсон омили ҳисобланади. Бундай вазиятлардан кочиш мақсадида банк ходимлари яширишга уринаётган ёки эътиборсиз қолдириб кетган муаммоли кредитларнинг белгиларини аниклаш учун кредитларни даврий, мустакил ва объектив текширадиган ички аудит текширувларини ташкил этадилар. Тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан олиб борилган ишлар

⁴⁷ Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заемщика: учебно-практическое пособие. – М.:КНОРУС,2008 – 264 с.

аҳамиятсиз қолдирилган муаммоли ссудаларни аниқлашга ёрдам беради. Кредит рискларини самараали бошқариш жараёнида банкнинг ички назорат тизими муаммоли кредитларни энг биринчи аниқловчи тизим сифатида амал қилади.

Агарда мижоздан молиявий хисобот маълумотларининг олиниши асоссиз равишда кечикирилса, айниқса, кредит шартномасида талаб қилинган маълумотларни олиш даври белгиланган муддатларда олиниши шарти кўрсатилган ёки назарда тутилган бўлса, номолиявий хавотир сигналлари юзага келади ва хавотир сигналлари шундай вазиятларни англатади. Мижозлар томонидан маълумотларни кечикириш сабабларини тушунтиришга уринишнинг ўзи муаммоли кредит белгиларининг намоён бўлганини англатади. Бошқа номолиявий белгилар мижоз фаолиятида режаларнинг бирдан ўзгариши, компания раҳбарияти таркибида кутилган кескин ўзгаришларнинг содир бўлиши ёки қарз олувчи бозорида нокулай тенденцияларнинг ривожланишидан иборат бўлиши мумкин. Юқоридаги каби у ёки бу салбий оқибатлар натижасида мижознинг молиявий хисоботларининг кечикиш сабабларини бирма-бир банкка тушунтириб ўтириш мижознинг хохиши эмас, албатта, ва бу эса банк ва мижознинг ўзаро алоқаларида бўлиши лозим бўлган ишонч ва ҳамкорликнинг рад этилишига сабаб сифатида баҳоланиши мумкин. Энг ёмони, мижознинг бу сабабларни очик-ойдин тушунтиришни хоҳламаслиги қандайдир кўнгилсиз маълумотни яширишга ҳаракат қилаётганлигига хизмат қилиши мумкин. Ва аксинча, баъзан мижоз ўзининг у ёки бу маълумотларини беришни рад этиш сабабларини ракобатчилардан химояланиш мақсадида қилганлигини важ, қилиб ўзини оқлаши ҳам мумкин. Муаммоли кредитларнинг молиявий ёки номолиявий белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ равишда бундай белгилар банк кредит бўлими ходимини бунга тайёр туришга ундаши лозим. Уларнинг эрта пайдо бўлиши зарурий маълумотларни тўплашга ва стратегияни ишлаб чиқишига имкон беради. Кредит бўлими ходими кредит аҳволи ёмонлашетганини сезганда:

– қарз олувчининг муаммоларини таҳлил қилиши;

- муаммоли кредитлар билан шуғулланувчи бўлим ходими ёки раҳбариятдан маслаҳат олиши;
- кредитга энг паст тавсифни беришни маслаҳат бериб, ундан банк фойдасига келадиган фоизни акс эттиришни;
- банк ушбу мижоз билан ишлаганда яна қаерда риск билан тўқнаш келиши мумкинлиги тўғрисида маълумот тўплаши;
- мижоз хисоб ракамини доимий текшириб бориши;
- барча кредит хужжатларини, гаров, таъминланганлик даражасини кўриб чиқиши;
- кредит таъминланмаган бўлса, таъминотни қўлга киритиш имкониятларини ўрганиб чиқиши;
- хатоларни тузатиш меъёрларини ишлаб чиқиши лозим.

Режани ишлаб чиқишининг дастлабки босқичида уни ким бошқаришини аниклаб олиш зарур. Айрим банклар ушбу жараённи кредит бўлимининг айнан шу кредит билан ишлаётган ходими бошқариб бориши керак, деб хисоблайди. Чунки бу ходим ўзи ишлаётган мижозини бошқаларга қараганда жуда яхши билади ёки у ишни шундай вазиятга олиб келиб қўйган экан, демак, банкни бу вазиятдан унинг ўзи олиб чиқиши лозим, деган фикрда бўладилар. Хорижий мамлакат банклари эса бундай вазиятлар учун алоҳида мустақил бўлимлар ташкил этадилар ва бу бўлимлар мижоз билан ўзаро алокаларга ҳалал бермайдиган объектив усусларни ишлаб чиқади. Иккала йўналиш ҳам устунликдан кўра кўпроқ камчиликларга эга. Муаммоли кредитлар билан ишлаш кўп вақтни ва йўқотишларни талаб қиласди. Бозорни яхши биладиган банк ходими томонидан муаммоли кредитни тиклашга сарфланадиган вақт янги кредитларни беришга сарфланиши мумкин бўларди. Иккинчи томондан, банкнинг маҳсус бўлими ходимлари ўзларининг қимматли вақтларини мижоз ишлайдиган компания ва тармоқни ўрганишга сарфлашларига тўғри келади.

Бу ерда кандайдир универсал қоида мавжуд эмас, ҳар бир муаммоли кредит қанчалик ўзининг ноёб хусусиятига эга бўлмасин, у билан ишлашнинг шунчалик кенгайгандаги йўллари мавжуд:

– қарздорлик структурасининг ўзгариш дастурини ишлаб чиқиш;

- кўшимча гаров ва хужжатларни олиш;
- кўшимча таъминотни ушлаб туриш;
- кўшимча маблағлар кўйилмаси;
- бошқа активларни сотиш;
- кафилга мурожаат килиш;
- харажатларни кисқартириш дастурини ишлаб чиқиш.

Катта микдордаги реал мавжуд муаммоли ссудалар активларни таснифлаш, кредитлар бўйича захиралар ташкил килиш, муаммоли кредитлар хисобини юритиш ва кредитларни хисобдан чиқариш каби чора-тадбирларни амалга оширишини талаб этади.

Шу билан бирга тижорат банкларида “олтин қоид” сифатида эътироф этиладиган банк актив операциялари муддати ва суммаси унинг пассив операциялари муддати ва суммасига мос келиши лозим. Бу эса банкларда хар доим ҳам кузатилмайди. Шунинг учун банклар актив операциялари ва пассив операциялари таркибини доимо таҳлил этиши уларнинг олдидағи ликвидлилик муаммоси юзага келишининг олдини олади.

Шундай килиб, ликвидлиликни бошқаришда кўйидаги муаммолар мавжуд:

- келгусида банкни банкротликка олиб келмай, юкори ликвидлиликни саклаш лозим. Бунда даромад ва фойданинг бир кисми йўқотилиши назарда тутилади;
- банк ликвидлилигини таъминлаб, оптималь даромад олишга ҳаракат килиш лозим;
- ликвидлиликни зарар етказмайдиган даражада камайтирган холда юкори даромад-фойда олишга тўлиқ ишонч бўлса, амалга ошириш лозим.

Шу билан бир қаторда банкнинг актив операцияларини бошқаришда диверсификация асосий аҳамиятга эга. Актив операцияларнинг диверсификацияси нафақат воситаларнинг нокулай мухитидан актив операцияларни сугурта килиш хисобига, балки алоҳида актив операциялар сифатининг

ёмонлашиши эҳтимоли қарама-карши иқтисодий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳолатда ҳам самара бера олади. Кўшимича фойда олиш шароитларнинг тасодифан тўғри келиб қолиши натижасида ишончсиз активларнинг кескин ортиши эҳтимолининг пасайиши ҳисобига вужудга келади, яъни операцияларни бир хилда бошқаришда молиявий баркарорликни йўқотиш хатари кичик банкларда юқоридир. Бундай шароитда иирик банклар тассаруфидаги мавжуд манбалардан юқори фойдаланиб, актив операцияларнинг кичик кувватга эга тизими尼 ўзига эп кўриши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда республикамиз тижорат банкларида ҳам ташкил этилган актив ва пассивларни бошқариш бўйича маъсул тузилманинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг зиммасига куйидагиларни тавсия киламиз:

Актив ва пассивларни бошқариш соҳасида:

- оптимал актив ва пассивларнинг структурасини белгилаш;
- максимал даромад олиш мақсадида актив операциялари бўйича таваккалчилик даражасини минималлаштирнинг асосий параметрларини белгилаш;
- банкнинг актив ва пассивларининг қайтариш муддати, ҳажми ва фоизлари бўйича девирсификация килиш ва бу бўйича таҳдиллар ўтказилишини таъминлаш;
- банкнинг депозит ва инвестиция портфелини бошқариш юзасидан самарали сиёсаллар ўтказилишини таъминлаш;

Таваккалчиликларини бошқариш соҳасида:

- банкнинг актив операцияларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни самарали бошқариш тизимини ташкил этиш;
- мамлакатимизда фаолият юритаётган ва хорижий банкларнинг молиявий ҳолатини таҳдил қилган ҳолда, хорижий давлатлар, молиявий институтлар ва банклар билан амалга ошириладиган операцияларга доир меъёларни белгилаш;
- банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва улар юзасидан кўрилиши мумкин бўлган заарлар бўйича лимитларни ўрнатиш;

- банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қарор қабул килиш ваколатига доир мөъёрларни белгилаш;
- янги жорий этиладиган банк маҳсулотларини тадбиқ этиш ҳамда уларга нархларни белгилашга доир масалаларни кўриб чикиш;
- қимматли қоғозлар, кредит ва пул бозорларининг конъюктурасидан келиб чиккан ҳолда, банкда актив ва пассив операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш.

Банк филиаллари фаолиятини назорат килиш соҳасида:

- филиалларнинг молиявий ҳолатини тезкор таҳлил килишни жорий килиш;
- филиалларнинг актив ва пассив операцияларини таҳлил килиш, актив ва пассивларнинг ҳажми, муддати ва фоиз ставкалари бўйича мутаносиблигини таҳлил килиш;
- бизнес-режада ўрнатилган кўрсаткичларининг бажарилишини назорат килиш;
- зарап кўриб ишлаётган филиалларнинг муаммоларини хал килиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳ.к.

I боб бўйича хуносалар

1. Биринчи боб бўйича иқтисодчи олимларнинг назарий карашларини ўргангандан ҳолда куйидаги муаллифлик таърифлари шакллантирилди:

«Банк менежменти мураккаб жараён бўлиб, банкнинг юқори даромад олиши, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бир-бирига узвий боғлаган ҳолда бошқаришдир».

«Бошқарув бирор-бир мақсадга эришиш йўлида иқтисодий, ижтимоий ва психологик омилларнинг узвий бажарилиши бўлиб, усул, тамойил, қонун ва воситалар орқали самарага эришишдир».

«Тижорат банклари иқтисодиётнинг қон томири бўлиб, иқтисодиётнинг харакатининг узвийлигини таъминласа, актив операциялар эса тижорат банкларининг асосий молиявий баркарорлигини таъминловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қиласди».

«Актив операцияларни бошқариш банкнинг даромадини, ракобатбардошлигини ошириш, унинг баркарорлигини таъминлаш ва рисқдан химоялашнинг ягона омили ҳисобланади».

2. Юкоридаги назарий қарашлар асосида тижорат банкларининг бошқариш жараёнларининг узвийлиги шакллантирилди. Бу узвийликда актив операцияларни пассив операцияларсиз бошқарип бўлмаслиги асосланган.

3. Банкнинг актив операцияларини прогнозлаштириш даври ишлаб чиқилди. Прогнозлаштириш даври асосида тижорат банклари белгиланган вазифаларни олдиндан режалаштирилган ҳолда макро, мезо ва микро даврлар оралиғига бажариш имконига эга бўладилар, бу эса актив операцияларни бошқариш стратегиясини такомиллаштириш омилиниң таркибига киради.

4. Актив операцияларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди. Ушбу механизм ўз ичига актив операцияларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш жараёнларини камраб олади. Тижорат банклари учун бошқарув стратегиясининг шаклланиши банкнинг олдига қўйилган вазифаларга эришишида асосий тараккиёт омили ва тадбирлар режаларини амалга ошириш асоси бўлиб ҳисобланади.

Хулоса килиб айтганда, республикамиз тижорат банкларида актив операцияларини бошқаришни такомиллаштириш нафакат банк активлари самарадорлигини оширишга, балки иқтисодиётнинг муҳим тармокларидан бўлган кредитлаш асосида мустаҳкам бозор инфратузилмасини шакллантиришга хизмат киласди.

Шу билан бир каторда тижорат банклари тизими ўз имкониятларини моҳирона амалга ошириши ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бериши уни бошқаришнинг самарадорлигидандир. Ҳар бир иш малакали ташкил этилиши керак, тижорат банкининг операциялари ҳам бундан мустасно эмас. Республикализ банк тизими баркарор ўсувчи, осон мослашувчи, жамиятнинг эҳтиёжларини конектириши, тижорат банклари ўз операцияларини керакли эҳтиёжкорлик даражасини назорат қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу билан биргаликда актив операцияларнинг бошқарув стратегияларини

назарий жиҳатдан таҳлил килиш ва бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Чунки ҳар бир банк ўз банк бошқарувини стратегияларсиз амалга ошира олмайди.

Бизга маълумки, ҳар бир банк ўз стратегиясига эга бўлиши лозим, чунки оддиндан режалаштирилмаган бошқарув стратегиясиз кутилаётган натижага эришиб бўлмайди. Бу эса мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг молиявий мустахкамлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу бобда тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришнинг, стратегиянинг назарий жиҳатларига тўхталиб ўтдик, ушбу назарий жиҳатлар асосида кейинги бобларимизда бошқариш усуулларига ва уларнинг таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларида актив операцияларни бошқариш усуллари ва воситалари

Банк тизими ривожланишининг ва даромадининг асосий негизини актив операциялар ташкил қиласди. Шу сабабли, банклар актив операцияларни бошқариш стратегиясига алоҳида эътибор қартишлари лозим. Бундан ташқари, активларни бошқариш стратегияси молиявий стратегиянинг муҳим таркибий кисми ҳисобланиб, уни ишлаб чиқишида банк молиявий барқарорлигига фаол таъсир этувчи омиллар таҳлили зарур бўлади.

Биз актив операцияларни бошқариш муаммосининг муҳимлигини ўзимиз учун ойдинлаштириб олдик ҳамда тижорат банки учун ушбу муаммоларнинг долзарблигини англаб, ҳозирги кунда иқтисод фанида мавжуд актив операцияларни бошқариш усуллари ва уларнинг замонавий шароитларда қўлланишини белгилаб олиш мақсадга мувоғик бўлади.

Бу усуллардан ҳар бири ўз устунлиги ва камчилигига эга ва банклар улардан қай бирини қўллаш қарорини мустақил қабул килиш ҳуқукига эгадирлар.

Ушбу илмий ёндашувларни ўрганиб чиқсан холда, биз актив операцияларни бошқариш усулларини куйидаги тарзда ифодаладик:

1. Классик усуллар.
2. Фоиз ўзгариши риски билан курашиш учун ишлаб чиқилган усуллар.
3. Иқтисодий математик усуллар.
4. Инновацион усуллар.

2.1-расмда актив операцияларни бошқариш усуллари туркумланган бўлиб, бу усулларнинг барчаси тижорат банклари томонидан қўлланилган ва қўлланилиб келмокда.

Биз ушбу усулларнинг таркибига инновацион усулларни киритдик, чунки бугунги кунда банкларимиз ривожланиш

борасида ҳам биринчилар каторида бўлиб, мижозларга хизмат кўрсатиш билан бир каторда янги турдаги операцияларни жорий этиб, уларга қуайликлар яратган ҳолда мижозларни жалб килишилари лозим.




2.1-расм. Банкниг актив операцияларини бошқариш усуllари⁴⁸.

Хориж тажрибасида кўп қўлланилган усуllардан - умумий фонд усули ва активларни таҳсиллаш усуllари. Биз кўпгина адабиётлардан ушбу усуllарни ўрганиб чиқиб, ўз илмий қарашларимизни ушбу чизма орқали ифода этдик. Тижорат банкларининг ресурс базаси депозитлар ва захиралардан ташкил топган бўлиб, умумий фонд усули орқали актив операцияларга йўналтирилади. Банк активларининг структураси умумий фонд усулига кўра қуйидаги тарзда шаклланади (2.2-расм).

Биринчи галда банк бирламчи захирани шакллантиради. Уни таркибига кассадаги нақд пуллар, шунингдек, Марказий банк хисобидаги маблағлар киради. Бирламчи захира маблағлари хисобига банк мижозлар олдидаги ўзининг жорий мажбуриятларини бажаради. Иккинчи галда унга аҳамиятли бўлмаган юқори ликвидли активларга эга бўлади. Алоҳида шуни таъкидлаймизки,

⁴⁸ Муаллиф томонидан гуруҳлаштирилди.

иккиламчи захиранинг вазифаси, агар зарурият туғилса, биреламчи захирани тезда тиклашни таъминлашдир.




2.2-расм. Банк активларининг структураси умумий фонд усулига кўра қўйидаги тарзда шаклланади⁴⁹.

Бунда банк ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини бирлаширишни назарда тутади. Ушбу усул орқали бирламчи ва иккиламчи захира шакллантирилади.

Ва ниҳоят, колган ресурслар хисобига активлар портфелининг даромадли қисми шакллантирилади, унга юқори даромадликка эга кредитлар узок муддатли кимматли қоғозлар киради. Шуни қайд этиш керакки, активлар портфелининг даромадли қисмини ташкил этувчи кредит операцияларига эътибор қаратиш лозим. Жалб қилинган маблағларнинг ликвидлилик ва даромадлилик тамойилларига асосланган ҳолда даромадли активларга йўналтириш лозим. Лекин бу усулни кўллашда тавакалчиликка йўл қўймаслик ва ликвидлиликни назорат килиш мақсадга мувофиқдир.

Классик усулларнинг иккинчиси активларни тақсимлаш усули сифатида маълум (2.3-расм).

⁴⁹ Иккисодчи олимлар тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.



2.3-расм. Актив операцияларни тақсимлаш усули⁵⁰.

Ушбу усулга хос ҳолда банкни барча мажбуриятлари уларни муддати нүктай назаридан аник белгилаб күйилған. Бундан ташкари, банкда бир нечта «пул маблағини тақсимловчи марказлар» ташкил этилади, улардан ҳар бирига муддатига күра бир-бирига яқын бўлган манбалардан жалб этилган пул маблағлари келиб тушади. Ундан сўнг пул маблағлари ҳар бир «марказга» юкорида зикр этилган бир-бирига боғлик бўлмаган, мос деб хисобланган актив операцияларнинг турларига жойлаштирилади. Масалан, талаб килиб олингунча депозит пул маблағлари асосан, касса ва унга tengлаштирилган активларга ва бир кисми кимматли қоғозларга жойлаштирилади. Жамғарма ва муддатли депозит пул маблағлари ўрта муддатли ва узок муддатли актив операцияларга жойлаштирилади.

Бу ерда ҳам шуни таъкидлаш лозимки, умумий фонд усулидан фарқли равишда банк ресурслари муддатига кўра, актив операцияларнинг турлари ўртасида тақсимланади. Вужудга келадиган молиявий вазият, интуиция, башоратлаш ва банк раҳбариятига боғликдир.

Актив операцияларни тақсимлаш усулидан фойдаланишда лиқвид маблағларнинг банк томонидан жалб этилган маблағларга тобелиги хисобга олинади ҳамда актив ва пассивларнинг мос

⁵⁰ Иқтисодчи олимлар тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

турлари ўртасида аниқ ўзаро муносабат ўрнатилади. Умумий фонд маблағи усули билан таққослаганды ушбу усулнинг асосий афзаллиги шунда деб ҳисоблашадики, у ҳисоб-китоб асосида юкори ликвидли активларнинг улушини анча аниқ ўрнатиш ва уни қисқартириш ҳисобига юкори ликвидли активларга корхона ва ташкилотлар ссудаларига кўшимча ресурсларни кўйиш имконини беради.

Маълум бир чораларда кредит операциялари қисмида активларни тақсимлаш усулини тижорат банклари амалиётда кўллашни Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тавсия этган. Тавсия этилгандарга мос ҳолда тижорат банки омонатлар, депозитлар, банклараро кредитлар, шахсий маблағлар, талаб килиб олингунча маблағлари ҳамда қисқа муддатли ва узок муддатли банк ссудаларига жойлаштирилган маблағлар ўртасида аниқ ўзаро муносабатни доимо ушлаб туриши керак. Бизнинг фикримизча, баъзи ҳолатларда, тижорат банкининг ликвидлилик даражасининг аҳамияти пасайгани ва у мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ, вактинчалик пайдо бўлган муаммоларни мустакил еча олмаслигига Марказий банк унга керакли иктисодий ёрдамни кўрсатади, бу эса тижорат банкларининг пассив ва активларни тақсимлаш жараёнида хали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

Юкоридаги усулларнинг банк томонидан кўлланишида шунарса аён бўлдики, уларнинг ҳар бири аниқ бир афзаллик ва камчиликларга эга бўлиб, бу борада таникли иктисадчи Питер Роуз «Охирги йилларда кўпгина банклар йирик ихчамликни таъминлаш учун тақсимлаш усули ва фонд манбаларини бирлаштиришни ўз ичига олган балансланган усулга ўтиши керак»⁵¹ деб таъкидлаб ўтган.

Ушбу ёндашув қуйидаги принципларга асосланади:

1. Аввало, банкнинг мақсадини ўрнатиш керак, сўнг актив ва пассивларни бошкариш стратегиясини инструмент сифатида кўллаган ҳолда уларни амалга ошириш керак.

⁵¹ Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд.-М.: Дело, 1997.-768 с.

2. Актив ва пассивларни бошқариш ҳамда бу чоратадбирлар банк даромадини ортиши ёки пасайишига, шунингдек, уни бошқа мақсадларга эришишига ёрдам беради, деган асосда бошқа қарорларни қабул қилишдир (хизмат қилиш ёки нархни ўзгартириш сабаблари бўйича янги линиялар очиши).

Баланс структурасини бошқариш бирдан-бир мақсад эмас, балки кредит ташкилотининг мақсадга эришиши учун бир воситадир.

3. Актив ва пассив операцияларни бошқариш банк маржасининг ортишига ва сақланишига ёки даромад ва харажат ўртасидаги фарқга максимал омонат киритиши мумкин.

4. Банк активлари портфелини бошқаришда ва мажбуриятларида бирламчилигини аниқ сифат стандартларига жавоб берадиган даромадли активларга пул маблағини жойлаштиришга асосий эътиборни жалб қилиш керак, хизматлар учун зарур жалб этилган маблағлар-мухимлилик жиҳатидан иккиламчидир. Пассивлар ҳажми етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини анча арzon манбалардан жалб қилиш керак.

5. Модомики банк капиталининг таннархи (қиймати) нафакат даромадлиликни балки, хатарни бошқаришда ҳам банк раҳбарияти олдига активларни бошқариш жараёнида муҳим вазифаларни қўяди.

Бизнинг фикримизча, юкоридаги баланслангган ёндашув стратегиясининг 1,3,5-кисмлардаги фикрларга қўшилишимизга кармасдан улар бизнингча жуда умумий ва ноаниқга ўхшайди. Баланслангган ёндашув методикаси нимадан иборат эканлиги стратегиянинг 4-кисмida тўлиқ ёритиб берилган.

Юкорида зикр этилган иккита усульнинг баланслангган ёндошув усулидан асосий фарқи, унинг банкнинг актив операцияларига йўналтирилганлиги.

Агар умумий фонд усули ва активларни таксимлаш усулида асосий эътибор банк ресурс базасини баҳолаш ва мажбуриятлар муддатига мос тарзда активлар портфелининг кейинги шаклланиши бўлган бўлса, баланслангган ёндашув усулида

бирламчи килиб активлар портфелини «сифатли» шакллантирилиши, сўнг пассивлар портфелининг унга мослашувидан иборатдир.

Балансланган ёндашув усулига асосланган принципларга кайтар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, хатарнинг бошқариш муаммоси активларни бошқаришда энг асосийларидан бири хисобланади.

Активларни бошқариш муаммосини ўрганиш билан шуғулланаётган муаллифлар хатарни барча турлари ичидаги активларни бошқаришда банк учун максимал хавф-хатарга эга тури сифатида бир овоздан фоиз ставканинг ўзгариши хатарини ажратиб кўрсатадилар. Банкнинг молиявий натижасида фоизли ставканинг ўзгариши оқибатларини баҳолаш имконини берадиган маҳсус кўрсаткич ишлаб чиқилган.

Бу куйидаги тарзда ҳисоблаб чиқиладиган соф фоизли марждадир: (СФМ)

$$СФМ = \frac{Ar^* S - Pg^* S}{Ag}$$

Ar – фоиз ставканинг ўзгаришига сезгири активлар суммаси;
S – фоиз ставкаси;

Pg – фоиз ставканинг ўзгаришига сезгири пассивлар;

Ag – даромад келтирадиган активлар суммаси.

Активларни бошқариш жараёнида фоиз ставканинг ўзгариши хавфидан кочиш мухимлиги сабабли, активларни бошқариш усули гурухларидан бири уни ўзгариш хатари билан курашиши учун барпо этилган.

Ушбу гурухнинг 1-усули балансни бошқариш усули бўлади (ГЭП бу балансни бошқариш).

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, банк балансининг актив ва пассив қисмида фоиз ставка ўзгаришига сезгириликнинг таркибий қисмини ажратиб чиқаради.

Актив қисмида бу одатда, кредитлар ва қимматли қоғозлар, пассивда-депозитлар ва қарзлар балансни бошқариш (баён этилган модель доирасида) - бу активлар фоизининг ўзгаришга

сезгирилиги ва пассивлар фоизининг ўзгаришга сезгирилиги ўртасидаги ҳажми бўйича узилиши асосида банкнинг активлари ва пассивларини бошқаришнинг асосий қисмидир. Балансни бошқариш бу банкни бекарор ва қайд этилган ставкаси билан актив ва пассивларнинг балансланмаганиниги. Балансни бошқариш қуидаги кўринишга эга:

$$\text{ББ} = \text{Ач} - \text{Пч}; \quad (1.2)$$

Бу ерда, Ач- активлар фоизининг ўзгаришига сезгирилиги ҳажми;

Пг-пассивлар фоизининг ўзгаришига сезгирилиги ҳажми;

ББ сезгирилиги деганда Ач / Пч муносабати тушунилади.

Бошқариш нуқтаи назаридан вазиятнинг 3 та синфи фарқланади;

1. ББ нолга teng бўлса;

$\text{Ач}-\text{Пч}=0$ ёки $\text{Ач}/\text{Пч}=1$ вазият (холат) фоизли хатарни бартараф этиш имконлиги билан тавсифланади.

2.Ижобий ББ;

$(\text{Ач}-\text{Пч})>0$ ёки $(\text{Ач}/\text{Пч})>1$ Вазият (холат) активларни пассивлардан аввалроқ қайта баҳолашнинг имконлиги билан тавсифланади.

3.Салбий ББ;

$(\text{Ач}-\text{Пч})<0$ ёки $(\text{Ач}/\text{Пч})<1$ Вазият пассивларни активлардан олдинроқ қайта баҳоланиши имконлиги билан тавсифланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банк уни $\text{ББ}=0$ бўлганда фоизли ставкасининг ўзгаришига нисбатан хатардан химояланган. Бу холатда фоизли ставканинг ҳар қандай ўзгаришда банкнинг йўқотишлари қопланади. Агар банк ижобий ББ га эга бўлса, яъни фоизли ставка ўзгаришига сезгирилган активлар суммаси фоизли ставка ўзгаришига сезгирилган пассивлар суммасидан кўп бўлса, фоизли ставка ўсишида банк фойда олади, тушишида зарар кўради.

Бизнинг фикримизча, банк салбий ББга эга бўлса, яъни фоизли ставка ўзгаришига сезгирилган пассивлар суммаси, фоизли ставка ўзгаришига сезгирилган активлар суммасида банк фойда олади, ставканинг ўсишида–зарар кўради.

Бу бўйича таниқли америкалик Питер С. Роуз ўзининг «Банк менежменти» китобида шундай ёзди: «Баъзи банклар актив ёки пассивлар бўйича ўз сезгирлигини фоизли ставка даражасининг ўзгариши шахсий башоратларига ишониш даражасига боғлик ҳолда тўғрилайди. Демак, агар банкнинг бошқарувчиси режалаштиришни жорий даражада фоиз ставка пасайишига катъий ишонса, улар сезувчан активларнинг мажбуриятдан ортишга йўл кўйишади. Агар фоизли ставкалар ўзлари башоратга мос ҳолда тутса, мажбурият бўйича харажатлар даромадга кўра тезроқ кискаради. Худди шундай фоизли ставканинг ортишига нисбатан асосланган башорат кўпгина банкларнинг активлар бўйича сезувчан бўлишига мажбур қиласи, чунки улар агар ставка ортса, фоизли ставкаларга хизматлар бўйича даромадлар ўсиши харажатлар ўсишини қувиб ўтади. Албатта, бундай тажовузкор стратегия банкнинг ўзига катта таваккалчиликни олишга мажбур қиласи. Фоизли ставкаларнинг мутлок аник башорати мумкин эмас, шунинг учун кўпгина банкларнинг бошқарувчилари башоратга эмас, балки фоизли ставкаларнинг олдиндан айтилмаган ўзгаришларини хеджирлашга ишонадилар. Фоизли ставканинг харажати башорат килинган йўналишдан фарқланиши банкнинг йўқотишлирини ортиради»⁵²

Тўлов муддатининг ўртача мўлжалланган усули балансни бошқариш усулининг давоми бўлади. Ушбу усул, балансни бошқариш усули каби фоизли ставка ўзгариши хавфи билан курашга йўналтирилган, яъни фоизли ставка ўзгаришга сезувчан активлар суммаси фоизли ставка ўзгаришига сезувчан пассивлар суммасига тенг бўлгани банкни фоизли ставка ўзгариши билан боғлик йўқотишилардан суғурталанмайди, чунки амалиётда активлар ва пассивлар бўйича фоизли ставканинг ўзгариши бир хил ўзгармаслиги мумкин, балки бир-биридан бир мунча масофада келади. Ушбу методика бирон-бир актив ёки пассивни ўртача тўлов муддати кўрсаткичининг хисобини назарда тутади. Тимоти У. Кохни «Банкни бошқариш» китобида бу кўрсаткич «Вакт оралигининг узоклиги хужжатлар билан ишлашни ўртача муддатини ўлчайди, у бошланғич нархини қайтиб олиш учун

⁵² Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд.-М.: Дело, 1997.-768 с.

зарур бўлган ўртача муддатга тенг. Ушбу кўрсаткичнинг муҳим хусусияти, унинг фоизли ставка ўзгаришига турли молиявий инструментларни сезувчанлигини ўлчаш қобилияти бўлади», деб таъкидлайди⁵³.

Юкорида биз томонимиздан зикр этилган банк активларини бошқаришнинг барча мактаб ва усуслари банк ишининг тарихий ривожланишида тажриба йўли билан ишлаб чиқилган. Бирок ривожланишнинг маълум бир босқичида банк ишига иқтисодий математик усуслар кириб келди ва ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади. Математик усуслар ва иқтисодий моделлар иқтисодни бошқаришда оптималь қарорларни топиш учун кўлланилади. Иқтисоднинг оптимизацияси, яъни янада самараали ищлаши учун барча зарур шароитларни кетма-кет шакллантиришнинг асосий йўналишидир. У ё бошқа қарорни ёки бошқарув таъсирини қабул қилишда тизимнинг кейинги ривожланишининг ижобий таъсиридан келиб чиқиш керак эмас. Ушбу қарор ёки таъсир вужудга келган шароитда барча имконлар ичида энг яхши эканлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Бошқача килиб айтганда, барча хусусий масалаларни, иқтисодий бошқаришга тизимли ёндашув усулини кўллаган холда ўйлаб ва бир бутун вазиятдан келиб чиқиб ечиш зарур. Иқтисодий-математик усул – бу кўпгина мактабларни, йўналишларни, методикаларни ва бошқаларни ўз ичига киритган фаннинг улкан катламидир. Чунки активларни бошқариш ўзининг специфик хусусиятларига эга, шубҳасиз, уларнинг барчаси банкнинг активларини бошқаришда катнаша олмайди. Бизнинг фикримизча, банк активларини бошқаришда иқтисодий-математик усусларнинг бўлимларига куйидагилар тааллукли бўлиши мумкин:

- 1.Математик дастурлаш;
- 2.VAR усули;
- 3.Моделлаш;

Амалий математикани бўлиш сифатида математик дастурлашнинг вазифаси аниқ вазиятларнинг ҳар хил турларини оптималь моделлар ёрдамида таҳлилини ишлаб чиқиш бўлади. Бу

⁵³ Тимоти У.К. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах, 6-ти частях. Уфа: Спектр. Часть-1, 1993. -132с.

усуллар турлича вазиятларда ҳаракатнинг оптимал дастурини топиш имконини беради. Ҳаракат деб мақсадга қаратилган ва уларнинг натижаларининг ҳар хил турлари хисобланади: берилган мақсадга эришишни таъминловчи операциялар, карорлар, тадбирлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Математик даструлаш текшириш объекти бўлиши мумкин, шундай вазиятларда, уларда берилган кўпгина имкониятлардан энг яхши ҳаракатни танлаш муаммоси борлигидир. Энг яхши ҳаракатни танлаш вазифасини ечиш фақат аниқ ифодаланган мақсадга имконли, унга эришишда танланаётган ҳаракатни таъминлаши керак.

Шундай килиб, математик дастурлашда текширилаётган вазият бўлиши керак, биринчидан, мақсадга йўналтирилган, иккинчидан, мақсадга эришиш учун имконли, унга ҳаракатларнинг алътернатив варианtlарига эга бўлиши лозим.

Математик дастурлаш уни математик моделлаштириш асосида, аниқ бир вазиятларда карор кабул қилишидан иборат бўла олмайди.

Математик дастурлашнинг кўп сонли услублари ичida одатда, ажратилади:

- 1.Мунтазам (чизикли) дастурлаш;
- 2.Динамик (серҳаракат) дастурлаш.

Оптимал режалаштириш ва бошқаришнинг кўп сонли вазифаларини мунтазам (чизикли) дастурлаш моделига киритиш мумкин. Мунтазам (чизикли) дастурлаш бошқарув параметрларида ўзгарувчан вазифаларни чизикли чекловида чизикли мақсадли функциясининг оптимал (максимал ёки минимал) аҳамиятини турган жойини ўрганади.

Ушбу усул операциянинг даромадлигига муносабати каби лиқвидлилигига ҳам чекловни хисобга олган ҳолда активларни бошқариш муаммосини пассивларни бошқариш муаммосига боғлайди.

Мунтазам (чизикли) дастурлаш модели аниқ кўринишда оптимизацияланиши керак бўлган мақсадни шакллантиришини талаб қиласди. Масалан, оптимизация даромадини максималлаш-

тиришдан ташкил топиши мумкин. Мунтазам (чизикли) дастурлашнинг тенгламаси тизими ечими, моделга киритилган берилган эхтимолни танлашда, даромадни максимизациялашда ҳар бир актив тури учун қанча суммани инвестициялашни кўрсатиши мумкин. Эхтимолли ўзгаришлар натижасининг сезувчанлигини текшириш учун, эхтимолни танлашни ўзгартириб бир неча маротаба дастурни ҳисоблаб чиқишини талаб этиши мумкин. Масалан, агар кейинги икки даврда фоизли ставкага нисбатан ноаниқлик сақланса, жорий даврда активларни турли хил категорияларида маблағларни жойлаштиришнинг оптимальлигини текшириш учун имконли ставкаларнинг бир неча танловини синаб кўриш фойдалидир.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жамиятдаги алоқаларини мураккаблаштириш режалаштириш ва бошқариш муаммоларига илмий ёндашув заруриятига олиб келди. Оптimal режалаштириш ва бошқариш концепцияси пайдо бўлди. Мальум бўлдики, кўпгина масалаларнинг карорларини танловнинг кўп босқичли жараёни деб талқин этиш мумкин.

Вакт ўтиши билан ҳолати ўзгарадиган бир S тизими кўриб чиқилади. Тизим ҳолатининг ўзгариши жараёни бошқарилаётган, яъни V бошқарилаётган харакатни танлаш воситаси орқали уни юритишга таъсир этиши мумкин. Жараён билан бошқарув сифатини характерловчи ва унга боғлиқ бўлган баъзи бир W мезони билан боғлиқ. Режалаштиришнинг оптимальлиги қўйилган максадга эришиш учун энг яхши бошқаришни танлашни билдиради, яъни W (U) оптimal, энг яхши бўлиши учун шунакангидир U танлаш.

Кейинги методика, бизнинг фикримизча, иқтисодий – математик усулларга киритилган, тижорат банкларида активларни бошқариш учун кўллашга кодир, бу VAR методикасидир.

У якинда пайдо бўлди, бирок россиялик муаллифлар В.А. Кучинский, А.С. Улинчилар ўзларини «Банк ресурсларини бошқариш тизими»⁵⁴ китобида ёзганидек; «VAR методологияси 90-йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқилган, ғарбнинг банк

⁵⁴ Купчинский В.А. Система управления ресурсами банка / В.А. Купчинский, А.С. Улинич. – М.: «Экзамен», 2000. – 224 с.


дунёсида кенг тарқалди. Ҳозирда күпгина узок чет эл мамла-катларининг марказий банклари ўзларининг тижорат банкларининг даромадли операцияларининг хисоб-китобини ушбу методологияга ўтказмоқдалар. «Қийматни хавф остида» методологияси ёки VAR бозор нокулай конъюктураси натижасида потенциал зарар хавфини баҳолаш учун банк назорати Базель комитети томонидан таклиф этилган. У нокулай бозор конъюктураси вазиятида ҳакикий зарарни назарда тутилган юқори чегарадан ошмаслиги шароитида портфель қийматни максимал камайтириш ёки маълум вакт мобайнида банкнинг молиявий ахволининг ёмонлашувини баҳолашга олиб келади» VAR методикасининг асосий кўрсаткичи - бу активлар ва пассивлар портфели қийматининг ўзгаришига таъсир этишга қобилиятли ўзгарувчанликни хисобга олувчи таваккалчиликка мойил ўзгарувчан даромад (ТДМ-таваккалчиликка мойил даромад).

Бундан ташқари, ТМД ушбу ҳажмларни ўтмишдаги ўзгаришларини хисобга олади. Маълумотларнинг тарихий базасидан ТМД ни хисоблаш учун валюта базасида (АҚШ долларида даромадлик эквиваленти ёки база сифатида қабул килинган бошқа валютада) ўртача муддатли давлат кимматли қоғозларида ёки бошқа молиявий инструментлар; маълум бир валютада номерланган (кейинчалик бу ҳажм X деб қабул қилинади) даромадлиликнинг ўртача аҳамиятида хисоблаб чиқилади.

Сўнг маълумотларнинг ушбу базасида молиявий инструментни валюта базасида даромадни ўртача аҳамиятидан квадратидан четга чикиши аниқланади (кейинчалик ушбу ҳажм Q деб қабул қилинади).

Бундан сўнг молия инструменти валюта базасида кутилаётган i -молия инструменти даромади аниқланади. I -молия инструментини ТМД сифатида унинг ўртача аҳамиятини i -молия инструменти даромадлилигидан ўртача квадрат четга чикиши билан характерланувчи УКЧ ҳажми қабул қилинади. Бундан сўнг базавий валюта ва барча активлар портфели кутилаётган даромади ҳажми аниқланади. VAR усули бўйича кутилаётган даромад ва хавфга мойил даромаднинг хисоб-китоб методикаси тақдим этилган (2.4-расм).

Моделлаш – бу, бизнинг фикримизча, банк ишида кўлланилаётган иқтисодий – математик усулларни энг истиқболли йўналишларидан биридир. У объектни мухим хусусиятлари хакида модель – объектни ёрдамида маълумотлар олиш мақсадида бир объектни бошкаси билан алмаштирувчи сифатида аникланган бўлиши мумкин.



2.4-расм.VAR усули бўйича кўрсаткичлар хисоб-китоби схемаси⁵⁵.

⁵⁵ Иқтисодчи олимлар тадқикотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Бир объектни (оригиналларни) бошка объектлар билан (моделлар) алмаштириш назарияси ҳамда уларни моделларда объектлар хусусиятини текшириш **моделлаш назарияси** деб аталади. Шуни айтиш мумкинки, иктиносидчи олимлар томонидан мавжуд вакт ичиде банк активларини бошқаришнинг бир неча турли услублари (методикалари) ишлаб чиқилди, уларни бир неча гурухларга бўлиш мумкин. Уларнинг барчаси банк активларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун кўлланиши мумкин ва ҳозир бизнинг вазифамиз тижорат банкида кўллаш учун энг яхши мувофиқ келадиган ўша услубни (методикани) аниклаш бўлади.

Биз киритган инновацион усуларга тўхталар эканмиз, бугунги кунда шиддатли ривожланишлар асида тижорат банкларининг актив операцияларни бошқариш фаолиятида тезкорлик ва мижозларни жалб қилишда инновацион усуллардан фойдаланиш мухимдир.

Булардан бири New Privat бўлиб, у орқали банк тизимиға замонавий хизмат турлари киритилади. Бу эса мижозларни жалб қилиш ва банк даромадларининг кўпайиш омилларидан бири хисобланади. Ушбу тизим асосан, йирик мижозларни жалб қилиш мақсадида жорий этилади. Банклар йирик мижозларнинг маблағларини бошқаришда молиявий кўмакчи вазифасини бажаради ва у орқали фойда олиш имконига эга бўлади (2.5-расм).



2.5-расм. New Privat хизмат тури⁵⁶.

⁵⁶ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу тизимни икки турга ажратдик:

1. Соф иқтисодий даромадда мижоз маблағларини турли лойхаларга йўналтириш орқали банк ва мижоз фойда кўриши назарда тутилади.
2. Ижтимоий хизмат кўрсатишда мижоз ва унинг оиласи муаммоларини қамраб олади, бунда банк мижоздан хизматлар пакетига қараб фоиз олиши кўзда тутилган. Мижоз эса банкка ишонган ҳолда ўз ижтимоий муаммоларини қонуний тарзда банкка топшириши мумкин.

Юқоридаги хизматларни жорий этишда банк технологиялари куйидагилардан иборат: менежмент учун воситаларга хисобот бўлими учун ўз вактидаги ахборот тизимлари, алоҳида хизматлар даромадлилиги ва мижозларни баҳолаш тизимлари, битимлар жараёни тизимлари, трастларни бошқариш тизимлари, бозор маркетинги ва сотишни сегментлаш тизимларини ўз ичига олади. Коммуникацион тизимларга тўлов тизимлари, портфеллар самарадорлигини баҳолаш тизимлари, кийматни аниқлаш тизимлари, телекомуникацион тизимлар, барча банк тизимлар инеграцияси тизимлари киради. Назорат тизими эса ички аудит, кредит портфелини бошқариш, рискни бошқариш, хавфсизлик ва конфидициаллик билан чегараланади.

Масофадан хизмат кўрсатиш икки турга онлайн ва онлайн тизимида фаолият кўрсатмоқда. Оффлайн тизимига банкка фармойиш анъанавий почта орқали келиши, электрон раками орқали имзо билан электрон почта ва факсимайл орқали юборилишини ўз ичига олади. Онлайн тизимига мобил-банкнинг тизими, интернет-банкнинг, банк – мижоз тизими, банкомат ва ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган банк дўйончалари орқали хизмат кўрсатиш киради. Юқоридагилардан хулоса килиб, тижорат банклари актив операцияларини бошқариш жараёнида қайси усульдан ёки услублардан фойдаланишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилиб, ҳар бир бошқариш усули йиллар давомида ўзининг самарали жиҳатларини исботлаган. Бугунги кунда тижорат банкларимиз қайси усульдан фойдаланиш танловига дуч келганларида шуни айтишимиз лозимки, ҳар бир банк ўз стратегиясига ва кредит сиёсатига таянган ҳолда ўз усуслини танлаши лозим.

Классик усуллар асосида биз маблағларни түғри таксимласақ, балансни бошқариш усули орқали фоиз хатарларининг олдини оламиз, иктиносидий математик усуллар эса бизга аник рақамлар асосида фойда ёки зарар кўришимиз мумкинлигини кўрсатади. Биз таклиф этаётган инновацион бошқарув усули юқоридаги усулларни тўлдирган ҳолда ва улардан фарқли ўлароқ, тезкор ва замонавий тарзда бошқариш омилларини ўз ичига олади. Автоматлаштириш орқали банкни янги технологиялари билан янги New Privat хизмат турларининг масофавий усуллари асосида бошқаришни ўз ичига олади. Шу билан биргага автотұлов тизимини жорий этиш, яъни кредитларни қайтариш жараёнини автоматик тарзда амалга ошириш орқали муаммоли кредитларни бошқариш имконига эга бўламиз. Биз таклиф этаётган ушбу инновацион учликнинг биргаликда қўллашилиши эса банк тизими фаолиятининг янада самарали ишлашига имкон беради.

2.2. Тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришда имитацион моделни қўллашнинг зарурлиги ва аҳамияти

Актив операцияларни бошқариш усуллари юқорида кўриб чиқилган бўлса, уларнинг асоси бўлган молиявий оқимларни бошқаришда имитацион моделни қўллаш зарурлигини кўриб чиқамиз.

Ушбу соҳада бир катор чет эл иктисадчи олимларининг фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, Питер Роуз «Сўнгги йилларда кўпгина банклар йирик ихчамликни таъминлаш учун таксимлаш усули ва фонд манбаларини бирлаштиришни ўз ичига олган балансланган ёндошувнинг аралаш стратегиясига ўтиши керак», деб таъкидлаб ўтган⁵⁷

Юқоридаги усулларни қўллаш орқали активларни бошқариш жараёни енгиллашади, активларни ва юқори даромад манбаи бўлган кредит портфелини диверсификациялаш имконини беради.

⁵⁷ Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело Лтд, 1995. - 768 с

Бу борада МДХ мамлакати олимларидан В.Усоскин ўзининг «Замонавий тижорат банки» номли монографиясида: «Тижорат банкининг кредит портфелининг сифат даражасини ошириш учун мижозларнинг кредит тўловига лаёкатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур»,⁵⁸ деб хисоблайди.

О.И.Лаврушин, Г.Пановалар эса тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишда асосий эътибор кредитларнинг даромадлилик даражасининг барқарорлигини таъминлашга, мижозларнинг кредит тўловига лаёкатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштиришга каратадилар⁵⁹.

Банк учун кредит операциялари молиявий кўйилмалар ва қарама-карши равишда улардан тушадиган тушумлар оқими хисобланади. Молиявий оқимларнинг гояси (cash flow) замонавий банк менежментининг принципиал асосларидан бири хисобланади. Хўжалик объектларининг структура моделлари янги банк технологияларига йўналтириш асосида мустаҳкам ўрнашади. Ушбу молиявий кўйилмалар оқимини бошқаришда имитацион моделдан фойдаланиш яхши натижа беради.

Замонавий банк тизими тажрибасида имитацион моделларни кўриб чиқамиз. Имитация (лат. imitation – тақлид) киёслаштириш маъносини англатиб, воеа, ҳодиса, жараён ва объектларни ўзига хос тарзда, монанд килиб акс эттиришни англатади. Имитация кўп тан олинган маънода модель (лат. modulus – ўлчов, намуна) – синоними сифатида ҳам ишлатилиб, моддий ва номоддий образ (расм, шарҳ, чизма, эталон)ни моддий жихатдан изоҳлаш, унга монанд жараённи ифодалашни назарда тутади⁶⁰. Бу оркали корхонанинг бутун ишини кўришни таъминлаш оператив ва стратегик режаларни ишлаб чиқиши ҳамда муҳим аҳамиятга эга инвестицион операцияларга тайёрланиш мумкин.

Тижорат банкларининг имитацион моделлари таркибига маҳсус электрон жадваллар, банкнинг экспорт пакетлари маҳсус

⁵⁸ Усоскин Б.М. Современный коммерческий банк: управлений и операции. – М.: ИПТС “Вазар-Ферро”, 1994.- 320 с.

⁵⁹ Банковский менеджмент: учебник под ред. О.И.Лаврушина. -3-еизд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. -560 с.;

⁶⁰ Кобелев Н.Б. Основы имитационного моделирования сложных экономических систем: Учеб. пособие.- М.: Дело, 2003-336 с.

моделлаштириш асосида шакланади. Бундай моделларни яратиш банк учун катта харажатларни талаб қылмайды, банк учун ўртача имкониятлар даражасида амалга ошади. Шу вақтнинг ўзида тизимни шакллантирувчи банклар, менежментнинг керакли элементларидан бири хисобланган режалаштириш ва банк операцияларини бошқаришнинг янгича сифатли даражадаги боскичларидан бири хисобланади. Оддий программа воситалари асосан, берилган инвестицион портфелнинг структура доирасида ўйналтирилган. Умумий кабул килинган воситаларда биз котировкаларни назорат килиб туриб кузатамиз, фойда ёки рискни инобатга олган холда активларнинг оптималь портфелини шакллантирамиз. Аммо кенг тарқалган «*metastock*» пакети ҳам турли хил стратегик варианatlарни тезкор таҳлил қилиш, инвестицион операциялар режасини қайта ишлаш имконини беради, бироқ банкнинг турли инвестицион операцияларни шакллантириш имконини бермайды. Кенгрок имкониятларни режалаштириш ва инвестицион операцияларни бошқаришда банкнинг махсус «оқим» дастури воситалари ва методлари кўлланилмокда, уларнинг муҳимлиги шундаки, инвестицион стратегиялар ўрнига трейдерлар ҳаракатининг кетма-кетлигини кузатишларни, режалаштиришни таъминлайди.


Бунда инвестицион схемага янги бўғин ва структура элементларини киритиш мумкин. Инвестицион операциялар учун нафакат ўз молиявий оқимларни моделга киритиш, балки инвестицион операциялар қисмлари, турли хил активларнинг ҳаракати, кимматликлар ва ҳужжатларни ҳам киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Имитацион моделни қўллашнинг бир тури қўйидагича: инвестицион стратегия гурухининг асосий ўлчови ишлаб чиқилади. Олдиндан маълумотлар башорат қилинади ва ўзгаради. Барча мұқобил стратегияларга бир вақтнинг ўзида хисоблар олиб борилади. Сўнгги натижа оркали схемани шакллантириш имконияти туғилади.

Оператор томонидан хисоб-китоб ўтказиш жараёнида стратегиялар қайта кўриб чиқилади, қачонки, корхона актив порт-

фелини ҳар дақиқада қандай бўлишини аник билганда, инвестицион операцияларни режалаштириш мумкин бўлади. Банкнинг кундалик операцияларнинг модели қуйидаги кўринишда бўлади (2.6-расм). Қуйидаги расм банк активларини бошқаришнинг имитацион модели орқали активларни, пассивларни ва даромадни бошқариш имконини беради.

Инвестицион операциялар моделининг структураси банкларнинг инвестиция бўлимидағи малакали таҳлилчилари қўлида янада юкори фойда беради. Кредит операцияларини режалаштириш ҳар бир тижорат банкларининг кредит бошқаруви ходимлари олдидағи муҳим вазифадир.



2.6-расм. Банкларда активларни бошқаришнинг имитацион модели⁶¹.

⁶¹ Муаллиф томонидан пактлантирилган.

Кредит операцияларини режалаштириш масалалари «оқим» методлари орқали фойдали ҳал бўлиши мумкин. Банкнинг кредитлаш жараёни кредит операциялари қисмларида ва молиявий оқимлар, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар орқали шакланади.

Оқим моделларини қўллаш натижасида кредит жараёнини бошқариш масаласи, кредит оқимларининг шакли ва параметрларини аниқлаш ҳамда кредит операцияларнинг давомийлигини вужудга келтиради.

Кредитлаш актив операцияларнинг асосийларидан бири бўлиб, кредитлашни ташкил қилиш сифатини ошириш максадида кредит битимларини бошқаришни ишлаб чиқиш, ризк даражасини баҳолаш, босқичларини аниқлаш ва назоратни жамлаш амалга оширилади.

Бунда мижоз рейтинг тизимини жорий килиш, қарздорнинг кредитга лаёқатлиигини аниқлаш ва банкнинг асосий кредит иши ўз молиявий мажбуриятларини бажаришини жорий этиш мухим аҳамиятга эга. Банкларнинг ссуда портфелига барча асосий ризк турлари таъсир этади, яъни ликвидлилик ва тўловга яроксизлик рисклари. Кредит рискини бошқариш банкдан доимий ссуда портфели назоратини ва унинг сифат таркибини талааб қиласди.

Юкори (судхўрлик) фоиз ставкаларини қўллаш қўшимча ризк турларини, яъни «руҳий ризкни» (*moral hazard*) манбаи хисобланади. Қарздор ноанъанавий юкори фоизларни тўлаб, омадсиз воқеаларни ўйлашга мойил бўлади, тўловни қайтариб бермасликда ёки фоизларни тўламасликда кандайдир руҳий хукуқка эга эканлигидир. «Номувофиқ танлов» (*adverse selection*) муаммосини ҳам кўздан кочирмаслик керак. Бу ҳолда кредит беришда ўзгарувчан баҳолаш шароити асосий манба хисобланади. Барча қарздорлар ягона ставкалар бўйича қарзлар олади, кредит муддатига караб улар бир-биридан фарқланади. Қарздорларнинг ризк даражаси умуман ўзгармайди. Бундай ҳолатлар кредит портфелида «ишончсиз» ссудаларни келтириши мумкин. Катта тажрибага эга бўлмаган қарздорлар бир фикр остида рози бўлишмоқда, қайсики «буғун, шу ерда, ҳозир» ўз

масалаларини ҳал қилишда ва кисман ўз тўловлилик қобилиятига ортиқча баҳо беришидир. Шуни таъкидлаш жоизки, ақл билан бир тўхтамга келиниши, комплекс равишда рискларни баҳолашга ёрдам беради, кредит беришни ҳал қилувчи асоси бўлиб хисобланади. Бунинг учун:

– автоматлаштирилган скоринг услубларини ишлаб чиқиши зарур, улар кредит бериш тўғрисидаги хулосани кредит инспекторларига бериш вазифасини кўйиб ва ушбу испекторларидан олинган ҳужжатлар асосида кредит бериш ҳакида карор қабул киласди;

– «*кредит тажрибалари*» мониторинги, статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш статистик скоринг моделларини тўғрилаш натижалари риск-менежменти соҳасига тегишли;

– фоиз ставкалари ва иқтисодий капитални кўллаш маълум бир белгиланган йўқотишлар микдорини аниклаб бериши керак. Ушбу микдор менежерлар хулосасига асосан, маълум бир хатарларни ҳисобга олган ҳолда аникланиши лозим. Бу ерда ракобатчиларнинг ҳолати ҳам ҳисобга олиниши лозим;

– кредиторлар хусусий капитални кўллаб-қувватлаши, иқтисодий капиталнинг етарлилигини назорат қилиши, кредитор учун қандайдир йўқотишлар даражасини кўтарилиш эҳтимолини пасайтиради.

Юқорида келтирилган ёндашувлар тижорат банкларимизда кредит бериш жараёнларида кўлланилса, кредит операцияларини бошқариш осонлашади ва ушбу операциялардан кутилаётган даромадлар ўз вактида қайтади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг жами активлари салмоғининг кўпайишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу имитацион моделни жорий этиш орқали актив операцияларни прогнозлаштириш, молиявий окимларни жойлаштириш асосида тижорат банкларида рискли активлар микдорини камайтиришга эга бўламиз.

Банк тизими ўз имкониятларини мохирона амалга ошириши ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бериши, уни бошқариш стратегиясининг тўғри танланганлигидан далолат

беради. Ҳар бир тижорат банки бошқариш усулларига эга бўлиши ва ушбу усуллар асосида стратегия ишлаб чикиши лозим. Бунинг учун тижорат банкларининг капитали, баланси, мижозлар структураси ва банки тўлик таҳлил қилган ҳолда, ички ва ташки омилларни ҳисобга олиб амалга ошириш лозим.


2.3. Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришнинг жорий ҳолати таҳлили

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб туришнинг асосий омили актив операцияларни самарали бошқариш механизмини шакллантириш ҳисобланади.

Бизга маълумки, актив операциялари тижорат банклари фаолиятининг асосий кисмини ташкил қиласди. Актив операциялар оркали банк ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали йўналтириб, фойда олади. Бунинг учун банклар ташки ва ички бозорда юзага келган ҳолатларни, банкнинг кунлик ҳолатини тезкор тарзда таҳлил қилиши, банк активлари таркибини ва диверсификациясини бошқариш оркали эришилади. Актив операцияларнинг асосий даромад келтирувчи тури бу кредит операциялари бўлиб, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, иқтисодиёт тармоклари ва ахоли эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот объектлари бўлган банкларимиз таҳлиллардан шуни кўришимиз мумкинки, республикамиз тижорат банклари бошқарувида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, тижорат банкларининг активлари ҳажми ошиб бормоқда. Параграф доирасида хусусан, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, 01.01.2020 йил ҳолатига кўра, жами банк активларининг ҳажми 66,6 млрд. сўмни ташкил этди. АТБ «Ўзсаноатқурилишбанкда» эса 01.01.2020 йил ҳолатига жами активлар ҳажми 34,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ХАБ

«Трастбанк»нинг активлари суммаси 3,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда (2.4-расм).




2.8-расм. Активлар миқдорининг динамикаси (млрд.сўмда)⁶²

Тадқикот обьекти хисобланган ушбу банклар ўз ресурс базасига, таркибига кўра ва мижозларнинг тури турлича бўлиб, ушбу банкларнинг ҳар бири ўз активларини кўпайтириш орқали молия бозорида мустахкам ўрин эгаллаш, хусусан, ўзининг ресурс салоҳиятини ошириш, оқилона таваккалчилик ва самарали бошқариш услублари орқали ривожлантириш сиёсатини олиб бормокда. Натижада Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг жами банк активларининг ҳажми 01.01.2020 йилда 2007 йилга нисбатан 21,2 % га ошганини, АТБ «Ўзсаноаткурилишбанк»да 7,8 % га ва ХАБ «Трастбанк»нинг активлари 4,7 % га ошганини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга даромад манбайнинг асоси бўлган кредит портфелининг ҳажми, 2007-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банки 27%, «Ўзсаноаткурилишбанк» 44,5 % ва «Трастбанк»да 72 % га кредит портфели ҳажмининг ошганини кўришимиз мумкин.

⁶² Муаллиф томонидан тузилган. Манба: www.mf.uz



2.9-расм. Кредит портфели ҳажмининг динамикаси, (млн.сўмда)⁶³

Ижобий натижаларга эришишда тижорат банкларининг актив операцияларни бошқариш стратегияларини шакллантириш мухим аҳамият касб этади. Шу ўринда тижорат банкларининг активларининг таркиби ва улушкини таҳлил қиласак, бу орқали актив операцияларнинг бошқариш стратегиясини асосан қайси операция турига қаратиш лозим эканлиги яққол намоён бўлади (2.2-жадвал).

Кўйидаги жадвалда активлар таркибида кредит ва лизинг маблағлари 27,7 % га ўсиш кузатилган, бу, албатта, ижобий ҳолат. Даромад келтирувчи активларнинг асосий тури ҳам кредит операциялари саналади, бирок бошқа даромад келтирадиган активлар таркибида факат пасайиш кузатилган, буларга олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар, яъни қимматли қоғозлар ва инвестициялар бўлиб, бу эса актив операцияларни бошқариш стратегияларини такомиллаштириш долзарб эканлигини ва у орқали активлар сифатини яхшилаш имкони туғилишини исботлайди.

⁶³ Муаллиф томонидан тузилган. Манба: www.cbu.uz

2.2-жадвал*

2010-2020 йилларда банк тизими активларининг таркибий тузилиши бўйича ўзгариш динамикаси, (фоизда)⁶⁴

№	Активлар	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й	2020 й	2010 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Касса кимматликлари	2,3	2,9	3	1,9	2,9	2,4	-0,1
2.	Марказий банкдаги ва- киллик хисоб-варагидаги маблаглар	20,8	16,6	11,5	14,8	8,9	5,4	-15,4
3.	Бошқа банклардан олинадиган маблаглар	13,8	17,9	13,4	11,5	15,0	9,4	-4,4
5.	Инвестициялар ва бошқа кимматли қоғозлар*	3,4	2,5	2,3	1,6	2,5	1,2	-2,2
6.	Кредит ва лизинг маблаглари	48,4	50,2	61,4	61,7	65,1	76,1	27,7
7.	Сотиб олинган векселлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8.	Бошқа молиявий активлар	2,1	1	1,8	1,7	0,2	0,1	-2
9.	Асосий воситалар	3,2	3,2	3	2,5	1,4	2,1	-1,1
10.	Олинадиган хисобланган фоизлар	0,6	0,6	0,6	0,7	0,8	1,2	0,6
11.	Бошқа активлар	5	4,5	2,7	2,6	3,1	1,9	-3,1
Жами активлар		100	100	100	100	100	100	

Халқаро тажрибадан шуни кўриш мумкинки, активлар диверсификацияси сиёсати амалага оширилган бўлиб, фақатгина кредит операцияларидан эмас балки кимматли қоғозлар, инвестициялар ва ноанъанавий кредит операциялар салмоғи юқори улушга эга. Шу билан биргага тижорат банкларининг капитали ва активлари даромадлигини таҳлил қилиш лозим.

⁶⁴ Ахбор рейтинг агентлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишакллантирилган.

2.3-жадвал

Тижорат банкларининг капитали ва активлари даромадлилиги таҳлили⁶⁵

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
ROE	12,6%	10,8%	12,8%	16,9%	10,1%
ROA	2,02%	1,7%	1,6%	2,0%	2,3%

Бунда куйидаги формуладан фойдаланилди:

$$ROE = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Капитал}}$$

$$ROA = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Актив}}$$

Ушбу жадвалда тижорат банкларининг капитали ва активлари даромадлилиги кўрсаткичларининг 5 йил давомида ўзгариш тенденцияси келтирилган. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, ROA 2,3% ни, ROE 10,1 % ни ташкил қилди. 2016-2020 йиллар оралиғида тижорат банклари капитали даромадлилиги даражаси 2,5 фоизга пасайганини, банк активларининг даромадлилиги эса 0,3 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Бу эса банклар ўз капиталидан ва активларидан етарли даромадга эга бўлмаганлигидан дарак беради. Шу ўринда банк актив ва пассивларини бошқаришга доир муаммоларни ҳал этиш долзарбилигини англатади.

Ушбу муаммоларни ечишда, аввало, банк бошқарув органларининг фаолиятларини тизимлаштириш ва шу асосда банкларнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш имконига эга бўламиз. Шу билан бирга актив операцияларга таъсир этувчи ички ва ташки омилларни ўрганиш асосида бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш лозим. Муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни бошқариш бўйича таклифлар бериш банкларнинг актив операцияларини

⁶⁵ Муаллиф томонидан тузилган. Манба: www.cbu.uz.

бошқариш стратегиясини такомиллаштириш имконини беради ва ўз-ўзидан банкларнинг даромадлилик даражасини ошириш имконига эга бўламиз. Юкоридаги таклифларни амалиётга жорий этиш тартибини кўриб чиқамиз.


Республикамиздаги барча тижорат банкларида бошқарув органлари-акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва банк бошқарувидан ташкил топган. Банкнинг актив операцияларини бошқаришда ушбу тузилмаларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари ўзаро фарқ қиласди.

Тадқиқот объекти сифатида танланган тижорат банкларида бошқарув органларининг бир-бирига узвий боғлиқ эканлигини ва актив операцияларни бошқаришдаги ўрни куйидаги расм асосида ифодаланиши мумкин (2.10-расм). Акциядорларнинг умумий йиғилиши тижорат банкларини бошқаришнинг олий органи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банк активларини бошқаришнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият қасб этади.

Энг аввало, республикамизда банк тизимининг юкори даражаларда ривожланиб боришининг асосий омили бўлиб, банк Кенгашининг ролини ошириш бўлмоқда. Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши карорларини банкнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини амалга оширишда банкнинг ички сиёсатларни ишлаб чиқиш ва шу асосда активлар таркибини оптималлаштириш борасида доимий мониторинг ўрнатади.

Юкоридаги тизимли бошқариш, тижорат банкларида филиаллар томонидан актив операцияларни бошқарилиш ҳолатини ўрганишда, хусусан, активларнинг муддатида қайтарилишини назорат қилиб борищ, активлар самарадорлигини баҳолаш ва даромад келтирувчи активларни кўпайтириш максадида мониторинг гурӯхлари ташкил этилади.

Банк бошқарувининг асосий вазифаларидан бири-банк Кенгашига активларни бошқариш натижалари, мавжуд муаммолар борасида доимий маълумот тақдим этиш ҳисобланади.



2.10-расм. Тижорат банкинда актив операцияларни бекіндила бошқаришина бозор көрсетилген ролни

Шу асосда банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси Кенгашининг барча йигилишларида иштирок этиши ва Бошқарув томонидан тақдим этилаётган барча материал ва ҳисоботларни дикқат билан ўрганиб чиқишлари шарт⁶⁶.

Шу билан бир қаторда, тижорат банкларида актив операцияларнинг бошқарилишини баҳолаш, жумладан, банк тизимида муаммоли активлар хажмининг ошиб кетишининг олдини олиш максадида Ривожлантириш кўмитаси, Кредит кўмитаси, Актив ва пассивларни бошқариш кўмитаси, Инвестиция кўмитаси кабилар тузилган бўлиб, улар зиммасига банк филиаллари томонидан амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари ва бошқа кредит битимларини максадлилиги, таъминотининг ахволи каби жихатларни чукур ўрганиб чиқиш каби вазифалар юклатилади. Буларнинг барчасини эса ички назорат мониторинг бўлимига қарашли ички аудит ва методология бўлиmlари назорат килиб борадилар.


Бугунги кунда тижорат банклари фаолиятида актив операцияларни бошқариш, шунингдек, иктисадиётнинг барча тармоқларини молиялаштиришда актив операцияларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолашни талаб этади. Бизнинг фикримизча, молия бозорида банк фаолиятига турли таъсирларнинг ижобий ёки салбий оқибатларини баҳолаб бориш; банк актив операцияларини таваккалчиллик даражасини баҳолаш ва назоратга олиш; актив операциялар иштирокчиларини тўловга қобилиятлилигини аниклаш лозим.

Шу билан бирга таҳлил килиш каби жихатлар банк активларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолашни такозо этади.

Тадқиқот мавзууси доирасида тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир қилувчи омилларни қуйидагича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2.11-расм).

Расмда келтирилган ички омилларни бошқариш нисбатан кийинчилликлар туғдирмайди, уларнинг салбий таъсирларини тезкор чоралар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш имкони мавжуд.

⁶⁶Рахматов Ҳ.Ҳ. Иктисадиётни эркинлаштириш шароитида банк менежментида активларни бошқарни механизмини тақомиллаштириш. Автореферат. -Т.:2011.



2.11-расм. Тижорат банклари актив операцияларни бошқаришга тасиср этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги⁶⁷

⁶⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Биз тижорат банклари актив операцияларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни кўришимиз мумкин. Аввало, биз банк стратегиясига аҳамият беришимиз лозим. Бу орқали банк режаси тузилиб, актив операциялар таркибига кирувчи битим, операция, хизмат кўрсатиш ва банк маҳсулотлари орқали даромад олиш имкониятига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган. Аммо банклар актив операцияларни бажариш жараёнида турили хил омиллар таъсирида кутилаётган даромадга эришиши қийинлашади, бунинг натижасида эса банк фойдаси қисқаради, бу эса, ўз навбатида, банк капиталига таъсир этиб, молиявий ресурсларни камайтиради. Молиявий ресурслар ўз ва жалб килинган маблағлардан таркиб топади ҳамда уларнинг таъсир даражаси банкнинг фоиз сиёсатига тескари тартибда намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, жалб килинган ресурслар микдорининг ошиши орқали банк ўз мажбуриятларини коплаш ҳамда зарурий даражада фойда олиш мақсадида активларга белгиланган фоиз меъерини оширишга мажбур қиласди, бу холат эса банкнинг кредит қўйилмалари хажмининг ортишида ва имтиёзларни қўллаш орқали йирик айланмага эга мижозларни жалб қилишда ва бу орқали актив операциялар қўламини кенгайтиришга имконият яратади.

Шу билан бир қаторда, банк активларини диверсификацияланиш даражаси актив операцияларни бошқаришга муҳим таъсир кўрсатиб, актив операциялари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтиради. Янги банк хизмат турларини қўпайтиришни амалга ошириш, яъни қимматли қофозлар билан операциялар, инвестиция, факторинг, форфейтинг ва хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини қўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаши лозим. Бу борада ривожланган давлатлар банк тизимида банклар 300 дан ортик операцияларни бажариши мисол бўла олади. Улардан андоза олган холда мижоз ва банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шаклларини амалиётга жорий этиш ҳамда банк пассивларини

диверсификациясини амалга ошириб, максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш орқали кутилаётган фойдага эга бўлишимиз мумкин.

Тижорат банкларида актив операцияларини бошқаришга ташки омиллар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, Халқаро иқтисодий ўзгаришлар, Ҳукумат қарорлари ва валюта тебранишлари сезиларли даражада ижобий ва салбий таъсир этади. Халқаро иқтисодий ўзгаришлар ички бозорга таъсир қилиб, мижознинг олган кредитини вактида қайтармаслигига олиб келса, Ҳукумат ва Марказий банк томонидан банк активларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган истиқболли режалар орқали актив операцияларни амалга оширишда ва даромад олишга имкон яратади. Ушбу омиллар, ўз навбатида, банкнинг актив операцияларининг диверсификациясига ва самарали бошқаришга таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга ракобатчи банкларнинг, молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаши, юқори рейтингга эришиш максадида актив операцияларни самарали жойлаштириш услуг ва воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бизнинг фикримизча, банклар молия бозорида баркарор ўрин эгаллаб туриши учун нафакат актив операцияларни бошқаришни, таваккалчиликлардан химояланиши шу билан бирга, ўз банк брендига эга бўлиши ва мижозларнинг ишончини оқлаши лозим. Тадқикот натижаларининг кўрсатишича, тижорат банкларида актив операциялар таркибидаги кредит операцияларни таваккалчиликлар билан боғлиқ жараёнларни тадқик этиш муҳим масалалардан бири хисобланади.

Шунингдек, тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришда Банк кенгashi ва Банк бошқаруви томонидан ишлаб чиқарилган ички сиёсаллар таркибида таркибий тузилмаларининг вазифалари мукаммал белгилаб берилган бўлиши, актив операцияларнинг турлари, амалга ошириш услублари, муддатлари ва шакллари; бериладиган кредитнинг бизнес режаларини нафакат банкнинг бошқарув бўлимлари, балки маркетолог ва менежерлар ҳам кўриб чиқишлири лозим. Бунинг учун банкда шу соҳани пухта билувчи ишчилар бўлиши лозим. Асосий даромад

манбай бўлган кредит хужжатларини расмийлаштириш тартибини, мижознинг тўловга лаёкатлилик кўрсаткичларини аниқлаш ва кредит таъминотига қўйиладиган талабларнинг бажарилишини назорат қилишда ички мониторинг гурухига ишончли ва маъсулиятли шахсларни жалб қилиш лозим. Шу билан бирга, инвестиция лойихаларини молиялаштириш, муаммоли активлар билан ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнларда банкнинг ички сиёсатларининг аник белгилаб қўйилиши актив операцияларни бошқаришда маъсул бўлинмалар фаолиятини тўғри тартибга солиш имконини беради.

Барча банклар дуч келадиган асосий муаммолардан бири - бу активлар таркибида муаммоли активлар салмоғининг ошиши банк активлари сифатининг ёмонлашиши билан бир қаторда, банк мажбуриятларини бажаришда хавф туғдириши мумкин, шу билан бирга банкнинг харажатларини ошириб, зарарга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, актив операцияларни бошқариш тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганилигидан ва банкнинг масъул ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлигидан ва малакасизлигидан келиб чиқади. Чунки кредит бериш жараённада қарздорнинг тўловга қобилиятлигини чукур таҳлил қилиш учун банк ходимидан зарур малака ва билим талаб килади. Шу сабабли, банкнинг актив операцияларини амалга оширувчи ходимлари малакасини оширишда ходимларга нисбатан малакавий талабларни кучайтириш лозим, яъни ходим кредит бўлимида ишга олинишидан олдин маркетинг ва менежмент бўйича малакасини ошириши лозим. Чунки банк ходими мижоздан бир қадам олдиндан юриши, яъни хар бир соҳани олдиндан таҳлил қилиб, хар томонлама пухта билиши лозим (кайси соҳа бўлишидан катъи назар). Бундан ташқари, банк ходими инсон психологиясини ҳам мукаммал ўзлаштириши лозим бўлиб, хар бир мижознинг хатти-харакатларидан уни канчалик масъулиятли эканлигини сезиши ва мижоз билан муомала маданиятини ошириш каби тавсияларни берамиз.

№	Муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари	Муаммоли кредитларни бошқаришни қийинлаштирувчи жиҳатлар	Эхтимоли мавжуд ҳолатлар	Бошқариш йўллари
1	Бизнес режани пухта ўрганмаслик ва келажакда назоратнинг сустлиги	1. Мижонинг молиявий ахволини баҳолаш усули ва воситалари нинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги; 2. Муаммоли кредитларни бошқариш бўйича ваколатлар таксимланмаганлиги; 3. Назорат қилишда ходимларнинг лаёкатсизлиги.	Банкнинг актив операциялари таркибида муаммоли кредитларнинг салмоғининг ошиши натижасида активлар портфелининг ёмонлашуви	Банкда бизнес режани пухта ишлаб чиқилганини баҳолашда аудитор, бухгалтер, маркетолог учлигини яратиш лозим
2	Мижонинг молиявий холатининг талабга жавоб бермаслиги	1. Қарздорнинг бозорни яхши ўрганмаганлиги туфайли мажбуриятларини коплай олмаслиги; 2. Қарздорнинг товар айланмаларининг мавжуд эмаслиги; 3. Қарздор билан тузилган шартномада камчиликларнинг мавжудлиги	Тижорат банлари томонидан кредитларнинг копланмаслиги эхтимолий захира шакллантиришга эхтиёжнинг юзага келиши	Банк мижонининг молиявий холатининг ёмонлашув сабабларини ўрганиш ва биринчи боскични стандарт кредит шаклидаёк унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим.
3	Гаров таъминотнинг талабга жавоб бермаслиги	1. Таъминотга олинган мулкга бозорда талабнинг йўклиги; 2. Таъминотга олинган мулкни йиллар давомида	Кредитларнинг таъминоти бўйича 100% захирани шакллантириши	Гаров таъминотини баҳолаш жараённида таъминотни баҳоловчи шахснинг ҳам масъульиятини

		<p>ўз қадрини йўқотиши;</p> <p>3. Таъминотга олинаётган мулк бўйича дастлабки мониторинг юзаки ўтказилиши;</p> <p>4. Таъминотга олинган мулкни реал кийматдан ортичча баҳоланиши;</p> <p>5. Таъминотга олинган мулклар бўйича сугурта шартномаларини тўлик амалга оширмаслик;</p> <p>6. Гаров шартномасини тузишда айрим камчиликларнинг мавжудлиги</p>		<p>ошириш лозим. Яъни ишига масъулиятсиз ёндашган ходимга тегишли тартибда чора кўриш керак.</p>
4.	Учинчи шахснинг тўловга лаёкатсизлиги	<p>1. Кафилнинг молиявий холатининг тўлик таҳлил этилмаслиги</p> <p>2. Кафил томон ўз мажбуритяларига лаёкатсизлик билан караши;</p> <p>3. Кафиллик шартномасидаги мавжуд камчиликлар.</p>	Кредитларнинг таъминоти бўйича 100% захирани шаклантириши	<p>Учинчи шахснинг хам масъулятини ошириш лозим ва бажармаган тақдирда тегишли тартибда жавобгарлик зиммасига юклатилиши лозим.</p>
5	Ички ва ташки омиллар туфайли мижознинг келгуси	<p>1. Карздорнинг ишлаб чикарилаётган маҳсулотларга ички ва ташки бозорда</p>	Кредитларнинг таъминоти бўйича 100% захирани шаклантириши	<p>Марказий банк, Банклар Ассоциацияси ва тижорат банклари ва оммавий</p>

	фаолиятидаги ўзгаришлар	талабнинг пасайиб кетиши; 2. Карздорнинг харажатлари ва даромадларини тўғри бошқара олмаслиги; 3. Мижознинг иш фаолиятида маркетинг ва менежментнинг йўлга кўйилмаганлиги.		ахборот воситалари биргаликда банк мижозларига малака ва кўникмаларини ошириш максадида ўкув семинарлари ташкил этилиши максадга мувофиқдир
6	Банк ходимларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги ва малакасизлиги	1. Актив операцияларни самарали бошқариш усулларидан фойдаланмаслик; 2. Активлар бўйича ички мониторинги юзаки ўтказилиши	Кредитларнинг таъминоти бўйича 100% захирани шакллантириши ва масъулиятсиз ходимларга тегишли чоралар кўрилиши	Марказий банк, Банклар Асоціацияси ва тижорат банклари биргаликда банк ходимларига малака ва кўникмаларини ошириш максадида ўкув семинарлари ташкил этилиши билим ва кўникмаларини янада ошириш имконини беради
7	Кўзда тутилмаган холатлари	Зилзила, сув тошкини, ёнғин каби холатлар	Банкларнинг зарарининг ортиши	Бу бўйича сугурта шартномаларини имзолаш кўзда тутилмаган холатлардан химоялайди.

2.12-расм. Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни бошқариш йўллари⁶⁸

⁶⁸ Муаллиф томонидан гузилган.

Юкоридаги жадвалдаги ҳолатлар тижорат банкларида актив операциялар таркибидаги 100 % рискли муаммоли кредитларни юзага келтирувчи сабаблар, бу ҳолатларни қийинлаштирувчи омиллар ва натижада юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий ҳолатлар ва уларни бошқариш йўлларини ифодалайди. Шу ўринда баъзи ҳолатларда банк ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги ва малакасизлигига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Кредит бериш жараёнида мижоз ҳақидаги керакли маълумот тўплашдаги масъулиятсизлик уни назорат қилмаслик оқибатида юзага келадиган муаммолар банкка салбий таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериш лозимdir.

Бунинг учун муаммоли кредитларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни чукур таҳлил қилиш ва бу орқали банк фаолиятини таваккалчилклардан самарали химоялаш тизимини шакллантириш имконини беради. Шу билан бирга муаммоли кредитларнинг олдини олишда, банк баркарорлигини саклаб туришда, банк тизимини тубдан ислоҳ этишда халқаро рейтинг тизимларининг ўрни юкоридир. Чунки жаҳон банклари томонидан қўлланиб келинаётган ушбу тизимлар амалиётда ўз натижасини бермоқда. Бу бўйича куйида тўхталиб ўтамиз.

2.4. Тижорат банкларининг актив операциялари баркарорлигини бошқаришда «Базель III» талаблари ва халқаро рейтинг тизимларининг жорий ҳолати

Иктисадиётни модернизациялаш шароитида банк хизматларини ривожлантириш, уларнинг банклараро ракобат шароитида баркарор фаолият юритишини таъминлаш тижорат банкларидан оқилона сиёsat юритишини талаб этади.

Тижорат банкларининг мухим стратегияларидан бири банк хизматлари самарадорлигини ошириш ва ракобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу стратегияларни амалга оширишда сўнгги йилларда банк тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Базель

қўмитасининг талабларига асосан, банклар барқарорлиги-нинг асосий кўрсаткичи бу банк капитали етарлилиги коэффициенти хисобланади. Бу коэффициент банк капиталининг рискка тортилган активларга нисбати билан аниқланади. Бизга маълумки, 1993 йилда банк капиталининг сифат ва микдор жиҳатдан рискли активлардан келадиган заарларни қоплашга етарлилик даражасини аниқлаш бўйича Базель келишуви (Базель-I) жорий килинди.

2006 йилда Базель келишуви (Базель-II) амалиётга жорий килинди. Ушбу келишувда ҳам капитал етарлилиги коэффициенти 8 фоиз қилиб белгиланди. Ушбу келишув 3 та таркибий кисмдан иборат бўлди:

1. Капитал минимал микдорига талаб;
2. Капитал етарлилигини Марказий банк томонидан таҳлил этиш;
3. Маълумотларни кенг оммага эълон қилишдан иборат.

Республикамиз тижорат банкларининг ҳалкаро Базель талабларига асосланган банк капиталининг етарлилиги коэффициенти кейинги йилларда ошиб бормокда.

Бугунги кунга келиб банк тизимини янада ислоҳ этиш ва барқарорлигини таъминлаш бутун жаҳонда долзарб масалалардан биридир. Бу бўйича 2010 йилнинг 12 сентябрида «Базель III» номи билан фаолиятини тартибга солишнинг янги тартибдаги қоидаси Базель қўмитаси аъзолари хисобланган дунёнинг 27 давлати банк назорати органлари ва Марказий банк вакиллари томонидан тасдиқлангани мисол бўлади. Ушбу ислоҳот жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги жаҳон молия тизимини банкнинг ликвид захираларини ошириш ҳамда уларнинг сифат даражасини яхшилаш хисобига янги қоидаларни босқичма-босқич қўллаш зарурлиги тавсия этилмоқда. Тизим куйидагиларни қамраб олган:

- 2015 йил 1 январидан банкларнинг биринчи даражали акционерлик капитали етарлилигини 2,5-4,5%га ошириш;
- 2015 йил 1 январидан биринчи даражали капитали етарлилигини 4 фоиздан 6% га ошириш;

– 2019 йил 1 январидан 2,5% ли буферли капитал (захира буфери) ни ташкил этиш;

– соф капиталнинг активларга нисбати рискни ҳисобга олган ҳолда (бозор, кредит ва операция рисклари) 8% саклаб колинади. 2019 йил 1 январидан 2,5% ли захира буфери ҳисобга олиниб 10,5% га ошириш;

– капитални етарлилигини баҳоловчи қўшимча норматив бу левириж бўлиб, уни минимал кўрсаткич 3 фоиз килиш режалашибтирилмоқда;

– 2015 йил 1 январдан жорий ликвиддиллик коэффицентини 50-100% га етказиш белгиланди.

Тижорат банкларида Базель андозалари қабул қилингунга қадар устав капиталининг хорижий валютадаги қисми билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишда захира тизими андозаларидан фойдаланиб келинар эди. Унинг асосий камчиликлари, фикримизча, куйидагилардан иборат эди:

1.Мазкур андоза банк активларини риск даражасига қўра табақалаштириш имконини бермасди.

2.Банк депозитлари баркарорлиги жихатидан бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

3.Тижорат банкларининг балансдан ташқари активлари инобатга олинмаган эди.

Ушбу муаммоларни бартараф этишда Марказий банк тижорат банклари устав капиталининг минимал микдорини белгилашда халқаро банк амалиётида қабул қилинган андозалар ва тавсиялардан кенг кўламда фойдаланмоқда.

Шуниси эътиборлики, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш услуби билан халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услуб ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас.

Жумладан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Базель қўмитасининг банк тизимининг баркарорлигини таъминлашдаги талабларини қайта қўриб чиқиши таклифи маъкулланганди.

Базель III нинг ушбу талаблари тартибга солишдаги эҳтимолий камчиликлар, шу жумладан, «заарланиш» рисклари (contagion risk), яъни бир мамлакатдаги номақбул жараёнлар

нафакат мазкур мамлакатда, балки бошқа мамлакатларда хам рейтинг тушиши ёки кредит кисқаришига олиб келувчи ҳолатларда юзага келувчи рискларни бартараф этишга қаратилган.

Ликвидлилик стандартлари мониторинг воситалари тизими Кўмитанинг 2009 йилда чоп этилган «Ликвидлилик рискини баҳолаш, стандартлар ва мониторинг бўйича халкаро стандартлар» хўжжатида баён қилинган (*International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring*)⁶⁹.

Базель III ислохотида банк рискларини тўлиқ миқёсда савдо портфели, ҳосил қилинган қимматли қофозлар билан битимлар ва секьюритизацион операциялар бўйича рискларни қоплашга нисбатан талаблар ўсиши ва маълум қатъийликни кўзда тутади. Директивалар билан битимлар бўйича контрагентнинг рискини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилади (*Counterparty credit risk, CCR*)⁷⁰. Риск бўйича қийматларни хисоб-китоб килиш усулига янги талаблар илгари сурилган (*Value-at-Risk, VaR*). Дефолть кредит рискини қоплашдан ташкари, банк контрагентнинг риски билан боғлиқ деривативларни бозорга оид қайта баҳолашдан ўқотишларни қоплаш учун маълум капиталга эга бўлиши лозим.

Ушбу тавсияга асосан, банк ҳар ойда контрагентнинг рискини баҳолаш моделларини стресс-тестини ўтказиши лозим⁷¹. Мантикий равиша, ушбу талабларни жорий этиш орқали банклар ўз бизнес-моделларини ҳосил қилинган воситалар билан битимларга нисбатан қайта кўриб чикишга мажбур бўлади, уларнинг капитал харажатлари сезиларли тарзда ўсади.

Базель III талаблари ўз ижобий тавсиялари билан биргаликда жаҳон экспертларининг фикрларига кўра бир канча муҳим жихатлар очиқ колдирганлигини эътироф этмоқдалар, хусусан:

- «Ноқулай» банкинг: Базель III талаблари суғурта компаниялари, хежирли ва пенсия жамғармалари ҳамда инвестиция жамғармалари ва бошқалар каби нобанк молиявий ташкилотлари

⁶⁹ Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring, BCBS, Dec 2010.35 p.

⁷⁰ Proposal to ensure the loss absorbency of regulatory capital at the point of non-viability - consultative document, BCBS, Aug 2010.21 p.

⁷¹ Revisions to the Basel II market risk framework - final version, BCBS, Jul 2009.38 p.

фаолиятларига тарқатилмайди. Шундай қилиб, бундай институтлар фаолияти нафакат халқаро стандартларга кўра назорат қилинмайди, балки банкка нисбатан маълум ракобатли устунликларни кўзда тутади. Шу муносабат билан Молиявий баркарорлик Кенгаши (Financial Stability Board, FSB) нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг халқаро стандартларини ишлаб чикиш масалалари ва ушбу стандартларнинг Базель III талабларига нисбатига катта эътибор қаратилиди.

- *Жарималар жорий этилмаганлиги:* Базель II га нисбатан янги битимлар ҳақиқатда талабларни сезиларли тарзда қатъийлаштиради ва тавсиялардан меъёрга ўтишига қарамай, аксарият қатъян мухим фаолият соҳалари (масалан, банк портфели аралашувини бошқариш), шу тарика тавсиялар даражасида қолиб кетди;

- *Бошқарувчи ва солиқ арбитражи имконияти:* Базель III халқаро банклар учун улар амал килувчи турли юрисдикциялар ўртасида бошқарувчи арбитраж имконини колдиради;

- *Глобал ва кўчма бошқарув назорати таркиби тарқоқлигича қолди:* Базель III битимининг бошка локал ислоҳотлар билан киёслаш масалалари (масалан, АҚШда амал килувчи Додд-Франк конуни ва Волькер Коидаси) ва ягона миллатлараро кузатув органини ташкил этиш очиқлигича қолди.

Базель III нинг кўпгина унсур (элемент)лари тугалланмаган бўлиб (таяқидлаш жоизки, янги стандартлар энг қиска муддатларда ишлаб чиқилди) ва янги стандартларни жорий этиш ҳам вакт жихатдан узайтирилган ҳамда мунтазам равишда ўтказилишига қарамай, банклар айни вактда Базель III ни жорий этишга тайёр бўлишлари лозим, чунки янги стандартларни аввалроқ жорий этиш нафакат бошқарувчилар, балки бозор иштирокчилари томонидан ҳам рақобат устунлиги сифатида кўриб чиқилади.

Мамлакатимиз банк тизимиға Базель III талабларининг кўлланиши орқали банк капиталининг етарлилик, ликвидлилик ва баркарорлик даражасининг ўсишига ёрдам бермоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24,3 % ни ташкил қилиб, бу белгиланган Базель III талабларидан 3 баробар юкори

эканлиги бунга мисол бўла олади. Банклар ушбу талаблар доирасида иш юритишлари оркали мижозларнинг ишончини козонадилар, банкротликнинг олдини оладилар, бу эса, ўз навбатида, мамлакат иктисодиётини турли хил иктисодий инкиролзлардан холи бўлишига ёрдам беради.

Шу билан бир қаторда халқаро «Мудис», «Фитч Рейтинг», «Стандарт энд Пурс» рейтинг компаниялари билан бир қаторда 1996 йилда Вазирлар Махкамасининг №427 сонли қарорига асосан ташкил топган мамлакатимиздаги биринчи «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги буғунги кунда тижорат банкларини ўз рейтинг кўрсаткичлари билан баҳолаб келмоқда. Бу эса тижорат банклари ўртасида соф рақобат мухитини шакллантиради, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширади ва молия бозорида ўз ўрнига эга бўлиш имконини беради. Шу ўрнида «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги ACCRA (Assocition of credit Rating Agencies in Asia) Осиё кредит рейтинг агентликлари ассоциациясининг Марказий Осиёдаги биринчи ва ягона иштирокчиси хисобланади. Рейтинг компанияларининг талаблари қуидагича:

- рискларни бошқариш, яъни кредит ва банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклар;
- бозор рискларини бошқариш;
- операцион рисклар;
- хукукий рисклар;
- банк фаолиятида даромадлилик кўрсаткичлари;
- банкнинг капиталлашув даражаси;
- банк фаолиятида секьюритизациялаш кўрсаткичлари;
- банк фаолиятида диверсификациялаш даражаси;
- банк бошқаруви ҳамда унинг стратегияси билан боғлик кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Тижорат банклари Базель III талаблари бўйича фаолият кўрсатиб, банк баркарорлигини таъминласа, рейтинг агентликларининг баҳолари асосида мижозлар ишончини оширади. Буғунги кунда банкларимиз томонидан CAMELS рейтинг тизими асосида эксперtlар томонидан баҳоланмоқда.

Марказий банк томонидан молия-банк тизими баркарор-лигини саклаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатларининг химоя қилинишини таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текширув)лар ўтказилиб келмоқда. Шунингдек, бугунги кунда банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасининг холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимнинг янги талқинини амалиётга кенг татбиқ қилиш чоралари белгиланган.


CAMEL(S) халқаро рейтинг тизими банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ҳам масофадан ва жойига чиқиб инспекция қилишда фойдаланишга тавсия қилинган бўлиб, ҳозирда кўпгина мамлакатлар томонидан шу жумладан, юртимизда ҳам қўлланилиб келмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда бутун банк-молия тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш вазифаси долзарбдир. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, CAMELS рейтинг тизимининг татбиқ қилиниши тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга олиб келади. Бугунги кунда АҚШдаги олтита компонентни баҳоловчи CAMELS рейтинг баҳолаш тизими тижорат банклари фаолиятини холис баҳолашда ёрдам бермоқда. Шу муносабат билан биз ўз тадқиқотимизни ушбу рейтинг тизимига бағишлидик.

CAMELS рейтинг тизимининг банк активларини бошқаришдаги ролини аниқлашдан олдин ушбу рейтинг тизими атамасидаги ҳар бир ҳарфнинг маъносига ва баҳолаш коэффицентларига кисқача тўхталиб ўтиш максадга мувофиқдир. CAMELS атамасидаги ҳар бир ҳарф кўйидаги маънони англатади (2.13-расмга қаранг).

Ушбу ҳарфлар маъносидан кўриниб турибдики, биз тадқиқ этаётган атама банкнинг самарали фаолиятини тўлиқ баҳолайди.

Шунингдек, аксарият кўрсаткичлар, банкнинг назорати агентлигига келиб тушган хужжатлар асосида «сиртдан» Америка рейтинг баҳолаш тизими орқали аниқланади (call reports – ҳар чоракда банклар тақдим этадиган хисобот). Ушбу хисобот маълумотларига кўра, банклар бошқа банклар билан киёсланган хисобот санасига банк фаолияти кўрсаткичларини ўз ичига олувчи UBPR – Uniform Bank Performance Report (банклар фаолияти түғрисидаги унификацияланган хисобот) ни тақдим этади.



2.13-расм. CAMELS атамасига изоҳ⁷²

Бундан ташқари, UBPR ўтган давр (3-4 йил) учун банк фаолиятининг шундай кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Зарурат туғилганда, кизиқтирувчи деталларни аниқлаш учун жойларда текширувларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг доирасида назорат идоралари янада комплекс таҳлил ўtkазиш мақсадида кўшимча ахборот олишлари мумкин. Шунинг учун CAMELS услуби масофавий назоратдаги сингари, инспекция текширувларини ўtkазишда ҳам фойдаланилади.

Бизга маълумки, CAMELS рейтинг тизимининг ҳар бир кўрсаткичи 1 дан 5 гача бўлган устунга кўра баҳоланади, бунда

⁷² Банковский менеджмент: учебник под ред. О.И.Лаврушина.3-е изд.,перераб. и доп.-М.:КПОРУС,2010,-560с.

банк фаолиятини салбий оқибатларга олиб келиши мүмкін бўлган ҳар бир элементи бўйича маълум кўрсаткичларда сезиларсиз оғишишларга эга бўлган молиявий жиҳатдан баркарор банк 1-устунни эгаллади; 5-устунни назорат органлари ва банк раҳбарияти томонидан тезкор аралашувни талаб этувчи ва ўз фаолиятида камчиликлар ҳажми ва характеристи кескин даражада бўлган банк эгаллади.

Ҳар бир компонентни баҳолаш натижаларига кўра қўйидаги комплекс баҳо чиқарилади (composite rating):

- 1- Strong (кучли);
- 2- Satisfactory (коникарли);
- 3- Fair (воситали);
- 4- Marginal (кескин);
- 5- Unsatisfactory (коникарсиз).

Ушбу CAMELS рейтинг тизимида комплекс баҳо натижалари қўйидагилардан иборат:

«1»—банк барча муносабатларда «бутунлай соғлом» (катор кўрсаткичлардагина сезиларсиз оғишишлар бўлиши мүмкін); тегишли бошкарув тизими мавжуд; ташки иқтисодий ва молиявий таъсирларга нисбатан баркарор; кузатув органларининг аралашувига зарурат йўқ.

«2»—банк деярли «бутунлай соғлом»; олинган кескин маълумотлар мухим аҳамиятга эга эмас; бошкарув тизимида кескин камчиликлар мавжуд эмас; баркарор ва ишбилиармонлик оламидаги ўзгаришларни муваффакиятли бартараф этиши мүмкін; банк назорати органларининг аралашуви чекланган ва аникланган камчиликларни тузатиш учун зарур ҳажмда амалга оширилади.

«3»—қулай даражалардан коникарсиз даражаларгача мослашувчи молиявий, операцион ёки техник заифликлар мавжудлиги; иқтисодий вазиятнинг нокулай ўзгаришларидаги заифлик; агар заифликларни бартараф этиш бўйича қабул килинган чоратадбирлар самарасиз бўлса, осонгина хонавайрон бўлиши мүмкін.

«4»—жиддий молиявий муаммолар; молиявий муаммоларга керакли эътибор мавжуд бўлмагандга, носоғлом вазият сакланаб колиши; тузатувчи чоралар кўрилмаса, юзага келган холат

келгусида яшовчанлик йўқолишига олиб келиши мумкин; хонавайрон бўлиш эҳтимоли; аникланган камчиликларни бартараф этишнинг пухта кузатиш назорат қилиш, шунингдек, муайян режаси зарур.

«5»-якин вактларда хонавайрон бўлиш эҳтимоли мавжуд; аникланган камчиликлар шунчалик хавфлики, бунга акциядорлар томонидан ёки бошқа молиявий ташкилотлардан кўмак талаб этилади; тузатиш тадбирларини ўтказмаса, бошқа кредит ташкилотлари билан бирлаштирилиши ёки тугатилиши мумкинлигини билишимиз ва шу билан бир қаторда тижорат банкининг баркарорлиги ва ликвидлилиги бўйича маълумотлар олиш имконига эга бўламиз.

Биз CAMELS рейтинг тизимининг иккинчи «A» ҳарфи яъни «Активлар сифати» кўрсаткичларни таҳлил қилиш усули хақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, банк фаолиятининг CAMELS тизими бўйича рейтингини аниглаш мақсадида таҳлил қилиш аввал таъкидлаб ўтилганидек, юкори хатарлилик жабҳасини аниглаш имконини берувчи активларнинг таркибини кўриб чиқишдан бошланади. Масалан, умумий ҳолатда ссудалар қимматли коғозларга нисбатан кредит ташкилотлари учун янада хатарлироқ бўлади. Давлат органлари томонидан эмиссия килинган қимматли коғозлар хатардан йирокдир. Тижорат ссудалари жисмоний шахсларга берилувчи ссудаларга нисбатан хатарлироқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, активларни таҳлил қилишда куйидаги коэффициентлар инобатга олинади:

- ссудаларнинг умумий активлар ҳажмига нисбати, фоизларда;
- ссуда қарздорлиги умумий ҳажмида муддати узайтирилган ва кайта таркиблаштирилган ссудалар (катта кўрсаткичларга эга бўлган ссуда қарздорлиги турлари таҳлил килинади);
- захираларнинг ссуда қарздорлиги умумий ҳажмидаги киймати; захиралар қийматининг ссудалар бўйича кўрилган зарарларга нисбати таҳлил килинади.

Бундан ташқари, активлар сифатини баҳолашга таъсир этувчи ҳар бир кўрсаткични таҳлил қилишда унинг хисобот санасидаги қиймати хисобга олинади, банк гурухи (peer group) бўйича ўхшаш кўрсаткичлар билан киёсланади ва тренд эътиборга олинади (сўнгги хисобот давридаги ўзгаришлар). Унинг нақафат миқдори қийматларини аниқлаш, балки уни ўзгартирувчи омилларни ҳам аниқлаш муҳимdir.

Активлар хатари бўйича ўлчанган коэффициентлар активларнинг сифат индикатори хисобланади⁷³, айнан:

$$\frac{Нс \times 20\%^2 + См \times 50\% + Бн \times 100\%}{ОК + РВПА}$$

бу ерда: Нс- ностандарт ссудалар;

См – шубҳали ссудалар;

Бн – ишончсиз (умидсиз) ссудалар;

ОК – асосий капитал;

РВПА- активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга захиралар.

Сўнг олинган натижалар асосида АҚШ Федерал захира тизими активлар сифатини тезкор баҳолаш учун қуйидаги матрицадан фойдаланади⁷⁴ (2.4-жадвал).

2.4-жадвал⁷⁵

Хатар даражаси бўйича ўлчанган активлар коэффициенти	«CAMELS услуби бўйича сифат» компоненти рейтинги (назорати)
0-5	1
5-5	2
15-0	3
30-50	4
50-100	5

⁷³ www.worldbank.org, маълумотлари асосида тайёрланган. (Weighed classification asset ratio)

⁷⁴ Банковский менеджмент: учебник под ред. О.И.Лаврушина.3-е изд.,перераб. и доп.-М.:КНОРУС,2010.-560с.

⁷⁵ Иктисадчи олимлар таъкидотлари асосида муаллиф томонидан ишқитанирилган.

Юкоридаги жадвалдан CAMELS рейтинг тизимида комплекс баҳо натижаларини кўришимиз мумкин. CAMELS рейтинг тизими орқали кўрсатиб ўтилган баҳолар бошқа омилларни – нобаланс активлар сифати, захираларни шакллантириш усули, кредит сиёсати, ссуда қарздорлиги мониторингининг мослигини хисобга олган ҳолда камайтирилиши мумкин.

Ушбу параграфда биз факат активлар сифати бўйича CAMELS рейтинг тизимида баҳоланишини кўриб чиқдик. Бундан келиб чиқиб, банкнинг рейтинг даражасини баҳолашда уни банкротликдан саклашда CAMELS рейтинг тизимининг роли ва аҳамияти юқори, деб айта оламиз, бирор ушбу рейтинг тизими камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бизнинг фикримизча, ушбу камчиликларидан бири бу рейтинг тизими эксперт хулосалари асосида аникланишидир.

Эксперт хулосаси асосида баҳолангандаги натижа субъектив бўлиши ҳам мумкин. Щунинг учун фикримизча, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун кўйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

- баҳолаш тизимидағи эксперталарнинг малакасини ошириш;
- берилган банк хулосалари учун жавобгарликни белгилаш;
- АПБҚ томонидан ҳар бир коэффицент турларини бошқариш бўйича масъул шахслар тайёрлаш;
- тижорат банкларида нафакат ички таҳлилни, балки ташки таҳлил, яъни бошка банклар фаолияти билан таққослашни йўлга кўйиш;
- мамлакатимизда миллий рейтинг компанияларини кўпайтириш ва улар ўртасида ракобат мухитини яратиш лозим.

II боб бўйича хулосалар

1. Банкнинг актив операцияларини бошқариш усуллари таркибига инновацион усул киритилиб, уларга масофавий бошқарув, автоматлаштириш, активларни секьюритизациялаш ва New Privat хизматлари киради. Ушбу инновацион хизмат турларининг тижорат банкларига киритилиши асосида актив операциялари таркибига кирувчи даромад келтирувчи активлар

салмоги ошади, шу билан бирга пассив операцияларни бошқариш имконига эга бўламиз.

2. Банкларда активларни бошқаришнинг имитацион модели оркали активларни, пассивларни ва даромадни бошқариш имконини беради.

Инвестицион операциялар моделининг структураси банкларнинг инвестиция бўлимидаги малакали таҳлилчилари қўлида янада юкори фойда беради. Кредит операцияларни режалаштириш хар бир тижорат банкларининг кредит бошқаруви ишчилари олдидаги муҳим масалалардан биридир. Тижорат банкларимизда кредит бериш жараёнларида кўлланилса, кредит операцияларини бошқариш осонлашади ва ушбу операциялардан кутилаётган даромадлар ўз вактида қайтади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг жами активлари салмоғининг кўпайишига ёрдам беради.

3. Тижорат банклари актив операцияларни бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги ишлаб чикилди, бу банкларнинг кўзда тутилган ва тутилмаган хавф-хатарлардан химоялайди. Шу билан бир қаторда актив операцияларни самарали бошқариш имконини беради.

4. Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни бошқариш йўлларини шакллантириш оркали асосий даромад манбаи бўлган кредитларни ўз вактида қайтишига эришилади.

5. Халқаро ва маҳаллий рейтинг компаниялари, Базель қўмитаси ва рейтинг тизимларнинг бугунги кундаги фаолиятининг узвийлигини таъминлаш тижорат банкларининг баркарорлигига, банк капиталининг кўпайишига, ликвидлилигига, мижозлар ишончига, хавф-хатарнинг қисқаришига ва актив операцияларни самарали бошқаришга имкон яратади.

Ушбу таклифларнинг амалиётда жорий этилиши тижорат банкларининг баркарорлигини мустахкамлайди, актив операцияларни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга ёрдам беради ва шу билан бир қаторда ахолининг банкларга бўлган ишончини янада оширади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталининг ўсишига олиб келади.

ІІІ БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

3.1.Актив операцияларни бошқаришда инновацияларнинг ўрни

Мамлакатимизда молия хизматлари бозорининг такомиллашуви тижорат банклари фаолиятида инновацияларни жорий этиш шу билан бир қаторда, банк менежменти орқали ушбу жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ҳар бир тижорат банки ўзининг инновацион стратегиясини ишлаб чиқишини талаб килмоқда. Бу эса, ўз навбатида, молия хизматлари бозоридаги соғлом ракобат мухитини шакллантиришда, банкларнинг фаолиятига уларнинг барқарорлик даражасига ижобий таъсир кўрсатишида ёрдам беради.

Юкоридаги натижаларга эришишда тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлиги, капиталлашув даражаси ва банк ликвидилигининг оширилиши, шу билан бирга, актив операцияларни бошқариш стратегиясини шакллантиришда мустахкам замин яратади.

Шу билан бир қаторда мижозларнинг банк-молия муассасаларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг ўзгариши, тижорат банклари ўртасида мижоз учун кескин ракобатнинг ортишига сабаб бўлади. Бу эса тижорат банкларининг олдига янги инновацион хизматлар кўламини кенгайтириш вазифасини қўяди. Кўпгина иқтисодий адабиётларда банкларнинг янги хизматлари йиғиндиси банк инновацияси сифатида талқин этилади. Банк инновацияси тижорат банкига кўшимча даромад келтириш билан бирга, мижозларнинг оладиган даромадларининг миқдорининг ошишига ёрдам беради.

Бугунги кунга келиб, тижорат банкларининг инновацион фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли масофадан банк хизматлари кўрсатиш хисобланади. Масофадан банк хизматлари кўрсатиши – банк хизматларини коммуникациялар ва интернет-

технологиялардан фойдаланган ҳолда мижоз томонидан масофадан туриб бериладиган буйрук ва фармойишлари асосида тақдим этиш технологиясидир.

Ушбу инновацион хизмат турларининг афзалликлари куйдагилардан иборат:

- тўловларнинг накд пулсиз амалга оширилиши;
- вакт ва харажатларсиз бажарилиши;
- бир зумда ва ишончлилиги юқори баҳоламоқда;
- банк мижозларига тезкор хизмат кўрсатиш орқали мижозлар сони ўсишига эришиш ва ишончини оқлаш.

Шу билан бирга актив операцияларни бошқаришда ўз вактида қайтмаган кредитлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик ҳолати эълон килинганлиги боис пайдо бўлган кредиторлик қарзлари эвазига банк балансига қабул килинган мол-мулклар билан банкларнинг ишлашлари, улар учун инновацион тизими ташкил этишни ва молия инжиниринги схемаларининг алоҳида ёндашувини талаб қиласди. Ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимида тижорат банкларининг молиявий хизматларини такомиллаштириш, янги молиявий хизмат турларини ривожлантириш муаммоларини аниқлаш, ечимини топиш ва истикболларини белгилаш ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчиларга оптимал шароит ва қулайликлар яратиш ва интернет-банкинг технологияларини ривожлантириш борасида куйдагиларни таклиф этиш мумкин:

- банк учун маҳсус инновацион фаолият режасини ишлаб чикиш;
- инновацион хизмат турларини кўпайтириш;
- инновацион фаолликни таъминлашда илмий изланишларини такомиллаштириш;
- янги инновацион ғояларни банк амалиётига жорий этиш;
- банк менежменти асосида мутахассисларига семинар тренинглар ташкил қилиш орқали малака ва қўникмаларини шакллантириш;

– банкда инновацион хизматларни кўрсатиш жараёнларида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун маҳсус гурухларни ташкил этиш;


– банк маркетинги орқали мижозларига янги инновацион хизмат турларининг афзалликлари билан таништириб бориш;

– хорижий давлатлар амалиётида қўлланилган самарали банк хизматларини жорий этиш ва сифатини оширишдан иборат.

Биз юқорида келтирган афзалликлар ва таклифларнинг қай даражада самарали эканлигини фақатгина амалиётда банк ходимлари ва банк мижозларининг талаб ва истакларини ўрганиш ва бу бўйича самарали бошқарув усулини ишлаб чикиш орқали эришилади.

Юқоридаги бобларда биз актив операцияларнинг назарий, амалий ва услубий жиҳатларини ўрганиб чиқиб, сўнгги бобда тадқиқот объектларида ўтказилган сўровнома натижалари орқали муаммо ечимига жавоб топамиш.

Шундай килиб, тижорат банкида ўтказилган сўровномада Ўзбекистон Республикаси ташки иктисадий фаолият Миллий банки, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», ХАБ «Трастбанк» банкларида ўтказилган банк мижозлари ва ходимларидан олинган сўровнома натижалари кўйидагича:




3.1-расм. Банк барқарорлиги қандай омилларга боғлиқ⁷⁶

⁷⁶ Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Дастлабки саволларимиздан бири банк барқарорлиги билан боғлиқ бўлиб, тижорат банклари томонидан асосий барқарорлик омили мижозларнинг ишончига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Кейинги омил эса банкнинг рақобатбардошлиги ва ликвидлилиги юкори бўлган банклар, яъни банк салоҳиятига, инновацион ғояларни қўллашга ва, албатта, банк бошқарувига боғлиқ, деган жавобларни олдик. Мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш учун уларни банкка жалб қилишда банк ходимларига тавсиялар куйидагича:

- банк имижини кўтариши, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш;
- замонавий банк хизматларини кўпайтириши, реклама;
- кредит олиши масаласида янгилеклар яратиш, тариф ставкаларини камайтириши;
- мижозларнинг таъбларини ўрганиб бориши;
- омонат турларини кўпайтириши;
- мижозларга шитиёзлар бериш.



3.2.-расм. Муаммоли кредитларнинг келиб чиқиш сабаблари⁷⁷


Юқоридаги тавсияларни таҳлил қилас эканмиз, банк тизимида мижозларнинг ишончини, банкларнинг барқарорлигини таъминланисининг асосий омиллари бу актив ва пассив операцияларни тўғри бошқаришга боғлиқ бўлиб, айнан банкларни барқарорлигига таъсир этувчи омиллардан бири муаммоли кредитлар бўлиб,

⁷⁷ Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан пакслантирилган.

уларнинг келиб чиқиши сабабларини банк ходимлари ва мижозлари томонидан изохланишида кўришимиз мумкин.

Ушбу саволга банк ходимларининг жавобларини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият миллий банкида муммамоли кредитларнинг асосий сабаби, Кредит мониторингининг сустлиги билан боғлашган бўлса, «Ўзсаноатқурилишбанк»и ходимлари эса бизнесда бошқарувнинг тўгри йўлга қўйилмаганинига деб изохлашган ва «Трастбанк»да эса кредит операцияларида бизнес режа асосий ўрин эгаллади, деб жавоб беришган.

Юқоридаги фикрлар билан танишган ҳолда биз олдинги параграфларда таъкидлаб ўтган фикримизда коламиз, яъни асосий муаммо банк ходимларининг маъсъулатсизлигига бориб тақалади. Чунки банкка келган мижознинг бизнес режасини, таъминотини, иш фаолиятининг назоратсиз колиши муаммоли кредитларни келтириб чиқарди. Мижоз танг ахволда қолмаслиги учун банк билан ҳар доим узвий алокада бўлиш лозим. Шундагина иқтисодий муаммоларнинг биргаликдаги ечимини топиш имконига эга бўлишади. Биз шу билан бирга банк операцияларидан фойдаланиш кесими саволига қўйидагича жавобларни олдик.



3.3.-расм. Банк операцияларидан фойдаланиш кесими⁷⁸

⁷⁸ Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу расмдан биз банк мижозларининг банкнинг масо-фавий хизмат турларидан, яъни SMS-банкинг, интернет-банкинг, банк мижоз инновацион хизмат турларидан, шу билан бир каторда кредит операцияларидан фойдаланишинг салмоғи юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бироқ омонатларнинг кўлланилиш даражаси юқори эмаслиги ушбу диаграммадан кўриниб турибди, бунга кўп мижозлар банк тизимиға ишончим йўқ, ортиқча пулим йўқ ва банк фоизлари паст деб изоҳ қолдирганлар.

3.1.-жадвал

Банк ходимлари ва мижозларининг банкни ривожлантириш бўйича таклифлари⁷⁹

Банк ходимлари	Банк мижозлари
Ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш	Кредит фоизларини кўриб чиқиш, расмийлаштиришни соддалаштириш
Ходимлар мотивациясини кучайтириш	Кичик бизнес субъектларига киска муддатли кредитлар бериш, кўлайликлар яратиш
Омонат турларини кўлайтириш фоизларини ошириш	Замонавий банк хизмат турларини кўлайтириш, коғозбозликни камайтириш
Банк мижозлари учун замонавий банк хизматларини кўлайтириш	Карточкадаги пулларни банкоматдан ечиб олиш суммасини кўлайтириш
Кредит сиёсатини ривожлантириш	Омонат фоиз ставкаларини кўтариш, хар ойда омонатчиларни чакирмасдан уларга замонавий усусларни жорий килиш, яъни электрон тарзда амалга ошириш
Кредитни расмийлаштиришни соддалаштириш	Свифт операцияси учун комиссиясини камайтириш
Мижозларни жалб килишда маркетинг ва рекламани кучайтириш	Иккиласми бозордан ипотека ва автокредитларнинг салмоғини ошириш
Банкнинг тушлик вактини кайта кўриб чиқиш	Банкнинг тушлик вактини 13 дан 14 гача белгилаш

⁷⁹ Сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Банкнинг актив операцияларини бошқариш механизмини такомиллаштиришда пассив операцияларини, яъни омонат турларини бошқариш мухим аҳамият касб этади. Активлар ва пассивларнинг балансланган ҳолда бошқарилиши ликвидлилик ва баркарорлик омилидир. Шундай экан, сўровнома натижаларида банк ходимлари ва мижозларининг таклифларини ҳам ўрганиб чиқдик.

Юқоридаги таклифларни ўргангандан ҳолда қуидаги хуносалар шакллантирилди:

– банк мижозларини банкка жалб килишда инновацион хизматларни кўпайтириш;

– мижозларнинг вактини тежашда банк онлайн тизимини жорий этиш орқали барча хужжатлаштириш, кўл кўйиш бўйича масалаларнинг ечимини топиш лозим. Чунки банкнинг асосий мижозлари ахолининг иш билан банд бўлган қатлами бўлиб, улар банкларда ўзларининг қимматли вактларини навбат кутиш хужжатлаштириш жараёнларига сарф қилмоқдалар;

– кредитларнинг қайтарилишида авто тўлов тизимини жорий этиш мижозларнинг ҳисоб ракамларидан кредит фоизларининг ундирилишини автоматик тарзда бажариш имконини беради ва муаммоли кредитларнинг олдини олади;

– банкнинг янги инновациялари билан ахолини таништириш лозим, шунда мижозлар оқими кўпаяди;

– омонатлар салмоғи кредитлар салмоғига нисбатан анча кам бўлгани учун банкларнинг ресурс базасини шакллантиришда инновацион ёндашган ҳолда активларни секърютизациялашни жорий этиш лозим.

Хуноса килиб шуни таъкидлаш мумкинки, инновацион банк хизмат турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш банкларнинг самарадорлигини янада оширишга ва хизматлар кўламини янада кенгайтиришга замин яратади. Банк тизимида инновацион фаолият турларини жорий этишдан асосий максад янги яратилаётган хизматларнинг таннархини минимумлаштиришдан иборат. Шу билан бир каторда молия хизматлар бозоридаги мавкеини мустаҳкамлаб, бозорни эгаллаш доирасини

янада кенгайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини юкори даражага кўтаришдан иборатdir.

3.2. Тижорат банкларининг актив операцияларини бошқаришда вужудга келадиган муаммолар ва уни бартараф этиш йўллари

Замонавий иктисадий адабиётларда, актив операцияларни бошқариш муаммоси билан шуғулланаётган кўпгина муаллифлар бошқариш усулларидан қайси бири энг яхшиси эканлиги ҳақида бир-бирлари билан баҳслашмоқда. Бу вактда эса банклар, у ёки бу муваффақият билан турлича методикалардан фойдаланмоқдалар, баъзан улар ўз усулларини ишлаб чикмоқдалар. Шуниси эътиборлики, банкнинг актив операцияларини бошқариш услуби самара бериши учун у банк фаолияти асосида танланishi ҳамда карор қабул қилиш учун кўп вакт сарфлашни талаб этмаслиги лозим.

Шу сабали, тижорат банки актив операцияларини бошқариш муаммоларини ўрганишда турли хил усулларнинг шахсий таҳлилини ўтказиши зарур. Бу қўйидаги учта омил асосида баҳоланади:

1. Банкнинг олдига қўйган мақсадларига эришиш қобилияти (лаёкати).

2. Банкнинг тўлов лаёқатини таъминлаш.

3. Хатар даражасини камайтириш (минималлаштириш).

Умумий фонд усулига келсак, бу ерда шуни таъкидлаш зарурки, ушбу усул банк раҳбариятига пул маблағини жойлаштириш варианtlарининг энг алътернативини беради. Шундай қилиб, банк ушбу усул ёрдамида ўз олдига қўйилган ҳар кандай мақсадни амалга ошириши мумкин. Бироқ агар актив операцияларни бошқаришнинг иккита бошка мезонларининг бажарилишида умумий фонд усулининг хусусиятларини таҳлил килсак, қувонарсиз қўриниш ҳосил бўлади (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Умумий фонд усулида актив операцияларини бошқариш мезонига қилиш⁸⁰

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк олдига кўйилган мақсадга эришиш кобилияти	Кенг
Тўлов лаёкатини таъминлаш	Имкони йўқ
Хатар даражасини камайтириш	Имкони йўқ

Юкоридаги жадвалдан биз умумий фонд усулидан фойдаланишда эришиладиган бошқариш мезони бўйича банк олдига кўйилган мақсадга эришиш имкониятини кенглигини кўришимиз мумкин. Бирок асосий омиллардан тўлов лаёкатини таъминлаш ва хатар даражасини камайтириш бўйича бу усулни тавсия эта олмаймиз.

Энди актив операцияларни таксимлаш усулини кўриб чикишга ўтамиз. Ушбу усул активлар структурасини пассивлар структурасига аник боғлашни таъминлайди, бу банкни актив операциялар ўtkазишда чегаралайди. Банк, масалан узок муддатли кредит бера олмайди, агар унда тенг қийматта эга бўлган узок муддатли пассивлар суммаси бўлмаса. Шундай килиб, банкни олдига кўйган мақсадига эришиш кобилияти уни пассивлари структураси билан чегараланганд, ҳамда шундай холат эҳтимоллики, у ёки бу актив операцияларни ўtkазиш учун пассивлар структурасини тўғирлашга тўғри келади 3.3-жадвал.

Ушбу усулни таҳлил этиш жараёнида шуни кайд этмаса бўлмайди, кўриб чиқилаётган усулимизнинг асосий устунлиги ликвид активлар улушини камайишига ва қўшимча мабалағни ссуда, ҳамда инвестицияларга кўйиш бўлади, бу ўз навбатида фойда нормасини ортишига олиб боради. Активларни таксимлаш усули тарафдорлари, фойда нормасини ортиши омонат ва муддатли пул кўйилмалари, ҳамда асосий капиталга карши турувчи ликвид активлар кўплигини бартараф этиш орқали эришишни таъкидлайдилар.

⁸⁰Муаллиф томонидан тузилган.

3.3-жадвал

Актив операцияларни тақсимлаш усулини қўллашда бошқариш мезонларига риоя қилиш⁸¹

Бошқариш мезони	Усульдан фойдаланиш
Банк олдига қўйилган мақсадга эришиш қобилияти	Пассивлар структураси билан чегараланган
Тўлов лаёқатини таъминлаш	«Касса» шунча, қанча «талааб килиб олиш» жалб этилган бўлса
Хатар даражасини минимизацияси	Имкони йўқ

Актив операцияларни бошқаришнинг балансланган усули умумий фонд ва тақсимлаш усулларини камчиликларидан кочиш учун белгилаб қўйилган. Ушбу усул, биринчидан, банк бошқарувчисига активлар портфелини шакллантиришда тўлик эркинлик беради, бу бўлим умумий фонд усулидан олинган. Активлар портфели ва пассивлар портфелидаги тўловлар муддатини балансланмаганлиги билан боғлик муаммолардан кочиш учун, муддатлар бўйича пассивлар портфели активлар портфели муддатига «келтирилади». Яъни, актив операцияларни тақсимлаш усулидаги ўша принцип қўлланилади, факат уни амалга ошириш механизми орка томонга «қайтарилган». Балансланган усулни қўллашда актив операцияларни бошқарув мезонларига риоя қилинишини 3.4-жадвал кўриб чиқамиз.

Шундай килиб, актив операцияларни бошқаришнинг иккита муаммоси ечилади, бирок бошқарувчига активлар портфелини шакллантиришда «сифатли» активларга эга бўлишни тавсия этиш билан «сифатли» усул тушунчасини таърифлаб бермайди. Актив операцияларни бошқаришни Балансланган усулини қўллашда банк актив операцияларни самарали бошқаришни охирги таркибий кисми – хатарни минимизациялаш ечимсиз қолмоқда.

⁸¹Муаллиф томонидан тузилган.

3.4-жадвал

Балансланган усулни қўллашда актив операцияларни бошқариш мезонларига риоя қилиш⁸²

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк томонидан кўйилган мақсадларга эришиш қобилияти	Юкори
Тўлов лаёқатини таъминланиши	Пассивлар структураси активлар структурасига «келтирилади»
Хатар даражасини минимизациялаш	Имкони йўқ

Шундай қилиб, юкорида кўриб чиккан, классик усуллар гурухига бирлаштирилган З та усулимиз кўп ёки кам муваффакият билан банк олдига кўйган мақсадларга эришиш ва уни тўлов лаёқатини таъминлаш муаммоларни ечиш имконини беради. Бирок улардан биронтаси ҳам актив операцияларни бошқаришда хатарни минимизациялаш муаммосини ечиш имконини бермайди. Бизнингча, айнан ушбу сабаблар актив операцияларни бошқариш бўйича мутахассисларни, банк учун хатарни энг хавфли туридан бири бўлган фоиз ставкани ўзгариш хавфи даражасини пасайтириш имконини берувчи иккита услубни (методикани) ишлаб чикишга ундади. Балансни бошқариш усули ва ўртача тўлов муддати усули, шубҳасиз, банк хатари даражасини пасайтириш имконини берадиган услуб бўлади.

Агар Балансни бошқариш усули ва тўловни ўртача муддати усулларини кўриб чикадиган бўлсақ, бирдан шу нарса аён бўладики, фоиз ставка ўзгариши хатарни минимизациялаш муаммосини ечимиға эришиш актив операцияларни самарали бошқариш мезонлари хисобига эришилган.

Банкнинг олдига кўйган мақсадига эришиш қобилияти нуктаи назаридан, ушбу методикалар банкнинг актив ва пассив операцияларига, уларни фоизли ставка ўзгариши бўйича сезувчанлиги ва тўловни ўртача муддати бўйича балансланганлиги нуктаи назаридан чекловлар кўяди (3.5-жадвалда кўриб чиқамиз).

⁸² Муаллиф томонидан тузилган.

**Балансни бошқариш усули ва тўловни ўртacha муддати
усулларини қўллашда актив операцияларни бошқариш
мезонларига риоя қилиш⁸³**

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк томонидан кўйилган максадларга эришиш қобилияти	Фоизли ставка ўзгариши хатаридан кутилиб қолиш учун активлар ва пассивларни мувозанатлаштириш зарурияти билан чегараланган
Тўлов лаёкатини таъминланиши	Имкони йўқ
Хатар даражасини минимизациялаш	Фоизли ставка ўзгариши хатари минимизацияланган

Кўриб чиқилаётган усулларимиз банкни тўлов лаёкатини таъминлаш соҳасида ҳеч қандай тавсиялар бермайди.

Шундай килиб, ушбу методикалардан тижорат банкининг актив операцияларини бошқаришни амалга оширишда мақбул усул сифатида кўллаб бўлмаслиги келиб чикмоқда. Буларнинг ҳаммаси эътиборимизни тижорат банкининг актив операцияларини самарали бошқариш талабларини бажаришда чора топиш умидида иқтисодий–математик усулга карашга мажбур киласди.

Бирор энг асосий муаммо шуки, чизиқли дастурлаш усули битта «ҳайдаш» тизимида факат битта ечим олиш имконини беради. Бу дегани, актив операцияларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда бир нечта альтернативни баҳолаш учун тенглаш тизимини альтернатив қанча бўлса, шунча марта санаб чикишга тўғри келади, бунинг устига тизимнинг кўпгина параметрларининг ахамиятини ўзгартиришга тўғри келади. Буни, шубҳасиз, бажарса бўлади, лекин вакт бўйича узок жараёндир, актив операцияларни бошқаришда қарор қабул қилиш молия бозоридаги вазиятни тезкор ўзгариши билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, узок муддатли бўла олмайди (3.6 –жадвал).

⁸³ Муаллиф томонидан тузиленган

3.6 -жадвал

Чизиқли ва динамик дастурларини кўллашда актив операцияларини бошқариш мезонларига амал қилиш⁸⁴

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк томонидан кўйилган максадларга эришиш кобилияти	Бор, лекин карор кабул қилиш учун вакт зарур
Тўлов лаёкатининг таъминланиши	Бутунлай амалга оширса бўлади
Хатар даражасини минимизациялаш	Амалга ошириш имконсиз

Динамик дастурлаш, чизиқли дастурлашдаги банк актив операцияларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун уни кўллашнинг имконларини чегараловчи барча камчиликларга эга. Йўқтисодий–математик усуслар гурухига кирувчи кейинги усул VAR методикасидир. VAR методикасини кўллашнинг тахлини 3.7-3.8-жадвалларida келтирамиз.

3.7-жадвал

VAR усулининг устунлик ва камчиликларининг қиёсий тахлили⁸⁵

Устунлиги	Камчилиги
<ul style="list-style-type: none"> -Актив ва пассивлар таркибини кўриб чиқища портфель ёндашувни кўллаш; -кутилаётган даромад хисоб-китоби аник бозор ставкаларига асосланган; -хатарга мойил даромад хажмини хисоб-китоби, аник молиявий инструментларни тарихий ўзгаришига асосланган; -VAR методикаси алоҳида молиявий инструментлар таннархини тартибга солища кўлланилади. - VAR усули алоҳида STOP-LOS ёки TAKE-PROFIT молиявий инструментларни хисоб-китоби учун кўллаши мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> - VAR усули йирик тарихий, хажми ва сонли операторлар бозори учун кўлланилади. Тарихий ўзгариши тахмини – келажак учун яхши мўлжал; -Валюта курсини бир-бирига боғликлigi доимий сифатда кўлланилади. -Даромадни чизиқли динамикаси ёки молиявий инструментини таннархи тахмин килинади. -Бир кун ичидаги савдо хатари хисобга олинмайди.

⁸⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

⁸⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

3.8-жадвал

VAR усулини күллашда актив операцияларни бошқариши мезонига амал қилиниши⁸⁶

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк томонидан күйилган мақсадларга эришиш қобилияти	Фақат мақсад бор-бу даромад
Түлов лаёкатини таъминланиши	Имкони йўқ
Хатар даражасини минимизациялаш.	Фақат хатарга мойил даромадни аниқлаш қисмida

Моделлаш-иктисодий –математик усулларни охирги тури, бизнингча у активлар портфелини самарали бошқаришни ошириш учун энг маъкул усул бўлади. Моделлаш усулини күллашда банк актив операцияларини бошқариш мезонларига амал қилиниши таҳлили 3.9-жадвалда келтирилган.

3.9-жадвал

Моделлашни күллашда актив операцияларни бошқариши мезонларига амал қилиш⁸⁷

Бошқариш мезони	Усулдан фойдаланиш
Банк томонидан күйилган мақсадларга эришиш қобилияти	Фақат мақсад бор-бу даромад
Түлов лаёкатини таъминланиши	Имкони йўқ
Хатар даражасини минимизациялаш	Фақат хатарга мойил даромадни аниқлаш қисмida

Мавжуд тижорат банкнинг актив операциялар портфелини бошқариш усулларини ўрганиш шуни берадики, улардан анча маъкули, тасодифий таъсирини кўриб чиқиш ва олдиндан режалаштирилган вазиятлар, шунингдек қабул қилинаётган ёки бошқа ечимлар натижасини баҳолаш имконини берувчи моделлаш бўлади (3.10-жадвал)

⁸⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

⁸⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

3.10-жадвал

Банкнинг актив операцияларини бошқариш усуllар бўйича тавсияномалар⁸⁸

Усул	Усуlни устуnlиги	Усуlни камчилиги
1. Классик усуllар		
Умумий фонди усули	Пул маблағини жойлаштиришни кенг алътернатив вариантиларини назарда тутади	Активлар хатарини баҳолаш бўйича хеч қандай тавсиялар бермайди
Таксимлаш усули	Ликвид маблағларни жалб этилган манбаларга бояликлигини ҳисобга олади, мос активлар ва пассивлар ўртасида аник бир муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради	Маблағ манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари ўртасида тобеъликни мавжудлиги
Балансланган усул	Аник сифат стандартларга жавоб берувчи даромадли активларга пул маблағларини жойлаштиришга мўлжалланган	Банк хатарини оптимизациялашга ёрдам бермайди
2. Фоизли ставка ўзгариши билан қурашиб учун яратилган усуllар		
Балансни бошқариш усули	Фоизли ставкалар ўзгаришига сезгир активларни ўзгариши бўйича тасияларни назарда тутади	Фоизли ставкалар ўзгаришига бўлмаган активларни ўзгариши бўйича хеч қандай тавсиялар бермайди.
Тўловни ўртacha муддатда тўлаш усули	Кутилаётган фоизли ўзгарища шахсий маблағни ортиши ёки қийматини саклаб	Даромадлилик кўрсаткичи ва жалб этилган қийматни кўрсаткичлари

⁸⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

	колишга йўналтирилган барча активларни тўловни ўртacha муддатда тўлаш максадага мувофик ўзгаришини назарда тутади	бўйича активлар турини фарқламайди, активларни структура таркибини ўзгариши бўйича тавсиялар бермайди
--	---	---

3. Иқтисодий –математик усуллар

Математик дастурлаш	Операцияларни даромадлиги каби ликвидлилиги муносабатида чекловларни хисобга олган ҳолда активлар ва пассивларни бошкаришни боғлайди	Активларни бошкариш бўйича карор кабул қилишда альтернативлар олиш имконини бермайди
VAR усули	Активлар структурасини кўриб чиқишига портфель ёндашувни кўллаш, аник бозор ставкаларини хисобга олиш. Айрим молиявий инструментлар таннархини тартибга солишда кўллаш мумкин.	Йирик хажмдаги бозорлар учун кўлланилади, валюта курсларини бир бирига боғлашда доимий сифатида кўлланилади, бир кун ичидаги савдо хатари хисобга олинмайди.
Активларни портфелини моделлаш	Тасодифий каби олдиндан режалаштирилган вазиятларни тъсирини кўриб чиқиш имконини беради.	Хисоб-китоб учун кўрсаткичлар танлови бир хил эмас, кўллашни кийинлаштиради.


4. Инновацион усуллар

Масофавий бошкариш	Виртуал банк операциялари мижозлар вактини тежаш имконини банклар учун эса ички	Банк хатарини камайтириш имконига эга бўламиз, чунки мижоз хакидаги
--------------------	---	---

	ахборотларни йигиши ва саклашда ва уларни такомиллаштириш орқали ички аудитнинг яратилиш имконини беради	маълумотлар базасига эга бўламиз.
Автоматлаштириш	Банк операцияларни автоматик тарзда бошқаришни амалга ошириш биргина кредит тўловини авто тўлов тизимида тўланишини жорий этиш вакт ҳамда молиявий муаммоларни ҳал килиш имконини беради.	Ушбу усул орқали банк хатарларини кисқартиш имконига эга бўламиз.
New Privat	Янги хизмат турларини кўламини кенгайтириб банк мижозларнинг молиявий маблағларини бошқариш имконини беради.	Ушбу усулнинг хатар даражаси банк учун йўқ лекин мижоз олдидаги маъсулияти юкори.

Юкоридаги жадвалдан келиб чиқиб, ушбу усулларнинг барчаси қайсиdir маънода самарали бўлиб, уларни банк томонидан тўғри стратегияни танланиши орқали актив операцияларни бошқариш имконига эга бўламиз. Биз ушбу усулларни кенгайтириш орқали актив операцияларни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга эришамиз.

Юкоридагилардан келиб чиқиб актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услуги шакллантирилди (3.4-расм).



3.4-расм. Актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услуги⁸⁹

Ушбу инновацион усулларни кай бири актив операцияларни бошқариштандыруға арналған түрлі тәсілдердің жиынтығынан тұжырымдайды. Оның негізгілерінде олардың көмекшілікке ие болып табылады. Болашағынан көбейген инновациялардың көмекшілікке ие болып табылады. Болашағынан көбейген инновациялардың көмекшілікке ие болып табылады.

Хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінкі, юқорида тижорат банкларининг актив операцияларни бошқариш стратегиясینи

⁸⁹ Муаллиф томонидан түзилған.

шакллантириши амалга оширишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинди. Актив операцияларни бошқаришда кўлланиб келинаётган турли хил бошқариш усуллари таҳлил қилиниб, таҳлил жараёнида ушбу усулларни қай даражада бошқариш мезонларига тўғри келиши баҳолаб берилди.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир тижорат банки ўз мулкчилик шаклидан келиб чиқсан ҳолда ва мижозларнинг таркиби ва бажарадиган операциялари турларидан келиб чиқиб, ўз усулини танлаши, ушбу усулни ички ва ташки омилларни тўғри баҳолаган ҳолда бошқариш тизимига ўзгартиришлар киритиб туриши лозим.

3.3. Тижорат банки актив операцияларини бошқаришнинг мамлакат иқтисодиётига ўзаро алокадорлигининг эконометрик таҳлили

Мамлакат иқтисодиётида банк тизимининг ривожланиши мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшиланиши ва фаоллашишига олиб келади. Бу борада А.Смит «... 17 асрда Шотландияда иқтисодий фаолликнинг фаоллашуви айнан банк тизимининг ривожланганлиги ҳамда банклар томонидан кенг кўламли банк хизматларини таклифининг роли катта»⁹⁰ деб таъкидлаган.


А.Смит фикридан кўриниб турибдики, мамлакатдаги ишбилармонлик мухитига банк тизими мухим аҳамият касб этади. А.Смит мактаби (классиклар мактаби) намоёндалари банк тизимини мамлакат ялпи ишлаб чиқаришининг ялпи таклифга таъсири орқали таҳлил килишади. Яъни, ривожланган банк тизими биринчидан, мамлакатда инфляцион жараёнини меъёрда сақланишини таъминлайди; иккинчидан эса баркарор инфляция шароитида банклар иқтисодий агентларнинг тасаруфидаги бўш турган маблағларни жамгармага жалб этиб самарали лойиҳаларга

⁹⁰ А.Смит. "Исследование о природе и причинах богатства народов". Под научной редакцией П.Н.Клюкина. ООО "Издательство "Эксмо". 2016.

йўналтириш орқали мамлакатдаги ялпи таклифни рағбатлантиришига олиб келади, деб таъкидлашади.

Кейнс мактаби намоёндалари эса ривожланган банк тизими ялпи талабни рағбатлантириди (яъни, истеъмолчиларга бериладиган кредитлар), талаб ошиши натижасида эса, эркин рақобат мухитида ҳар бир ишлаб чиқарувчи бозорни максимал эгаллаш мақсадида ўзининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, деб таъкидлаганлар.

Ўрганилган иқтисодий адабиётлар натижасида мамлакат банкнинг актив операциялари мамлакат иқтисодиётини ривожланишига қуйидаги тизим орқали таъсир кўрсатади, деб фараз киламиз. Мамлакат ялпи ишлаб чиқариш жараёни ўсиш жараёнига қуйидаги схема кўринишида таъсир кўрсатади, деб фараз киламиз (3.5-расм).



3.5-расм. Банкнинг актив операцияларини иқтисодий ўсишга таъсири⁹¹

3.5-расмдаги гипотезани текшириш учун Гренжернинг сабаб оқибат тестидан фойдаланамиз. Бу усулнинг ўзга хослиги эрксиз ўзгарувчини эркли ўзгарувчига боғлиқлиги йиллик лаг орқали вектор авторегрессион (VAR) модел орқали аникланади

⁹¹ Муаллиф томонидан тузилган

(1 тенглик). Сүнгра тузилган VAR моделни Фишшер мезони орқали боғлиқлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилади.

$$x_1(t) = \sum_{j=1}^p a_{11}(j)x_1(t-j) + \sum_{j=1}^p a_{12}(j)x_2(t-j) + E_1(t)$$

$$x_2(t) = \sum_{j=1}^p a_{21}(j)x_1(t-j) + \sum_{j=1}^p a_{22}(j)x_2(t-j) + E_2(t)$$

Бу ерда, p – олдинги кийматлар сони, $a_{ik}(j)$ регрессия коэффициенти, $E_1(t), E_2(t)$ прогноз хатоликлари.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибиди, депозитларни шаклланиши кредит операцияларига боғлиқ. Бундан ташкари, кўшилган киймат кредитга, иктисадий агентларнинг даромадлари кўшилган кийматга, ахоли даромадлари эса банк депозитларига боғлиқ (3.11-жадвал).

3.11-жадвал

Банк актив операциялари ялпи талаб ва ялпи таклифи ўртасида Гренжер сабаб-оқибат тести⁹²

Null Hypothesis:	Obs	F-Statistic	Prob.
Credit does not Granger Cause Asset	12	1.56848	0,2736
Asset does not Granger Cause Deposit	12	0.39376	0,6886
Deposit does not Granger Cause Consumption	12	0.86720	0,4608
Consumption does not Granger Cause VA	12	4.94723	0,1558
VA does not Granger Cause Credit	12	21.8222	0,241

Гренжер тести натижаларидан келиб чиқиб, 3.5-расмдаги ўзаро боғликларни регрессия моделларини тузсак омилларни

⁹² Муаллиф томонидан тузилган.

ўзгариши бошқа омилларни ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини микдорий баҳолаш имкониятига эга бўламиз. Бунинг учун биринчи навбатда иктисодий кўрсаткичлар ўртасида чизикли боғлиқлик қай даражадалигини баҳолаш учун кўрсаткичлар ўртасида корреляцион матрицасини тузишимиз керак бўлади.

Тузилган корреляцион матрица натижаларидан кўриниб турибдики, банк актив операциялари ва ялпи талаб ва ялпи таклиф омиллари билан кўп омилли регрессия тенгламасини тузиб бўлмайди, чунки регрессион моделда мултиколлениарлик холати кузатилади (барча омиллар ўртасидаги чизикли корреляцион боғлиқлик [0,86;0,99] оралиғида) ҳамда модел натижалари хатолигига олиб келади (3.11-жадвал). 3.5-расмда келтирилган ўзаро алокадорликни ифодалаш учун жуфт регрессия моделини тузиш имкони мавжуд. Бир нечта тузилган регрессия матрицаси орқали нейрон сетлари орқали бир омилнинг ўзгариши шу омил келажакда қанча бирлик билан ўзгаришига олиб келиши ҳакидаги хulosани олишимиз мумкин. Бунинг учун аввал регрессия моделларини тузиш керак бўлади.

3.12-жадвал

Банк актив операцияларини ялпи талаб ва ялпи таклиф кўрсаткичлари билан алокадорлик корреляцион матрицаси⁹³

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич тартиб раками				
		1.	2.	3.	4.	5.
1	Банк актив операциялари	1				
2	Банк кредит операциялари	0,98	1			
3	Ялпи кўшилган киймат	0,97	0,91	1		
4	Банк депозитлари	0,94	0,86	0,98	1	
5	Истеъмол	0,99	0,95	0,99	0,96	1

3.12-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, банк кредит операциялари ва актив операциялари ўртасида тузилган

⁹³ Муаллиф томонидан тузилган.

регрессия тенламаси баркарор кўринишга эга. Бундай хуносани детерминация коэффициентининг 0,95 га тенглиги, Фишер меъзонининг 261,0 тенглиги ва стюdent коэффициентининг 16,15 ва -3,75 га мос равиша тенглигидан кўриниб турибди. Шу билан бир қаторда, модель натижаларига кўра, барча омиллар ўзгармас бўлган шароитда банк актив операцияларини бир фоизга ўзгариши банк кредитларининг 0,68 фоизга ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари қўшилган қийматнинг (ялпи таклифни ифодалаш учун) банк кредитлари билан ўзаро алоқадорлик регрессия моделидан кўриниб турибдики, банк кредитларининг ўзгариши қўшилган қиймат ўзгаришига 82 фоизга таъсир кўрсатиб, колган 18 фоизи бошқа омиллар таъсири хисобига тўғри келади. Тузилган мазкур регрессион модельнинг баркарорлигини ифодаловчи меъзонлардан бири бўлган фишер меъзонининг юкорилиги тузилган модельнинг баркарорлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда модельнинг ўзгармас параметрлари баркарорлигини ифодаловчи стюdent мезони ҳам хисобланган модел параметрлари тўғрилигини кўрсатиб турибди, шу билан бир қаторда модельнинг натижаларидан кўриниб турибдики, банк кредитларининг 1 фоизга ўзгариши ялпи таклифнинг 6,19 фоизга ўзгариши олиб келади. Иқтисодий агентлар истеъмоли ва ялпи таклиф ўртасидаги тузилган модел натижаларидан кўриниб турибдики, ялпи таклифнинг бир фоизга ўзгариши ялпи талабнинг 0,4 фоизга ўзгаришига олиб келади. Тузилган мазкур модел эконометрик таҳлил натижаларига кўра тузилган модел тўлиқ талабларга жавоб беради. Банк депозитлари ва ялпи талаб ўртасида тузилган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, истеъмолнинг бир фоизга ўзгариши банк депозитларини 0,38 фоизга ўзгаришига олиб келади. Шу билан бир қаторда банк депозиларининг бир фоизга ўзгариши банк активларини 1,21 фоизга ўзгаришига олиб келади.

3.13-жадвал


Банк актив операциялари ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги регрессия тенгламалари⁹⁴

Регрессия тенгламалари	R^2	F^{stat}	t-стюдент	
			t_1	t_2
$credit = asset \cdot 0,68 + 401,5$	0,95	261,0	16,15	-3,75
$va = credit \cdot 6,19 + 8481,6$	0,82	54,9	7,40	2,87
$consumption = va \cdot 0,4 + 1203,5$	0,98	897,7	29,96	2,67
$deposit = consumption \cdot 0,38 - 1337,6$	0,92	154,4	12,42	-3,48
$asset = deposit \cdot 1,21 + 2325,2$	0,88	88,7	9,42	5,05

3.13-жадвал натижаларига кўра банк актив операцияларининг ўзгариши тузилган иктисодий муносабатлардан сўнг маълум вакт ўтгач банк актив операцияларининг ўзига кай даражада таъсир кўрсатиши таҳлил килиш учун нейрон моделидан фойдаланиш мақсадга мувофик. Бунинг учун ҳар бир иктисодий алокадорликни 3.13-жадвалда тузилган регрессия тенгламалари регрессия коэффициентидан фойдаланиб аникланади. Тузилган нейро модели натижаларидан кўриниб турибдики агар мамлакат иктисодиёти мазкур ривожланиш тенденциясига эга бўлса, банк актив операцияларини бир фоизга ўсиши бир йил давомида банк актив операцияларини 0,77 фоизга ўсишига олиб келади (3.6-расм).

Ҳар бир илмий янгиликдан мақсад мамлакатнинг иктисодий баркарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб, бунинг учун иктисодий тизимларни бошқариш стратегияларини такомиллаштириш хисобланади. Биз юкорида таъкидлаб ўтилган банк актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш мамлакатнинг иктисодий ўсишига таъсир кўрсатиш даражасини эконометрик таҳлиллар асосида кўрсатиб бердик. Бу учун банкнинг актив операцияларини тўғри бошқаришни йўлга кўйиш кераклиги бунда банкларга таклиф этилган инновацион бошқариш усуллари шу билан бирга активларни секьюритизациялашни жорий этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкинлигини исботлайди.

⁹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.



3.6-расм. Банк актив операцияларининг нейрон тизими модели⁹⁵

3.4. Тижорат банкларида активларни секърютизациялаш орқали бошқариш стратегиясини такомиллаштириши

Мамлакатимиз банк тизими ҳар йили юкори барқарор ўсиш суръатларга эришмоқда ва бу бўйича республика иқтисодий ўсишнинг юкори суръатлари таъминламоқда. Ушбу ўсиш суръатларини таъминлаш учун тижорат банкларида етарли захиралар мавжуд бўлиб, хусусан, ўз ва жалб этилаётган иаблағлар, яъни ресурслар базаси республика бўйича 23376 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ҳажмдан 15652 млрд. сўм ёки 67% кредит ресурслар сифатида ишлатилган. Бирок, юкоридаги натижалар билан кифояланмаслигимиз даркор. Чунки, бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари янада кўпроқ кредит маблағларини талаб этади, улар банк сармоясининг етарлилик меъёrlарига амал килмаслиги туфайли бир куни танкис бўлиб қолиши мумкин.

Банк сармояси етарлилигининг юкори ва ўта юкори иеъёрининг ўзи нима? У мураккаб формула ёрдамида

⁹⁵ Муаллиф ишланматлари асосида шакллантирилган.

ҳисобланади, аммо уни кўпол равища баҳолайдиган бўлсак – бу банк сармоясининг банк активига бўлган нисбатидир. 100 миллион сўмга тенг сармояга эга бўлган банк таҳминан 1000-1100 миллион сўмга тенг активларга эга бўлиши мумкин ва ушбу 1000 миллион тақсимланган маблағлардан фоиз олиши мумкин.

Шиддатли ривожланиши даврида банкларда кредит ресурсларнинг етишмаслик муаммосини келиб чиқиши мумкин. Бунга секьюритизациялаш (яъни қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан молиялаштириш) ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги йирик банклар даромадни ошириш ва хукуматларнинг ўз сармояни минимал даражада таъминлаш бўйича талабларини бажариш мақсадида ушбу усулдан фойдаланади.

«Активларни секьюритизациялаш» атамасининг пайдо бўлиш тарихига назар солсак, бу «Bank America issue» (Америка Банки эмиссияси) деб номланган битим билан бошланган. «Секьюритизациялаш» сўзи дастлаб 1977 йилдаги «Wall Street Journal»нинг «Кўчадаги миш-мишлар» рукнида пайдо бўлган. Битимни Salomon Brothers банки амалга оширган. Айнан мана шу атамани Salomon Brothersнинг ипотека департамент бошлиғи Льюис Раниери (Lewis S. Ranieri) Wall Street Journalнинг мухбири Анне Монро (Ann Monroe)га ипотека кредитлари бўйича талаблар хукукларини гаров билан таъминланган қимматли қоғозларни чиқаришга бағишланган мақолада фойдаланишни таклиф этган.

«Секьюритизациялаш» ўз нима, бунга назарий жихатдан иқтисодчи олимларнинг фикрларини таҳлил қиласиз.

Адабиётларда қўлланиладиган инглиз тилидан олинган «Securitisation» атамасининг транскрипцияси ўзининг дастлабки мазмунини саклаб қолди. Инглиз тили нуткаи назардан, «Securitisation» тушунчаси ўртасида якъол имловий алоқани таъкидлаш мумкин, яъни «Securitisation» атамаси секьюритизациялаш ва «Securities», яъни қимматли қоғозларни билдиради. Ушбу тушунчалар ўртасидаги имловий муносабатлар уларнинг мазмуни ўртасидаги алоқа мавжудлигини кўрсатади ва секьюритизациялаш иқтисодий ҳодиса эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

3.14-жадвал

Активларни секьюритизациялаш атамасига иқтисодчи олимларнинг илмий карашлари⁹⁶

Н.Александрова	«Активларни секьюритизациялаш – бу молиялаштиришнинг инновацион усули бўлиб, унда секьюритизациялашнинг ташаббускорида мавжуд бўлган муайян активларни ажратиш ва молия активларининг табакаллашган пакетига ўтказиш жаёни содир бўлиб, у ташаббускорнинг балансидан хисобдан чикарилади ва кейинчалик мазкур активлар билан таъминланган кимматли коғозларни чикарадиган янги маҳсус ташкил этилаётган ташкилотга берилади ҳамда уларни кенг инвесторлар доираси ўртасида таксимлайди» ⁹⁷ .
В. Усоскин	«хозирги йирик банклар даромадини ошириш ва хукуматларнинг ўз сармоясини минимал даражада таъминлаш бўйича талабларни бажариш мақсадида кўлланиб келинаётган усуллардан биридир»
Х. П. Бэр	Активларни секьюритизациялаш – бу молиялаштиришнинг инновацион техникаси бўлиб, унда молия активларининг табакаллашган пакети банк ёки бошка корхона балансидан чиқади, кимматли коғозларни чикариш орқали ҳалқаро сармоя бозори ёки пул бозорида қайта молиялаштиришни амалга оширадиган маҳсус ташкил этилган юридик шахсга бериш йўли билан юридик мустақилликка эга бўлади».
А.С.Селивановский	«Секьюритизациялаш облигация ёки бошка кимматли коғозларни чикариш орқали савдо килинадиган, ликвид шаклларини «ўзгартириш» йўли билан даромад келтирадиган компаниянинг у ёки бу активларини молиялаштириш ёки қайта молиялаштиришни ўзида намоён этади».

⁹⁶ Муалиф томонидан тузилган.

⁹⁷ Александрова Н. В. Понятие и виды секьюритизации активов // Финансы и кредит. – 2007. – № 5. – С. 27.

Ю. В. Туктаров	«Секьюритизациялаш фонд бозори ҳисобига шартнома пул талабларини самарали кайта молиялаштиришга имкон берувчи меъёрлар йигиндисини ўзида намоён этади. Пул талаблари эгасининг мақсади учун унга тегишли бўлган пул талабларини кайта молиялаштириш натижасида максимал нархни олишдан иборатdir. Шу нуқтаи назардан секьюритизациялаш бошқа кайта молиялаштириш усуллари билан ракобатлашади, шу жумладан факторинг, пул талабларини гаровга кўйган холда карз олиш ва бошқалар».
М.Бабичев, Ю.Бабичева, О.Трохова	«Банк кредитларини секьюритизациялаш деб банк берилган кредитни тўлаш муддати тугагунга кадар ўз балансидан чиқарган холда ушбу кредитни тўлиқ ёки кисман «сотади» ва асосий карз ва у бўйича хисобланадиган фоизларни олиш хукукини янги кредиторга (янги кредитор банк бўлиши шарт эмас) беради».
Л. Гаврилова	«Секьюритизациялаш – бу муайян активлар портфели билан таъминланган кимматли коғозларни чиқаришdir».
Н. В. Александрова	«Активларни секьюритизациялаш – бу секьюритизациялашнинг ташаббускорида бўлган муайян активларни ажратиш ва ташаббускор балансидан чиқарилаётган пул активларининг табакаллашган пакетига ўtkазиш ва мазкур активлар билан таъминланган кимматли коғозларни чиқарадиган ва кенг инвесторлар доираси ўртасида тақсимлайдиган янги маҳсус ташкил этилаётган ташкилотта сотиш жараёнини ўз ичига олади».
П. С. Роуз	«Секьюритизациялаш ноликвид қарзларни ликвид активларга айлантириш жараёнини англатади».
Л. Шварц	«Активларни секьюритизациялаш –ташкилотчининг бутун дебиторлик карздорлиги ёки унинг бир кисмини секьюритизациялаш ташкилотчига хос бўлган хатарлардан ажратиш йўли билан фонд бозорида киммат бўлмаган молиялаштиришни жалб этиш усулидир».

Секьюритизациялашнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллар қўйидагилардир:

- кредит бозорларига нисбатан қимматли қофозлар бозорида молия маблағларининг қиймати паст;
- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги;
- солик стандартлари ва банк фаолиятини тартибга солувчи стандартларнинг ўзгариб туриши

Банк активларини секьюритизациялашнинг асосий белгиларига қўйидагилар киради:

1. Битимнинг асосий мақсади молия активлари бўйича бўлажак пул оқимларини учинчи шахсга бериш.
2. Битимнинг асосини ташкил этувчи актив доимий ва прогноз килинадиган пул оқимини ҳосил қиласди.
3. Пул оқимлари учинчи шахслар олдида қимматли қофозлар кўринишидаги мажбуриятлар таъминоти ҳисобланади.

Ушбу усулни қўллаш натижасида кредит операцияларнинг ўзига хос «таксимоти» рўй беради: банк кредит беришнинг ташаббускори сифатида намоён бўлади (у кўпинча ссудалар бўйича хизмат кўрсатиш вазифаларини бажаришни давом эттиради), компания ва хусусий шахслар эса кредит шартномалар билан таъминланган қимматли қофозларни сотиб олади ва якуний инвесторларга айланади.


Секьюритизациялаш натижасида берилган қарзлар бўйича фоизларни ва қарзни олиш, кредитлар, кредит карточкалар бўйича шартномаларни, лизинг шартномаларни тузиш хуқуки кўчмас мулк (турар уй-жой) гаровга қўйилган «пакетлар» билан таъминланган қимматли қофозларни эгасига ўтади. Секьюритизациялаш ўта мураккаб жараённи ўзида намоён этиб, унда турли молиявий ва номолиявий иштирокчилар катнашади. Бу жараён қўйидаги боскичлардан иборат:

1. Банк-ташаббускор ўз мижозларига кредит беради.
2. Мустакил бошқарув (ёки траст) компания банқдан ушбу кредитлар бўйича дебиторлик қарзларни сотиб олади ва улар бўйича қимматли қофозларни чиқаради. Сўнг ушбу қимматли қофозларни инвесторлар ўртасида таъсилайди.

3. Инвестор кимматли қоғозни сотиб олади ва шу билан фоизларни олиш ва муддати тугаган чөңда сотиб олинган кимматли қоғозларнинг умумий кийматини қайтариб олиш хукуқига эга бўлади.

4. Банкдан қарз олганлар қарз бўйича фоизларни ва асосий карзни қайтариб бериш учун маблағ қўшади.

5. Қарз олувчиликдан тушган пул маблаглари илгари банкдан кредитлар бўйича қарзларни сотиб олган инвестицион компанияга ўтказиб берилади. Ушбу маблағлар кимматли қоғозлар бўйича купонларни тўлаб бериш ҳамда муддати бўйича тўлаб беришга тақдим этилган кимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирилади. Натижада банк-ташаббускор мижозларга тақдим этилган ссудаларни ўз балансидан ечади, аммо одатда, тўловларни ва ссудалар бўйича фоизларни касса килиб битимни амалга оширишни давом этади.



3.6-расм. Активларни секьюритизациялаш⁹⁸.

Анъанавий секьюритизациялашнинг асосий вазифаси янада арzon ва узок муддатли ресурсларни олишдан иборат, синтетик

⁹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

секьюритизациялашнинг мақсади эса кредит хатарларини хеджирлашдан иборат.

Х.П.Бэр төр маънода активларни секьюритизациялашга куйидаги таърифни беради: – «молиялаштиришнинг инновацион техникаси; секьюритизациялашга қаратилган умумий тенденция доирасидаги махсус шакли; асосий ғоя: молия активларини корхона баланси хисобидан чиқариш ва уларни кимматли коғозларни халкаро бозор ва сармоялар бозорига чиқариш орқали қайта молиялаштириш».⁹⁹

Банк активларини секьюритизациялаш кўп режали тавсифдаги инновация сифатида тавсифлаш мумкин, чунки у туфайли банк соҳасида қуйидагиларга эришилади:

- инвестицион кредитлаш мақсадлари учун узок муддатли ресурслар базасини шакллантириш;
- кредитларни секьюритизациялашган ҳолда «сотиш» хисобига кредит портфелини оператив тарзда тартибга солиш ва бошқариш;
- кредит берувчи ташкилотлар кредитларга танқислик сезаётган пайтида ликвидлиликни таъминлайди (агар бошқа молиялаштириш ва қайта молиялаштириш манбалари чекланган бўлса);
 - банк портфелини оптималлаштириш (банк активлари ва пассивларини биргаликда бошқариш хисобига);
 - банк хатарларини қайта тақсимлаш ва камайтириш, шу жумладан махсус ҳосил бўлган молия дастакларидан фойдаланиш йўли билан;
- сармоянинг фойдалилиги ва етарлилиги бўйича норматив ва стандартларнинг бажарилиши, чунки секьюритизациялашадиган активларнинг сотилиши барча тенг бўлган шароитда хатарлар даражасини хисобга олган ҳолда сармоянинг хақиқий кўрсаткичи ошади.

Юқоридагиларни хисобга олиб, шуни таъкидлаш керакки, секьюритизациялаш – бу банк фаолияти самарадорлигини оширишга ва унинг хатарини пасайтиришга кўмаклашувчи

⁹⁹ Бэр Х. П. Секьюритизация активов / Х. Н. Бэр. – М. : Волтерс Клювер, 2006. – 624 с.

максус молия дастакларидан фойдаланиш асосида банк активларини оптималлаштириш жараёнидир.

Секьюритизациялаш асосида тижорат банклар томонидан кайта молиялаштириш тартибида чиқарилаётган секьюритизациялашган қимматли қоғозларни харид килувчи инвесторлар учун афзаллик томони шуки, улар ушбу қимматли қоғозлар ликвид инвестицияларни амалга оширади. Ушбу маблағлар активлар билан таъминланган рейтинг қимматли қоғозларга таққосланадиган рейтингдаги давлат ва корпоратив облигацияларига нисбатан янада юкори даромад билан киритилади. Умуман ҳар қандай давлатнинг миллий иқтисодиёти учун сифати юкори бўлган, секьюритизациялашган деб ном олган қимматли қоғозларнинг пайдо бўлиши туфайли секьюритизациялаш сармоя бозорининг ривожланишига кўмаклашади.

Секьюритизациялашган қимматли қоғозларнинг турлари орасида ипотека («MBS») билан таъминланган қимматли қоғозлар кенг тарқалган. Европа ва АҚШдаги секьюритизациялашган қимматли қоғозлар бозорида уларнинг улуши жами 70% дан ошади. MBS кўчмас мулк (туарар-жой ва тижорат кўчмас мулки) бозорларида ресурсларни жалб қилиш бўйича бошқа усулларга нисбатан харажатларни камайтирган ҳолда хусусий сармоянинг катта қисмини жалб қилишга имкон беради.

Иккинчи ўринда ABS – ипотека бўйича карз маблағлари хисобланмайдиган активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар туради. Уларнинг улушкига Европа ва АҚШдаги секьюритизациялашган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмидан 18% тўғри келади. Standard&Poor's рейтинг агентлигининг глоссарийсига кўра «ABS» банк ёки бошқа кредит ташкилотлари билан яртилган одатда олдиндан билиш мумкин бўлган пул маблағлари оқимларини тўпланувчи активлар пакети билан таъминланган облигация ёки бошқа қимматли қоғозларни ўзида намоён этади.

Мазкур активларнинг мисоли сифатида кредит карточкалар бўйича киримлар, савдо битимлари бўйича киримлар ёки автомобилни харид қилиш учун тўловлар хизмат қилиши мумкин. Мазкур активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар

секьюритизациялашнинг анъанавий турига киради. Бундай мажбуриятлар қарз маблағлари (MBS) пакетлар билан таъминловчи қимматли қоғозларга жуда ўхшаш, фарқи шундаки, уларнинг муомала қилиш муддати янада киска ва улар шахсий мол-мулк (кўчмас мол-мулкдан ташқари) шартномалари билан таъминланади. Ушбу қимматли қоғозлар турига бир вактнинг ўзида юкори ишончлилиги ва даромадлилиги хосдир, бу эса уларнинг инвесторлар учун жозибадорлигини таъминлади.

Россияда янги истиқболли молиявий дастакнинг ривожланиши, яъни банк активларини секьюритизациялаш жараёни 2004 йилда бошланган. Илк бор банк активларини секьюритизациялаш бўйича ишларни Россбанк амалга ошириб, унинг ҳажми 1475 млн. АҚШ долларни ташкил этган. 2004-2007 йиллар даврида Россияда секьюритизациялаш бўйича битимлар 11 млрд. АҚШ долл.га тенг микдорда амалга оширилган. Бу банк активларини секьюритизациялаш жараёни ривожланиши соҳасидаги муайян тараққиётга эришилганлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, Россияда, худди чет эл мамлакатлари каби секьюритизациялашнинг анъанавий обьекти ипотека ва истеъмол кредитлари хисобланади. Буни кўп ўхшаш тавсилотлари, гул окимини оддиндан била олиш даражаси юкорилиги ва кредит бўйича хатарни баҳолаш жараёнини сезиларли даражада соддалаштирадиган кредит скорингдан кенг фойдаланиш билан изохлаш мумкин¹⁰⁰.

Сармоялар бозори ривожланган давлатларда активларни секьюритизациялаш механизми кенг қулоч ёйди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, бозорни секьюритизациялаш жараёни ипотека ва истеъмол кредитлари пайдо бўлган даврда бошлаган.

¹⁰⁰ ASIFMA-ICMA. Guide on Repo in Asia. Securitisation Data Report. August, 2015 // Asia Securities Industry & Financial Markets Association (ASIFMA) [Website]. URL: www.asifma.org (03.06.2015); Securitisation Data Report // Association for Financial Markets in Europe (AFME) [Website]. URL: www.afme.eu (03.06.2015); Securitisation Data Report // Securities Industry and Financial Markets Association (SIFMA) [Website]. URL: <http://www.sifma.org/> (03.06.2015).

Мамлакатимизда мазкур жараён хали етарли даражада ривожланмаган. Уни шакллантириш учун бир вақтнинг ўзида иккита жараённи амалга ошириш талаб этилади: конунчилик базасини такомиллаштириш ва қулай шароитларни яратиш. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда қимматли қоғозларни ва молия бозори тұғрисидаги бир қатор амалдаги конунларга тегишли құшимчалар киритган ҳолда активларни секьюритизациялаш тұғрисидаги маҳсус қонунни ишлаб чиқши үзгәртүп, қилиши долгарб ҳисобланади. Жумладан, молия активлар турлари рўйхатини янада кенгайтириш ҳамда секьюритизациялашда қўлланилиши мумкин бўлган хукукий талаблар доираси бўйича масалалар қонуний ечимини кутмокда.

Секьюритизациялашда чикарилаётган қимматли қоғозлар эмитентларига кўйиладиган қўшимча талабларни ўрнатиш, қимматли қоғозларнинг кредит сифатини ошириш лозим. Секьюритизациялаш бўйича миллий бозорнинг шаклланиши ипотека қимматли қоғозларига йирик институционал инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда секьюритизациялаш бозори инфратузилмасининг ривожланиши, шу жумладан янги институтларнинг шаклланиши имкониятларини таъминлашга кўмаклашади. Хукумат, Марказий банк, қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозори мамлакатимизни иктисадий ривожлантиришни молиялаштиришни амалга оширишда инвесторлар ва кредиторлар учун қулай шароитларни шакллантиришда ҳамда Ўзбекистонда секьюритизациялаш ва ички инвестицион базани ривожлантириш бўйича қонуний таъминотни ишлаб чиқиш соҳасида кучларни бирлаштириши лозим.

Мамлакат иктисадиёти учун афзаллик томонлари:

- барча молия сектори бўйича хатарлар янада самарали таксимланади;
- жамғармалар сафарабар килинади: асосий траншлар ойдинлашади ва шаффофлашади, бу эса портфел менежерлари, пенсия жамғармалари ва бозордаги бошқа институционал ўйинчилари учун инвестиция киритиш пайтида хатарлар камаяди дегани;

– кредит маҳсулотнинг якуний харидори учун кредитлар давомийлиги арzonлашади ва кўпаяди;

– ривожланаётган бозорлар учун секьюритизациялаш жараёни базис ҳисобланган молия дастаклари – давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорини шаклланишининг мантикий давоми бўлиши мумкин.

Активларни секьюритизациялаш узок муддатли кредитлаш, хатарларнинг даражаси паст ва пул оқимларини олдиндан била олиш даражаси юкори ҳамда давлат ипотекани ривожлантиришга манфаатдор эканлиги туфайли уй-жойни сотиб олиш кредитлар секьюритизациялаш учун муккамал активлар сифатида хизмат килган ва ҳозирги пайтда ҳам хизмат килмокда. Ипотека кредитлардан кейин энг машхур активлардан бири автокредитлар ва пластик карточкалар бўйича карздорлиги ҳисобланади.

Ушбу жараёнда қилиниши лозим бўлган ишлар нимадан иборат?

1.»Секьюритизация тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш. Унинг ҳолатлари банклардан қимматли қоғозларни чиқариш эвазига кредитлар пакетини сотиб оладиган банклар, траст ёки бошқарув компанияларига амал қилиши лозим. Бу ҳужжатда инвесторларнинг хукукларини химоя қилиш ҳам акс этиши лозим.

2.Қимматли қоғозларнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида Молия вазирлиги билан бирга чиқариш мақсадга мувофиқдир.

3.Мазкур қонунинг амал қилишини татбик этиш ва якуний инвесторлар хатарини олдини олиш мақсадида давлат мақсадли дастурлар бўйича қабул қилинган ва тасдиқланган инвестицион лойихаларни моиялаштиришдан бошлаш лозим. Бундай кредитлар ҳар қандай ҳолатда ҳам муаммоли ва ишончсиз бўлмайди.

4.Шу билан бир каторда бундай ҳолатда ҳам тижорат банклар, ҳам SPV компаниялар учун бошланиш даврида муайян солик имтиёзларини жорий этишлари керак бўлади.

5.Бундай облигациялар бўйича купон тўловлари секьюритизациялашадиган кредитлар бўйича кредит фоизларидан кам,

айрим ҳолларда эса юкори даражада ва қўйилмалар бўйича айни дамдаги энг юкори фоиз ставкасига қаратилган бўлиши лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, хар бир тижорат банки депозит базани шакллантирганда хозирги кунда Марказий банкга Мажбурий захиралар жамғармаси учун 1/8 ресурсларни беришга мажбур, бу эса банк учун ресурсларнинг киймати янада ошишига олиб келади.

Айни дамда кредит фоизлари, депозит ва қўйилмаларга нисбатан юкори бўлиши Ўзбекистон фонд бозорига даромадни оширишга имкон яратиб беради.

Назаримизда, кейинчалик тижорат банклари мазкур масала бўйича муайян тажриба орттириб, сотиш учун кредитлар пакетини секьюритизациялаш шарти билан шакллантиришга манфаатдор бўлади.

Юкоридагиларни хисобга олган ҳолда ҳамда тадқиқ этилган маълумотларга таянган ҳолда секьюритизациялашга куйидаги қатъий белгилар хосдир:

- секьюритизациялаш учун алоҳида активлар олдиндан прогноз қилиниши ва аникланиши мумкин бўлган пул оқимларини шакллантириши лозим;

- ушбу активлар компаниянинг қолган активларидан ҳам иқтисодий, ҳам юридик нуткан назардан ажарилиш имкониятига эга бўлиши лозим;

- карз қимматли қофозларни чиқариш бир хил активлар билан таъминланган;

- номи келтирилган қимматли қофозлар фонд бозорида эркин муомалада бўлиши лозим;

- қимматли қофозларнинг эмитенти бунинг учун маҳсус ташкил этилган компания ёки ташаббускор бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъект маблағларни янги муносабаларни амалга оширишга, шу жумладан акивлар ва қимматли қофозлар бўйича фоизлар ўртасидаги фарқи шаклидаги қўшимча фойда олишга йўналтириши мумкин, бу эса маблағларнинг тез айланишига кўмаклашади.

Секьюритизациялаш жуда мураккаб ва қиммат турадиган, аммо юкори самарали молиявий механизм хисобланади. Бунда

секьюритизациялашнинг самарадорлиги авваломбор паст ликвидли пул талабларининг активлар фонд бозоридаги юқори ликвидли воситаларига айланиши ҳисобига эришилади.

Шуни таъкидлаш керакки, секьюритизациялашнинг самараси кенг миқёсли макроиктисодий тавсифга эга, чунки тартибга солинган секьюритизация бозори:

Активлар билан таъминланган қимматли қоғозларга пул маблағларини киритилаётган пенсия, суғурта жамғармалари ва бошқа инвесторларнинг маблағларни сафарбар қилиш йўли билан иқтисодиётга молиявий ресурсларни тўплаш, бутун молия сектори бўйича хатарларни таксимлаш самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Шундай килиб, мультиплікатордан секьюритизациялашгача ўтиш самараси рўй беради. Шу боис аксарият ривожланган давлатлар учун молиявий активларини секьюритизациялаш иқтисодий ўсишнинг «харакатланувчи кучи»га айланиб улгурган. Секьюритизациялаш ёрдамида активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар кўринишида жалб қилинган катта ҳажмдаги маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилиши ва мамлакат иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

Юқоридаги натижаларга эришишда, банк тизимини янада ислоҳ этиш ва баркарорлигини таъминлашда актив операцияларини бошқаришнинг оптимал стратегиясини шакллантириш мухим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга даромад келтирмайдиган ва балансдан ташқари активлар ҳажмини қискартириш лозим бунинг учун актив операцияларни самарали бошқаришнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиши лозим.

Актив операцияларни бошқариш тизими мураккаб ва кўп киррали бўлиб, банк раҳбарияти бир вақтнинг ўзида расмий ҳамда норасмий муаммоларни ечишига тўғри келади ва шу билан бирга актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси томонидан стратегик режани бажаришни мониторинги киради.

Актив операцияларни бошқаришнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиши учун тизим иштирокчилари күйдаги асосий вазифаларни ечиши мақсаддага мувофикдир (3.8-расм).

-молиявий бозорни таҳлил қилган холда банк бўлимларининг мақсадли мўлжални аниклаш ва ресурсларни тақсимлаш;

-маблағлар харакати ҳакида маълумотни тўгланаш ва таҳлил килиш;

-маблағлар харакати бўйича олдиндан режа тузиш;

-молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича режали вазифаларни шакллантириш;

-активлар ва пассивларни оптимал тузилишини аниклаш;

-банк портфелининг параметрларини хисоб-китоби;

-ташки ва ички омилларни аниклаш ва уларни пул оқими харакатига тасдири .

3.8-расм. Актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг харакат дастури¹⁰¹

Барча боскичларни кетма-кет бажарилиши актив операцияларни бошқаришнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқишига ёрдам беради. Шуни англаш зарурки, фаолиятни самара-дорлигини янада ошириш учун тижорат банклари актив ва пассивларни бошқаришни мукаммаллаштиришни, ички ва ташки омилларни тасдирини баҳолаш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, молиявий таҳлил хизматини яхшилаш ва оптималлаштиришни ташкил килиши зарурдир.

III боб бўйича хуносалар

1. Тижорат банкларида банк ходимлари ва мижозлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасида банк тизимидағи

¹⁰¹ Муаллиф томонидан тузилган.

муаммоларни ўрганиш имконига эга бўлдик. Нафакат назарий ва статистик тахлиллар балки амалиётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш асосида банк ходимлари ва мижозлари таклифлари бўйича инновацион бошқариш усуллари шакиллантирилди.

2. Банкнинг актив операцияларини бошқариш усуллар бўйича тавсиянома ишлаб чиқилди. Ушбу тавсияномада актив операцияларни бошқариш усулларини устунлик ва кмчилик жихатлари ёритиб берилган. Тижорат банклари тавсиянома асосида қайси усулдан қандай ҳолатларда фойдаланиш лозимлигини ва бу қандай натижа беришини билишлари мумкин.

3. Актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услуги ишлаб чиқилиб унда инновацион усуллар актив операцияларни бошқаришга йўналтирилган бўлиб, у орқали банк яна қўшимча даромад олиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга мижозларни жалб килиш банклараро ракобат мухитини яхшилашни амалга оширади.

4. Банкнинг актив операцияларини иқтисодий ўсишга таъсири гепотизасини аниқлаш асосида банк актив операцияларини нейрон тизими модели шакллантирилди. Нейрон тизими модели банкнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш бутун иқтисодиётни ўсишга ижобий таъсир кўрсатишини яна бир бор исботлаб берди.

5. Тижорат банкларида активларни секьюритизациялашни амалга ошириш бўйича хориж тажрибасини ўрганган холда мамлакатимиздаги мавжуд банкларга қўллаш таклиф килинди. Активларни секьюритизашиялаш орқали тижорат банклари қўшимча ресурсга эга бўладилар, давлат дастури асосида берилган кредит маблағлари негизида амалга оширилиши эса банкларга қўшимча даромад келтиради.

ХУЛОСА

1. Тижорат банклари активларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш доирасида банкларнинг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, банк акциядорлари, хусусан, йирик мижозлар томонидан банкни бошқаришда рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, банк тизимида янги меъёрий хужожатларни жорий этишда стратегик режалаштириш усулларидан фойдаланиш ва бу орқали банкнинг риск дараҷасидан химоялаш мақсадга мувофиқ хисобланади.

2. Фикримизча, банкларнинг актив операцияларини даромадлилигига қараб бошқариш, биринчидан, банк даромадини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул килиш;

иккинчидан, банкнинг жами актив операциялари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикиш;

учинчидан, банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бунда асосий эътиборни кимматли қоғозлар билан операцияларга қаратиш;

тўртингчидан, республикада худудий хусусиятларни хисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри таксимлаш каби қатор муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

3. Банк ходимлари ва мижозлар фикрини ўрганган ҳолда мижозларни банкка жалб этишда инновацион хизмат турларини янада кенгрөқ жорий этиш, мижозларнинг вактини тежаш мақсадида банкларда кенг микёсда барча хужжатлаштириш ишлари бўйича он-лайн режимга ўтиш чораларини кўриш, аввало ахоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини оширади. Колаверса, банкларга мижозларни жалб этиш самарадорлигини оширади. Банк ходимлари ва мижозларининг таклифларни ўрганган ҳолда қуйидаги хуласалар шакиллантирилди:

-банк мижозларини банкка жалб қилишда инновацион хизматларни кўпайтириш;

-мижозларнинг вақтини тежаща банд онлайн тизимини жорий этиш оркали барча хужжатлаштириш, кўл кўйиш бўйича масалаларни ечимини топиш лозим. Чунки банкнинг асосий мижозлари ахолининг иш билан банд бўлган катлами бўлиб улар банкларда ўзларининг қимматли вақтларини навбат кутиш хужжатлаштириш жараёнларига сарф килмоқдалар;

- кредитларни қайтарилишида авто тўлов тизимини жорий этиш мижозларнинг хисоб ракамларидан кредит фоизларини ундирилишини автоматик тарзда бажариш имконини беради ва муаммоли кредитларнинг олдини олади;

- банкнинг янги инновациялари билан ахолини оммавий ахборот воситалари оркали таништириш лозим шунда мижозлар оқими кўпаяди;

-омонатлар салмоғи кредитлар салмоғига нисбатан анча кам бўлгани учун банкларнинг ресурс базасини шакиллантиришда инновацион ёндошган ҳолда активларни секьюритизациялашни жорий этиш лозим.

4. Кредитларни қайтарилишида автотўлов тизимини жорий этиш асосида мижозларнинг хисоб ракамларидан кредит фоизлари ундирилишини автоматик тарзда бажарилишини йўлга кўйиш лозим. Бу, ўз навбатида, муаммоли кредитлар юзага келишининг олдини олиш имконини беради.

5. Активларни секьюритизациялашни кўллашда, аввало, «Активларни секьюритизациялаш тўғрисида»ги қонунни қабул килиш, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини кенгрок ёритиш ва ресурслар жалб этиш жозибадорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоклари оркали ахолига активларни секьюритизациялаш амалиётини тарғиб килиш, секьюритизациялаш амалиётини муваффакиятли йўлга кўйилиши хамда инвесторлар хатарини олдини олиш мақсадида даставвал секьюритизациялашни давлат мақсадли дастурлари бўйича қабул килинган ва тасдиқланган инвестицион лойихалар асосида берилган кредитлар таъминотида эмиссия килинган облигациялардан бошлиш лозим. Чунки, давлат мақсадли дастурлари бўйича қабул қилинган ва тасдиқланган инвестицион лойихалар асосида берилган кредитларнинг рисклилик даражаси

паст бўлади. Секьюритизациялашни самарали амалга ошириш тижорат банкларига бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган ресурс муаммосини ижобий ҳал этишга олиб келади.

6. Актив операцияларни бошқаришга инновацион усулларнинг турли йўлларини жорий этиш мақсадга мувофик. Биз таклиф этаётган усуллардан бири New Privat бўлиб, у орқали банк тизимиға замонавий хизмат турлари киритилади. Бу эса мижозларни жалб этиш ва банк даромадларининг кўпайиш омили хисобланади. Ушбу тизим асосан йирик мижозларни жалб этиш мақсадида жорий этилади. Банклар йирик мижозларнинг маблағларини бошқаришда молиявий кўмакчи вазифасини бажаради ва у орқали фойда олиш имконига эга бўлади.

Ушбу тизимни икки турга ажратдик:

1. Соғ иқтисодий даромад, бунда мижознинг маблағларини турли хил лойҳаларга йўналтириш орқали банк ҳамда мижоз фойда кўриши назарда тутилади.

2. Ижтимоий хизмат кўрсатишда мижоз ва унинг оиласи муаммоларини қамраб олади, бунда банк мижоздан хизматлар пакетига караб фоиз олиши кўзда тутилган. Мижоз эса банкка ишонган ҳолда ўз ижтимоий муаммоларини конуний тарзда банкка топшириши мумкин. Бундан ташкири, масофадан бошқариш ва автоматлаштиришни йўлга кўйиш орқали банк даромадини ошириш имконига эга бўламиз.

7. Актив ва пассивларни бошқариш кўмитасининг ҳаракат дастурининг кетма-кет бажаилиши актив операцияларни бошқаришнинг оптималь стратегиясини ишлаб чиқишига ёрдам беради. Шу билан бирга банк фаолиятининг самараадорлигини янада ошириш учун тижорат банклари актив ва пассивларни бошқаришни мукаммаллаштиришни, ички ва ташқи омилларнинг таъсирини баҳолаш, мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, молиявий таҳлил хизматини яхшилаш ва оптималлаштиришни ташкил қилиши зарурдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни – Тошкент: Ўзбекистон. 1995 йил 21 декабрь

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996 йил 25 апрель

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон. 2002 йил 5 апрель

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-4487-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2019.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 6 майидаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПК-2344-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2016.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2012.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган холда хисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2777-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида накд пулсиз хисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун кулагай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2751-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамоилили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2412-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ килиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда ўюкори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон

Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. - №48. – 4-6-б.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-726-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2007.

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 6 июлдаги 258-сон «Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг ўрнатиш тўғрисида»ги Қарори. Тошкент 2000 й.

17.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й., 33-бет.

18.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013., 7-б.

19.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Узбекистон, 2009, 4-б.

20.Синки Дж.Управление коммерческими банками.Перевод с анг.-М.:Cattalaxy.1994.;

21.Роуз Питер С.Банковский менеджмент. Пер.с англ. Со2-го изд.-М.:«Дело Лтд»,1995.-768 с.;

22.Лаврушин О.И.Банковское дело:Учебник 2-е изд перераб и доп.-Москва.:Финансы и статистика,2005.-672с.;

23.Колесников В.И.,Кроливецкой Л.П. Банковское дело.-Москва.:Финансы и статистика,2001.-480с.;

24.Роджер Клайссенс, ФилиппеВертц. Управление филиалами коммерческого банка: Пер. сангл. Цариковой Н.В.Т.,2007.-164с.;

25.Усоскин В.М.Современные коммерческий банк - М.:ИПЦ «Вазар-Ферро»,1994.;

26.Управление активами и пассивами банка:практ.пособие/ А.Е.Кулаков.-М.:Издательская группа«БДЦ-пресс»,2004.-256с.

- 27.Абдуллаева Ш.З.Банк рисклари ва кредитлаш.-Т.:Молия.2002-304 б.;
- 28.Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш, Тошкент «Иқтисод-Молия» 2010.-292б.;
- 29.Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги.Номзодлик диссертацияси автореферати.-Т.:2002.;
- 30.Рахматов Х.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк менежментида активларни бошқариш механизмини такомиллаштириш.-Т.:2011.;
- 31.Жиянова Н.Э.Тижорат банклари актив ва пассивларини самарали бошқариш йўналишлари.-Т.:2010.
- 32.О.Ю.Рашидов «Пул, кредит ва банклар»,2011.320 бет.
- 33.Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб.пособие/ Вешкин Ю.Г.,Авагян Г.Л.-:Магистр,2007.-350с.
- 34.Основы банковского дела: учебное пособие,под ред. О.И.Лаврушина.-М.:Кнорус.2008.-384с.
- 35.Собиржонова Д., Сулаймонова Б. Менеджмент. Ўкув кўлланма.-Т.: Иқтисод ва молия,-2008.212- б.
- 36.Тавасиев А.М. Банковский менеджмент// Деньги и кредит, 2009 г.№3- 61с.
- 37.Суская Е.П.Управление ссудными операциями как составная часть банковского менеджмента//Деньги и кредит, 2008 г. №4-с.36
- 38.Банковский менеджмент: учебник. под ред. Е.Ф. Жукова. Юнити-Дана 2012 г. 319с.
- 39.Ричард Дафт. Менеджмент. Учебник 2012 г.
- 40.Ваҳобов А, Ортиқов О.Банк хизматлари мажмуининг сифат кўрсаткичи. // Бозор, пул ва кредит. 2006й. №12,9-10-б.
- 41.Додобаев Ю.Т.,Кучаров А.С., Мирзаҳмедова Н.С. Менеджмент и маркетинг в банках. Учебное пособие.Ташкент 2002 г.
- 42.Файзиев Т. ва бошқалар. Банк менежменти. Касб-хунар коллеклари учун ўкув кўлланма (3-нашри).Т.: «Илм-зиё»,2014.-224б.

43. П.В.Журавлев, С.А.Карташов, Н.К.Маусов, Ю.Г.Одегов. Персонал. Словар понятий и определений-М.: «Экзамен»,1999.- 512с.
44. Э.Ф.Набиев Замонавий менежмент назарияси ва амалиёти. Т.,Академия ,2006,252 б.
- 45.Спивак В.А. Управление персоналом. Учебное пособие. - М.: Эксмо, 2010. - 226 с.
- 46.Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб.пособие/ Вешкин Ю.Г.,Авагян Г.Л.-:Магистр,2007.- 350с.
- 47.Абдуллаева Ш.З. Банк иши.-ТМИ. 2003 йил, 196 бет.
- 48.Пул, кредит ва банклар. Дарслик/ А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. Солиқ академияси, Тошкент молия институти.-Т.: «Йқтисод –Молия» 2012.-324 б.
- 49.Печникова А.В.,Маркова О.М.,Стородубцева Е.Б.Банковские операции: Учебник. - М.: ФОРУМ:ИНФРА-М,2005.- 368с.
- 50.Банк менежменти ва маркетинги. Ўкув кўлланма. О.А.Ортиқов, И.Я.Куллиев, Тошкент молия институти, 2015, 208 бет.
- 51.Друкер П.Ф.Эффективное управление.М.,Гранд,2001
- 52.Веснин В.Р. Основы менеджмента : учебник / В. Р. Веснин. -М. : Проспект, 2014. 320 с
- 53.Егорова Н.Е.,Смулов А.М.Предприятия и банки. М.,Дело,2002
- 54.Стратегическое планирование. Учебное пособие. Под.ред .А.Н.Петрова. Санкт-Петербург, знание,2003.
- 55.Управление деятельностью коммерческого банка. Под ред.Лаврушина О.И.М.,Юрист,2002.
- 56.Друкер П.Ф.Эффективное управление.М.,Гранд,2001
- 57.Каплан Р.,Нортон Д.Организация,ориентированная на стратегию.М.,2004.ЗАО «Олимп-бизнес».
- 58.Виханский О.С.Стратегическое управление: Учебник.-2- е изд., перераб. и доп.М.: Гардарика,2009. 296с
- 59.Andrea Vaona(2005).Regional evidence on the finance-growth nexus, Working paper №30,University of Verona, Department

of Economics Sciences, Polo Zanotto, Viale dell. Universita 4,37129,Verona, Italy.

60.Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576с

61.Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заёмщика: учебно-практическое пособие. – М.:КНОРУС,2008 – 264с.

62.Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах, 6-ти частях. Уфа: Спектр. Часть 1, 1993. - 132 с.

63.Купчинский В.А. Система управления ресурсами банка / В.А. Купчинский, А.С. Улинич. – М.: «Экзамен», 2000. – 224 с.

64.Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring, BCBS, Dec 2010.35p.

65.Proposal to ensure the loss absorbency of regulatory capital at the point of non-viability - consultative document, BCBS, Aug 2010.21p.

66.Revisions to the Basel II market risk framework - final version, BCBS, Jul 2009.38p.

67.Бэр Х. П. Секьюритизация активов / Х. П. Бэр. – М. : Волтерс Клювер, 2006. – 624 с.

68.ASIFMA-ICMA. Guide on Repo in Asia. Securitisation Data Report. August, 2015 // Asia Securities Industry & Financial Markets Association (ASIFMA) [Website]. URL: www.asifma.org (03.06.2015); Securitisation Data Report // Association for Financial Markets in Europe (AFME) [Website]. URL: www.afme.eu (03.06.2015); Securitisation Data Report // Securities Industry and Financial Markets Association (SIFMA) [Website]. URL: <http://www.sifma.org/> (03.06.2015)

69.Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2007й.

70.Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг баркарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал килиш йўллари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент. 2008й.

71.Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурслариини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 36 б.

72.Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2016 йил, – 9 бет.

73.Вахабов А.В. Инкиroz шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2009. - № 4 –246.

74.ASIFMA-ICMA. Guide on Repo in Asia. Securitisation Data Report. August, 2015 // Asia Securities Industry & Financial Markets Association (ASIFMA) [Website]. URL: www.asifma.org (03.06.2015);

75.Securitisation Data Report // Association for Financial Markets in Europe (AFME) [Website]. URL: www.afme.eu (03.06.2015);

76.Securitisation Data Report // Securities Industry and Financial Markets Association (SIFMA) [Website]. URL: <http://www.sifma.org/> (03.06.2015)

77.2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёsatнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. - №1.

78.2015 йилдаги макроиктисодий ҳолат ва монетар сиёsatнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Тошкент. - .2016 й.

79.Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-тахлилий бюллетени. 2015 йил январь-декабрь. Center for Economic Research., JICA. 5-б., 11-б., 20-б.

80.Рейтинги информационный бюллетень РА «Ahbor-Reyting». Ташкент-2017 г., Выпуск №37, - сс. 13, 42, 47, 53.

81.АҚШ Молия Вазирлигининг йиллик хисоботи маълумотлари. 2012 й., Financial Report of the USA.

82.<http://www.cbu.uz> –Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти.

83.<http://www.worldbank.org> – Жаҳон банкининг расмий веб сайти.

84.<http://www.nbu.uz>

85.<http://www.uzpsb.uz>

86.<http://www.trastbank.uz>

87.<http://www.stat.uz>. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўmitаси.

88.www.data.bank.org

89.www.biznes-daily.uz

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банк тизимида актив операцияларни бошқариш борасидаги илмий-назарий қарашлар.....	5
1.2. Тижорат банкларида актив операцияларининг бошқариш стратегияларининг назарий жиҳатлари.....	24
1.3. Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришни ташкил этиш йўллари.....	34
<i>1 боб бўйича хуносалар.....</i>	<i>45</i>

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ЖОРИЙ ХОЛАТИНИНГ ТАХЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларида актив операцияларини бошқариш усуллари ва воситалари.....	48
2.2. Тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришда имитацион моделни кўллашнинг зарурлиги ва аҳамияти.....	64
2.3. Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришнинг жорий холатининг тахлили.....	70
2.4. Тижорат банкларининг актив операцияларининг баркарорлигини бошқаришда «Базель III» талаблари ва халқаро рейтинг тизимларининг жорий ҳолати.....	85
<i>2-боб бўйича хуносалар.....</i>	<i>96</i>

III БОБ.ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Актив операцияларни бошқаришда инновацияларнинг ўрни.....	98
3.2. Тижорат банкларининг актив операцияларини бошқариш стратегиясини шакллантиришни амалга оширишда вужудга келадиган муаммолар ва уни бартараф этиш йўллари.....	105
3.3. Тижорат банки актив операцияларини бошқаришнинг мамлакат иктисадиётига ўзаро алоқадорлигининг эконометрик таҳлили.....	116
3.4. Тижорат банкларида активларни сескъютизациялаш орқали бошқариш стратегиясини такомиллаштириш.....	122
3-боб бўйича хуносалар.....	135
ХУЛОСА.....	137
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	140

М. Б. МҮМИНОВА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Тошкент – «Инновацион ривожланиш
нашиёт-матбаа уйи» – 2021**

Мухаррир:	М.Ҳайитова
Тех. мухаррир:	А.Мойдинов
Мусаввир:	А.Шушунов
Мусаххиха:	Ш.Миркосимова
Компьютерда саҳифаловчи:	М.Зойирова

**E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +99899920-90-35
Нашр.лиц. № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 10.08.2020.**

Босишга руҳсат этилди 02.06.2021.

Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 10,0. Нашр босма табоги 9,25.

Тиражи 100. Буюртма № 50

**«Инновацион ривожланиш нашиёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.**

**100174, Тошкент ш., Олмазор тумани
Университет кўчаси, 7-уи.**